

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОНДА
СУД ХОКИМИЯТИ:
ИСПОХОТЛАР ДАВРИ



СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ
В УЗБЕКИСТАНЕ:
ВРЕМЯ РЕФОРМ

64-71
У-32.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ҲОКИМИЯТИ:
ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИ**

«АДОЛАТ»

	БИБЛИОТЕКА ТГПИ
	338340

Ўзбекистонда суд ҳокимияти: Ислохотлар даври / Муаллифлар: А.А.Полвон-зода, Г.А.Абдумажидов ва бошқ. — Т.: «Адолат», 2002 — 368 б.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

І. Полвон-зода А.А. ва бошқ.

Мукова, титул ва текст ўзбек ва рус тилларида

ББК 67.71

Муаллифлар:

- | | |
|-------------------------|---|
| А.А. Полвон-зода | Муаллифлар гуруҳи раҳбари,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири |
| Г.А. Абдумажидов | Ўзбекистон Республикаси
фан арбоби, юридик фанлари
доктори, профессор |
| Б.А. Наимов | Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси |
| Е.Н. Никифорова | юридик фанлари номзоди,
ТДЮИ «Жиноят процесси»
кафедраси доценти |

Тақризчи:

- | | |
|------------------------|--------------------------------------|
| М.Ҳ. Рустамбоев | юридик фанлари доктори,
профессор |
|------------------------|--------------------------------------|

Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кейинги ўн йиллик давр мобайнида суд-ҳуқуқ ислохотлари натижалари, суд органлари тузилиши, судда ишларни кўриш борасида қонунчиликнинг ривожланиши, судлар мустақиллигига эришиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда суд ҳокимиятининг аҳамияти ҳақида сўз юритилади, Конституциявий суд, умумий юрисдикция ва хўжалик судлари фаолиятига оид маълумотлар берилади.

Қўлланма юридик олий ўқув юрти ва факультетлари талабалари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва давлат бошқаруви органлари ходимлари, шунингдек кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

1203150000 — 013

Ў _____ — 2002

95 — 2002

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2002

© «Адолат» нашриёти, 2002

«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»¹

И.А. КАРИМОВ

СЎЗ БОШИ

Мана, ўн йилдирки, Ўзбекистон миллий мустақиллик шароитида ҳаёт кечирмоқда. Шу йиллар мобайнида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида юз берган ўзгаришлар ўз навбатида инсон фаолиятининг барча соҳаларида тегишлича туб ўзгартиришлар қилинишини, ижтимоий кадриятлар устуворлигини қайтадан кўриб чиқиш заруриятини тақозо этди.

Бугунги кунда энг олий кадрият инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари эканлиги тўғрисидаги тамойил Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилган. Ижтимоий кадриятларнинг давлат фойдасини эмас, балки инсон фойдасини кўзлаб ўзгартирилиши жамият томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Бироқ бу конституциявий талабни ҳаётга татбиқ этиш учун яна кўп нарсаларни ўзгартириш лозим бўлди.

Ўзбекистон қатор ўн йилликлар давомида тоталитар тузум шароитида яшаб, ҳокимият бўлиниши тамойилининг мавжуд бўлмаганлиги туфайли суд ҳукмрон партиянинг ноқонуний тазйиқлари исканжасида қолганлиги қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тўла бошидан кечирди.

Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилининг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши мустақилликнинг энг муҳим ютуқларидан бири бўлди. Фақат шундай умум эътироф этган, тажрибада синовдан ўтган демократик йўл билангина одил судлов лозим даражада амалга оширилиши, Конституцияга ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга сўзсиз риоя этилиши, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибнинг мустаҳкамланишига эришиш мумкин.

Суд ҳокимиятининг ташкил этилиши ва амал қилиши асосларини белгиловчи бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши сўзсиз

¹Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Т.:1996.1-т.44-бет.

жамиятни демократлаштириш борасидаги жиддий ютуқлар сирасига киради. Улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуни, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари киради. Суд ҳокимиятининг ягоналиги судьяларнинг мустақиллиги, суд корпусининг шакллантирилишини белгилайдиган ҳуқуқий қоидалар, шунингдек судлар фаолиятини молиялаш ва моддий-техника таъминоти масалалари айни шу ҳужжатларда баён қилинган. Процессуал кодексларда эса ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш шароитида одил судловни амалга ошириш тамойиллари, халқаро андозаларга мувофиқ бўлган суд ишларини юритиш қоидалари: суд ишларини юритишда тортишув, айбсизлик презумпцияси, процессда томонларнинг тенглиги ва бошқа тамойиллар ўз аксини топди.

Шу билан бир қаторда суд ҳокимиятининг янги тузилмалари (Конституциявий суд, хўжалик ва ҳарбий судлар)ни яратиш ишлари ҳам олиб борилди. Жамият ҳаёти гуркираб тараққий этди. Барча соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилди. Ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкамланиб бориши суд ислохотини чуқурлаштиришни, одил судлов тизимини демократлаштиришни тақозо қилди.

Ушбу китобда суд тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва йўналиши, уларнинг мақсадлари ҳамда вазифалари кенг китобхонлар учун аниқ ва тушунарли тарзда баён этилган. Шу билан бир қаторда унда ўтказилаётган ислохотлар ўзбекиона моделнинг ўзига хослиги ва алоҳида хусусиятларини бошқа мамлакатлардаги шунга ўхшаш жараёнлардан жиддий фарқини қиёсий таҳлил этиш йўли билан очиб беришга ҳаракат қилинади.

I. ЎТМИШДАН ҚОЛГАН МЕРОС

Қонунларимизни ислоҳ қилиш борасидаги ишлар жуда катта аҳамият касб этади. Бироқ ислохотлар муваффақиятли тарзда амалга оширилиши ва янги қонунлар хоҳлаганимиздек натижаларга олиб келиши учун босиб ўтилган йўлни тўла аниқлаш ва идрок этиш, ўз тарихимизни англаб етишимиз лозим. Ўтмиш, бугунги кун ва келажак — бир-бири билан чамбарчас боғланган муштарак илдизлар бўлиб, биз тарихга қанчалик кўп мурожаат қилсак, бугун ва эртага нималар қилишимиз кераклигини янада кўпроқ тушуна борамиз.

Суд ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг бир белгиси сифатида кўп асрлик тарихга эга. Унинг қадим ўтмишда, бундан уч ярим минг йил илгари, яъни давлатчилик шаклланишининг дастлабки босқичларида қандай бўлганлиги тўғрисида, афсуски, ишончли маълумотлар йўқ. Умуман олганда, Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданияти, турмуши, анъаналари ва маънавий негизлари умумий тавсифига асосланиб шундай фараз қилиш мумкинки, судьялик вазифаларини обрў-эътиборли, хурматли, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилар бажаришган. Улар томонидан жамиятдаги низоли, зиддиятли ҳолатлар юзасидан чиқарилган қарорлар ҳар қандай шубҳадан холи ва мажбурий деб эътироф этилган.

Ўзбекистон ҳудудида қарийб 13 аср давомида шарият қонунларига амал қилган қозилик судлари ҳамда халқ урф-одатлари ва анъаналари меъёрлари бўйича қарорлар қабул қилган бийлик судлари мавжуд бўлган.

Ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмида (Ўрта Осиёни Россия босиб олганидан кейин) мустамлакачи чор ҳокимият бу ерда Россия империяси қонунларига кўра амал қилувчи ўз суд органларини таъсис этди. Бу судлар дастлаб Россия фуқаролари манфаатларига дахлдор фуқаролик низоларини ва жиноят ишларини кўриб чиқишган, кейинчалик жиддий низолар, шунингдек қонунга биноан озодликдан маҳрум қилиш, жазолаш назарда тутилган жиноятлар ҳақидаги ишлар ҳам уларнинг ваколатларига берилган.

Октябрь тўнтариши, шубҳасиз, суд тизимига ҳам таъсир қилди — халқ судлари ва трибуналлар таъсис этилди. Улар совет ҳокимиятининг илк қарорларида расмий равишда кўрсатилганидек, «пролетарча онгга» амал қилишган. Уларга ўз фаолиятида агар «революция манфаатларига» зид келмайдиган бўлса, чор Россиясининг қонунларини қўллаш ҳам ружсат этилган эди.

Судлар ва бошқа жазолаш органлари ҳар қандай камчиликлардан холи, фақат жазоловчи, ҳеч бир шубҳани тан олмайдиган деб белгиланди. Улар нафақат умумий кўрсатмалар ёрдамида, балки муайян ишларга аралашиб йўли билан ҳам бошқарилар эди.

РКП(б) Сиёсий бюросининг 1919 йилда қабул қилган «Босмачилар қўрбошилари тўғрисида»ги бир қарори шу маънода ибратлидир: унда «Ўрта Осиё бюросига босмачилар қўрбошиларини асло қўлдан чиқармаслик ва зудлик билан Ревтрибунал судига бериш, бунда олий жазо қўллашни назарда тутиш топширилсин»¹ дейилган эди.

Ўшбу қарор матнidan сиёсий бюро аъзоларининг судлар фаолиятига тўғридан-тўғри аралашishi, улар томонидан айбдорлик масаласи ҳам, жазо чораси ҳам ҳал қилиб қўйилганлиги кўриниб турибди.

Ўша пайтларда судларнинг мустақиллиги ва одил судлов ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. 1936 йилда СССР прокурори А.Я.Вишинский суд ролини партиявий давлатнинг жазоловчи сиёсатини олиб борадиган орган сифатида асослаган эди: «Биз пролетар давлатида судьяларнинг «мустақиллиги» тамойилини рад қилар эканмиз, биз уларнинг пролетар давлатидан, ишчилар синфидан, унинг умумдавлат сиёсатидан мустақил эканлигини рад қиламиз. Биз бу билан давлатда умумдавлат сиёсатидан бошқа қандайдир алоҳида суд сиёсати мавжуд бўлиши мумкинлигини инкор этамиз ...»².

Қонунсизлик — коммунистик тизимнинг умумий белгиси бўлиб, у барча совет муассасаларига дахлдор эди. Партия тузуми судларни ўз йўлини амалга оширадиган қўшимча восита, деб ҳисоблар эди. Партия кўрсатмалари зудлик билан кўр-кўрона ҳаётга татбиқ қилинар эди.

Масалан, 1934 йил 10 июлда СССР МИК «ССР Иттифоқи ички ишлар Халқ комиссариати ва унинг маҳаллий органлари томонидан тергов қилинадиган жиноятлар ҳақидаги ишларнинг кўриб чиқилиши тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга биноан давлатга қарши жиноятлар (контрреволюцион ва бошқарув тартибига қарши бўлган) ҳақидаги ишлар СССР Олий суди, иттифокдош республикалар олий судлари, ўлка ва вилоятлар судлари, шунингдек автоном республикаларнинг бош судлари томонидан кўриб чиқилар эди. Бунинг учун СССР ва иттифокдош республикалар судларида суд раиси ва икки аъзодан иборат таркибда махсус суд ҳайъатлари ташкил қилинган эди. Темир йўл ва сув транспортдаги жиноятлар ҳақидаги ишларни СССР Олий судининг Транспорт ва Сув ҳайъатларида, линия судлари, темир йўл ва сув судларида кўриб чиқилиши лозим эди. Шунингдек, СССР Олий судининг Суд-назорат ҳайъати ҳам таъсис этилди³.

СССР Прокурорининг 1935 йил 23 январдаги кўрсатмасида

¹ Стецовский Ю.И. Судебная власть: Учебное пособие. 2-е изд. — М: Дело. 2000. С. 55

² Вышинский А.Я. Судостроительство в СССР. М., 1936 С. 117.

³ С 3. СССР. 1934. № 36. Ст. 284.

контрреволюция ҳақидаги ишлар «уларни судларда кўриб чиқиш учун етарли ҳужжатли маълумотлар йўқ бўлганда, одатда, СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги (ИИХК) қошидаги махсус кенгаш томонидан кўриб чиқиши учун юборилиши айтилган эди, бироқ бу ҳолат маҳаллий шарт-шароитлар тақозо этганда махсус ҳайъатга кўриб чиқиш учун беришни истисно қилмайди»¹. Бошқача айтганда, далилларсиз ҳукм қилиш учун нафақат махсус кенгаш, балки махсус ҳайъатлар ҳам ярайверарди.

Махсус судлар тизимига ҳарбий, линия ва лагерлар судлари кирар эди. Уларнинг ҳаммаси ва махсус ҳайъатлар аслида махсус кенгашнинг бир тури эди. Улар ёпиқ бўлиб, ҳеч қандай қийинчилик кўрмасди. Уларнинг ишига хос нарса — бу ҳукмларнинг аниқлиги, яъни олдиндан ҳал қилиб қўйилганлиги эди. Барча ҳукмлар ҳам айблов кўринишида ва ғоят шафқатсиз бўлиши тўғрисида шубҳага ҳам бормаса бўларди.

Қатарон оперативлиги ва тезлигини нафақат махсус кенгашлар, шу билан бирга вилоят ИИХК бошқармаси бошлиғи, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби ва вилоят прокуроридан иборат учлик ҳам таъминлар эди. 1937 йилда Сталин махсус учликлар ташкил этиш тўғрисида фармойиш берди, уларга троцкийчиларни, жосусларни ва бошқа шахсларни отиш ва 10 йил муддатга турмага қамашга ҳукм қилиш «хуқуқи» берилган эди. Учликка қуйидагилар кирар эди: вилоят ИИХК бошқармаси бошлиғи — раис, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби ва вилоят ижроия қўмитаси раиси — аъзолар. Учликка «лимит» ажратиларди. Масалан, махсус учлик минглаб кишиларни тергов ва суд қилмасдан отиб ташлаши мумкин эди. Учликнинг иш тартиби қуйидагича эди: чақирув қоғози ёки «альбом» деб аталадиган варақа тузилиб, унинг ҳар бир саҳифасида одамнинг исми, отасининг исми, фамилияси, туғилган йили ва содир қилган «жинояти» кўрсатилар эди. Сўнгра вилоят ИИХК бошқармаси бошлиғи қизил қалам билан катта «Р» ҳарфини ёзиб кўярди, учлик аъзолари эса, одатда, «альбом-чақирув қоғози»ни эртаси куни имзолашарди. Шунингдек, иккиликлар, махсус ҳайъатлар ва махсус ташрифлар ҳам амал қиларди. Фақат бир кунда — 1937 йил 18 октябрда Ежов билан Вишинскийдан иборат таркибдаги иккилик 551 кишига тегишли материалларни «кўриб чиққан» ва уларнинг ҳаммасини ўлим жазосига ҳукм қилган. Зарур бўлганда бундай тартиб-қоидаларсиз ҳам ишлайверишган. Масалан, 1941 йилнинг октябрида 25 киши: йирик ҳарбий хизматчилар, уларнинг хотин-

¹ Сборник законодательных и нормативных актов о репрессиях и реабилитации жертв политических репрессий. М., 1993. С. 36.

лари ва бошқа шахслар ички ишлар Халқ комиссарининг хати асосида отиб ташланган¹.

Партияга «дўст эмас» шахслар рўйхатини тузиш кенг тарқалган эди. Фақат 1937—1938 йилларда Сталин ва Молотов томонидан 383та шундай «биринчи тоифа»даги шахслар рўйхати тасдиқланган бўлиб, унинг маъноси отиб ўлдиришни англатарди.

Сталин давридаги қонхўр қонунсизлик, 30—50 йиллардаги оддий ҳуқуқий меъёрларни топташ азобини Ўзбекистон халқи ҳам тўлиқ ўз бошидан кечирди, унинг кўплаб энг яхши вакиллари ёлгон чақимчилик ва тухматлар уюштирилиб, қириб ташланди ва турмаларга қамалди. Контрреволюцион деб аталган жиноятлар ҳақида кўриб чиқилган ишларнинг кўпчилиги очикдан-очик олдидан ҳал этилганлиги, юзакилиги, ҳақиқий ҳолатларнинг бутунлай инобатга олинмаслиги, фуқароларнинг ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги билан ажралиб турар эди.

Ишларнинг кўп қисми гўёки совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш, пароканда қилиш ёки заифлаштиришга ёки алоҳида контрреволюцион жиноятларни содир қилишга қаратилган даъватлардан иборат тарғибот ёки ташвиқот учун жавобгарлик ҳақидаги ишлар эди. Бунда кўрсатилган модданинг диспозицияси ҳеч бўлмаганда кенгайтириб талқин этилар эди, бу эса, фуқароларнинг танқидий мулоҳазалари, латифалари ва ҳатто маиший масалаларга доир оддий фикрлари учун ҳам ноқонуний судланишига олиб келди. Энг тўғри ниятли фуқаро ҳам мабодо дўконда ноннинг эски эканлигидан норозилик билдирса ёки Германия — жиддий рақиб деган жумлани айтиб қўйса, бунинг учун 10 йил қамоқ жазоси ёки ҳатто ўлим жазосини ҳам олиши ҳеч гап эмас эди. Масалан, ЎзССР ИИХК қошидаги учликнинг 1937 йил 28 октябрдаги қарорига кўра колхозчилар А.Боймирзаев, Н.Муродов, Н.Саидмуродов олий жазо чорасига, Н.Шодмонов, Р.Қурбонов ва Ш.Мўминов эса, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилганлар. Уларга нисбатан колхозчилар орасида контрреволюцион ташвиқот юргизган деган айб қўйилган. Иш ўрганилиб чиқилганда, бундай «ташвиқот» колхоздаги жиҳозларнинг носозлиги ва раҳбарларнинг яхши ишламаслиги хусусидаги танқидий мулоҳазалардан иборат бўлганлиги аниқланди.

Олий суд томонидан кейинчалик бу иш жиноят аломатлари йўқлиги сабабли тугатилди.

Қийнашлар ва азоб беришлар, одамнинг энг оддий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум этилиши, мунтазам равишдаги психологик тазйиқ, қариндош-уруғлари ва яқинларини қамаш билан қўрқитиш — булар керакли кўрсатувлар олиш учун қўлланилган асосий услуб-

¹ Қаранг: Московские новости., 1988. №19, 48; Лит. газ.,1988, 20 апрель.

лар бўлиб, бу фожиали натижаларга, минглаб ҳеч қандай айбсиз кишиларнинг ҳаётига зомин бўлишга олиб келган, уйдирмалиги аниқ кўриниб турган ўз-ўзини қоралашлар сабаби ҳам эди.

Масалан, ЎзССР ИИХК қошидаги учликнинг 1938 йил 13 февралдаги қарори билан Денов ва Шўрчи туманларининг ўн етти нафар фуқароси гўёки А.Икромов ва Ф.Хўжаев ташкил қилган «қўзғолончи миллатчилик ташкилотида» қатнашганлиги учун олий жазога ҳукм қилинган. Айблов Ҳайитов деган бир кишининг кўрсатувларига асосланган бўлиб, у кейинчалик кўрсатувлар қийнов остида олинганлигини айтиб, уларни инкор қилган. Иш юзасидан бошқа ҳеч қандай далиллар йўқ эканлигига қарамасдан одамлар ҳаётдан маҳрум этилган. Жазо қарор чиқарилганидан сўнг уч кундан кейиноқ ижро қилинган.

Тошкент вилоят суди 1942 йил 12 июнда А.Шейнкнехтни ҳибсдагилар орасида немислар армиясини мақтаганлиги ва контрреволюцион ташвиқот юргизганлиги учун отув жазосига ҳукм қилган. Ҳақиқатда ҳукм қилинган кишининг айтган гаплари немислар кучли рақиб ва улар устидан ғалаба қозониш учун кўп куч керак, деган фикрдан иборат бўлган. Фарғона вилоят суди 1946 йил 5 майда И.Раздобреевни автобус бекатида транспортнинг ёмон ишлаши хусусида норозилик билдирганлиги учун ЖКнинг 58⁴-моддасига биноан 25 йилга озодликдан маҳрум қилган. Тошкент вилоят суди 1948 йил 6 октябрда Г.Качановни колхозчиларнинг камбағал яшаши, ғарбдаги ҳаёт эса яхши эканлиги тўғрисидаги фикрни билдирганлиги учун ЖКнинг 66-моддаси 1-қисмига биноан 10 йилга озодликдан маҳрум қилган. Бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин. Олий суд томонидан ҳукм қилинган шахсларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги учун бу ишлар тугатилган¹.

Ўтган асрнинг 30—40 йиллари ва 50 йиллари бошида ССР Иттифоқининг судга алоқадор бўлмаган органлари томонидан 3.778.234 киши қатарон қилинган ва жазоланган, улардан 786.098 нафари отиб ташланган бўлиб, уларнинг орасида минглаб бизнинг ватандошларимиз бор эди. Эҳтимол, бу рақамлар кўпроқ бўлгандир².

Фақат Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнггина республикада ҳуқуқий давлат барпо этиш ишлари бошланиб, фуқаролар манфаатлари биринчи ўринга қўйилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташаббусига кўра, сиёсий қатаронлар қурбонларини реабилитация қилиш иши лозим даражада олиб борилмоқда. Агар 35 йил ичида — 1955 йил-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди. —Т.:Ўзбекистон, 1994. 51-60-бетлар.

² СССР Давлат хавфсизлиги қўмитасида. Известия, 1990 йил 13 февраль.

дан 1990 йилгача Ўзбекистон Олий суди контрреволюцион жиноятлар содир қилганлиги учун ҳукм этилган атиги 2850 шахсни реабилитация қилган бўлса, кейинги 4 йилда 5200 киши реабилитация қилинди. Реабилитация қилишга доир ишлар ҳали ҳам давом этмоқда ва эҳтимол энг охири айбсиз қурбоннинг оёқости қилинган ҳуқуқлари тикланганидан кейингина тугатилиши мумкин.

Тарих шундан гувоҳлик берадики, яхши қонунлар билан бирга инсон ҳуқуқларининг мафқуравий кафолатлари, инсон шахсининг шаъни ва кадр-қимматига нисбатан ишончни мустаҳкамлаш, ўзбошимчалик қурбони бўлган ҳар бир киши ҳақидаги хотирани сақлаш ҳам ғоят муҳим. Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқи Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Қатарон қурбонларини хотирлаш Кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармонини юксак баҳолади. Ўзбекистон Президентининг ташаббусига кўра пойтахтнинг Юнусобод даҳасида ташкил этилган «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилиши маросими улкан байрам — Мустақиллик куни арафасида бўлиб ўтганлигида чуқур рамзий маъно бор. Минг-минглаб кишилар бу ерга ёвуз қонунсизликлар қурбонлари бўлган ватандошларимизнинг ёркин хотирасини эслаш учун келишади.

И.В.Сталиннинг ўлиmidан сўнг коммунистик партия ва совет ҳукуматининг янги раҳбарлари ўзгача фикрловчи кишилар судсиз жазоланганлигини эътироф этишга мажбур бўлдилар ва одил судлов асосларини демократлаштириш юзасидан айрим чора-тадбирларни қабул қилдилар. Бироқ суд ижро ҳокимиятига бўйсунган ҳолда қолаверди. Судлар устидан раҳбарликнинг амалга оширилиши бевосита қонунларда назарда тутилган эди. Судлар ўз фаолиятида асосан давлат манфаатларини кўзлаб иш тутарди. Инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси унутилган эди. Ўша даҳшатли йилларда суд тизими «марказ» томонидан умумий кўрсатмалар ёрдамида ва ишларнинг ҳал этилишига аралашиб йўли билан бошқариларди. Партия органлари муайян ишларнинг кўриб чиқилишини ўз назорати остига олишар ва ўзлари хоҳлагандек натижаларга эришишарди.

«Кулоқ солмайдиган» принципаал судьяларга ҳар хил йўллар билан тазйиқ кўрсатиларди. Судьяларнинг шахсий ишларини партия органларида кўриб чиқиш, ҳайфсан эълон қилиш ёки партиядан ўчириш «мустақил» судья тақдирини олдиндан ҳал қиларди.

Судьяларга ноқонуний таъсир кўрсатишлар кўпинча ёпиқ тусга эга бўлиб, (маслаҳат беришлар, ишора қилишлар, ишга диққат билан муносабатда бўлиш ҳақидаги илтимослар ва хоказо) ва баъзан муайян шахсларнинг жиний жавобгарликдан озод

килинишига, баъзан эса, жиноят лозим даражада далилланмаган ҳолларда, айблаш ҳукми чиқарилишини таъминлашга қаратилар эди.

ИИБ ва прокуратура органлари бир қатор ҳолларда айрим «овозали» жиноят ишлари атрофида муайян ижтимоий фикрни шакллантирар, ниҳоят оғир, барчага овоза бўлган жиноят (бир қатор жиноятлар) очилди, айбдорлар ўз айбини бўйнига олди ва энди фақат суд уларни қонуннинг борини қўллаб жазолаши қолди, деган фикрни ўртага ташлар эди. Кўпинча бундай ҳол айблов ишончли тарзда исботланмаган, рухсат этилмаган тергов услублари қўлланилган, айбланувчилар судда ўз кўрсатмаларини инкор этиши мумкин деган хавф мавжуд бўлган, бошқа далиллар эса, шубҳали ва бир-бирига зид бўлган ҳолларда юз берарди. Матбуотда чиқишлар, радио ва телевидение орқали эшиттиришлар ва кўрсатувлар уюштирилиб, уларда журналистлар «мохирона очилган» жиноятларни баён қилиш ва «айбдорларни» бадном қилиш учун (гарчи улар устидан ҳали суд бўлмаган бўлса-да) бўёқларни аяшмасди.

Судьялар қатор сабабларга кўра ноқонуний таъсир ва психологик таъйикқа ён беришарди. Биринчидан, судларни кенг ва қулай хоналар, жиҳозлар, ёнилғи, транспорт билан, судьяларнинг ўзларини эса — квартиралар, имтиёзлар билан таъминлаш кўп жиҳатдан маҳаллий ҳокимиятга боғлиқ эди. Иккинчидан, агар судьянинг ҳукм ва қарорлари маҳаллий ҳокимият назарида жиноят соҳасидаги сиёсатнинг асосий йўналишларига тўлиқ мос келмаса, унга партиявий жавобгарлик хавф соларди. Учинчидан, судьялар, мабодо ҳокимиятнинг айтганини қилмаса, янги муддатга қайта сайланмай қолиш ёки юқори лавозимга кўтарилмаслик эҳтимолидан чўчишарди.

Ўзбекистон судьяларини Гдлян ва Иванов номи билан аталган тергов гуруҳи содир этган қонунсизлик ва зўравонликларга ҳар доим ҳам қарши тура олмаганликларининг асосий сабаби ҳам ана шунда эди.

1983—1989 йилларда Ўзбекистонда «пахта иши» деб аталган ишлар бўйича 4,5 мингга яқин киши жавобгарликка тортилган ва ҳукм қилинган эди.

Шахс манфаатлари давлат манфаатларидан кейин иккиламчи деб эътироф этилган, ҳукмрон мафқуранинг мақсадлари йўлида одамларнинг нафақат шахсий манфаатлари, ор-номуси ва кадр-қиммати, шу билан бирга уларнинг ҳаёти ва эркинлиги қурбон қилинган шароитда, баъзан, ҳатто судда ҳам адолатсиз айбланаётган кишини ҳимоя қилиш осон эмас эди.

1989 йилда республика раҳбарияти томонидан «пахта иши»

деб аталган ишларни ўрганиш юзасидан комиссия ташкил этилди. Қайта кўриб чиқиляётган ҳар бир ишни синчиклаб ўрганиш натижасида республика Олий суди 3,5 мингдан ортиқ кишини тўлиқ реабилитация қилди. Бу ишларни текшириш шуни кўрсатдики, юқорида айтиб ўтилган тергов гуруҳи ишида «айбига иқрорлик» ҳақидаги кўрсатувларни олиш мақсадида калтаклаш, ҳақоратлаш, ор-номус ва қадр-қимматини ерга уриш каби туркум ноқонуний тергов услублари, деярли ҳамма жойда айбланувчиларнинг оила аъзоларини, қариндош-уруғларини, шу жумладан касал, кекса ёшдаги кишилар, кўп болали оналар ва болаларни ҳибсга олиш каби амалиёт қўлланилган.

Фақат эндигина, ҳақиқий миллий мустақиллик шароитида бизга одил судловимиз ўтмиши тўғрисида кўпгина фожиали воқеалар маълум бўлди. Бундай қилмишларнинг ошқора фош этилиши, гарчи улар ҳали ниҳоясига етказилмаган ва тўла англаб олинмаган бўлса-да, разолат қайта такрорланмаслиги учун етарли мафқуравий қафолат бўлиб хизмат қилади.

II. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ. ИСЛОҲОТ БОСҚИЧЛАРИ

Давлат мустақиллиги эълон қилинганидан кейин жамиятда бошланган демократик туб ислохотлар суднинг давлат органлари тизимидаги ўрни ва ролини муқаррар равишда қайта кўриб чиқишни тақозо қилар эди.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши суд тизимини янгилаш, уни демократлаштириш жараёнига жиддий туртки бўлди. Судни ҳукмрон бюрократиянинг қатағончилик қуролидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли воситаси — ҳуқуқий давлатнинг ғоят муҳим институтига айлантириш биринчи навбатдаги вазифа бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (11-модда) илк бор ҳокимият бўлиниши принципи мустаҳкамлаб қўйилди, унга кўра мамлакатда давлат ҳокимияти бир-биридан мустақил бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади.

Бугунги кунда суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи эканлиги тўғрисидаги нуқтаи назар тўла қарор топди. Совет даврида, айниқса унинг дастлабки босқичида, бундай ғоя инкор этилган эди. Суднинг жазоловчи функцияси асосий ўринни тутар, суд амалда энг аввало босиб туришга мослашган давлат аппаратининг бир бўғини бўлиб, унинг муҳофаза қилиш функцияси ҳақида умуман гапирилмас эди. Фақат ҳуқуқий давлат ғоясининг эълон қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида ва мустақил тармоғи сифатида эътироф қилинганидан кейингина қонунларда ўз аксини топаётган муайян назарий база яратила бошланди.

Ҳокимият бўлиниши назарияси, суд ҳокимиятини қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан алоҳида ва мустақил бўлган тармоққа ажратиш назарияси антик дунё давлатларидаёқ вужудга келган эди. Ўша даврдаги мутафаккирлар бундай назариянинг бир неча зарурий белгиларини таъкидлашган бўлиб, унга кўра давлатнинг ичида унинг муайян функцияларини бажарадиган нисбатан мустақил давлат элементлари мавжуд бўладиги, улар фаолиятининг мазмуни жамиятнинг ижтимоий табақаларга бўлиниши билан боғлиқ бўлади. Бу элементлар бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқликда туриб, гоҳ бир-бирига ёрдам беради, гоҳ эса, мабодо улардан бири ҳаддан ортиқ кучайган тақдирда, тўсқинлик қилади. Уларнинг ҳаммаси ўз фаолиятини қонунлар асосида амалга оширади.

Шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари билан бе-

восита боғлиқ бўлган суд назорати ғояси, шубҳасиз, маънавий жихатларга эга бўлиб, ўз илдизлари билан теран ўтмишга сингиб кетади. Ҳокимият бўлиниши ҳақидаги таълимот амалда дунёдаги барча демократик ривожланган мамлакатларнинг конституциявий қонунчилигида ва давлат қурилишида мужассам бўлган ва бўлмақда.

Давлатимизнинг Асосий қонуни Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади, деб эълон қилди (106-модда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимиятига махсус боб бағишланган бўлиб, унда «суд ҳокимияти» атамаси суд тизимининг ташкил этилиши ва судлар фаолиятининг тамойилларини қамраб оладиган қатор қоидалар орқали очиб берилади.

Фанда суд ҳокимиятини таърифлашга нисбатан турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, улардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Баъзи процессуалчи олимлар фикрича, суд ҳокимияти «қонунга бўйсундирилган ва суд ишларини юритиш тартибида қонунни қўллашга даъват этилган органлар тизимини ташкил қилади»¹. Суд ҳокимиятини таърифлашга доир бошқача ёндашув уни суд ишларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият сифатида тушунишдан иборатдир.

Ҳар иккала концепция тарафдорлари томонидан тақдим этилган суд ҳокимияти тушунчасида узвий бирликни ташкил этадиган иккита асосий жихат ажратиб кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми суд ҳокимияти тушунчасига биринчи марта қуйидагича таъриф берди: «Суд ҳокимияти — бу судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуворлиги принципига сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фуқаролик, хўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича ваколатидир»².

Олий суд Пленуми ўз таърифида суд ҳокимиятининг муҳим функцияларини қайд қилган. Шу билан бирга, бизнинг назаримизда, уни кенг қамровли ва қонун чиқарувчи томонидан «суд ҳокимияти» атамасига сингдирилган теран мазмунни тўлиқ очиб беради деб аташ қийин.

Изоҳ тариқасида, шуни қайд қилиш керакки, Олий суд Пленуми талқинида суд ҳокимиятининг муҳим функцияларидан бири — Конституциянинг 108-моддасига биноан Ўзбекистон Респуб-

¹ Фойницкий И.Я. Курс уголовного судопроизводства. Т.1. СПб. 1996. С.158.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991—1997. — Т.: Шарк, 1997. 5-6-бетлар.

ликаси Конституциявий судига юкланган конституциявий назоратни амалга ошириш ўз аксини топмаган. Суд ҳокимиятининг мазмуни, жамиятдаги роли ва вазифаси ҳақидаги умум қабул қилган тушунча асосида шундай фикрга келиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг бир тармоғи сифатида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир давлат функциясини бажаради. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари нафақат қонунларнинг маъноси, мазмуни ва қўлланилишини, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятлари фаолиятини, балки айнан суд ҳокимияти фаолиятининг ҳам маъноси ва мазмунини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси суд тизими олдида ҳоят катта аҳамиятга эга вазифа — давлат органларини инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга мажбур этиш, мавҳум ҳуқуқий меъёрларни реал ҳуқуқ ва мажбуриятларга айлантириш, давлатнинг инсон олдидаги ўз вазифаларини бажаришини таъминлаш вазифаси турибди.

Суд ҳокимиятининг асосий таркибий қисмларидан бири шундан иборатки, унинг амалга оширилиши фақат махсус таъсис қилинадиган давлат органлари — судларга ишониб топширилади.

Суд ҳокимиятининг органи сифатида суднинг ўзига хос хусусиятлари яна шундан иборатки, унинг фаолияти учун алоҳида қоидалар, русумлар белгиланган. Бундай қоидалар ҳар қандай масалани судда кўриб чиқиш пайтида юз бериши мумкин бўлган ҳамма жиҳатларни қатъий тартибга солади. Уларнинг асосий мақсади — қонуний, асослантирилган ва адолатли ечимга эришилишини таъминлашдир.

Суд ҳокимиятини амалга ошириш тартиб-қоидаларининг бир неча кўринишлари қарор топганки, уларга суд ишларини юртишнинг конституциявий, фуқаролик, хўжалик, жиноий ва маъмурий турлари киради. Бундай суд ишларини юритиш махсус қонун ҳужжати билан тартибга солинади.

Суд тизимининг ҳуқуқий негизи Конституциянинг 107-моддасида берилган. Унга мувофиқ республикада Конституциявий суд, хўжалик судлари ва умумий юрисдикция судлари амал қилади. Мамлакатда қандайдир фавқулодда судлар тузилишига йўл қўйилмайди.

Конституциявий меъёрлар судлар тизимини умуман белгилайди. Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби алоҳида қонун билан белгиланади.

1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг фаолиятини ташкил қилиш масалаларига бағишланган илк ҳужжат эди.

Умумий юрисдикция судлари, шунингдек хўжалик судлари фаолияти дастлаб Олий Мажлис томонидан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда суд тизимининг ташкилий асосларидан ташқари демократик ҳуқуқий давлатнинг фаолият кўрсатишини таъминлашнинг зарурий шарти сифатида судьяларнинг мустақиллиги кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонун чиқарувчи орган суд тузилишига оид асосий тамойилларнинг ҳозирги замон андозаларига ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос бўлишини назарда тутган ва бунга эришган. Унда, масалан, қонунчиликда илк бор суд ишларини юритиш айбсизлик презумпцияси, тортишув жараёни, химоя ҳуқуқи каби ғоят муҳим тамойиллар мустаҳкамланди ва улар кейинчалик қабул қилинган Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодексларида ойдинлаштирилди. Бундай асосий қоидалар суд муҳокамаси жараёнида реал амал қила бошлади ва судларнинг иш сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Инсон ҳуқуқларини химоя қилишга қаратилган фаолиятни амалга оширадиган суд ҳокимиятининг шакллантирилиши, давлатда ижтимоий барқарорлик ва қонунчиликнинг таъминланиши, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасида суд ислоҳоти илк босқичининг асосий мазмунини ташкил этди.

Маълумки, фақат биргина судлар тузилишини ислоҳ қилиш билан мафкура қонунга нисбатан устун турган тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тузумидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини таъминлайдиган ҳақиқий демократик ҳуқуқий давлатга ва жамиятга ўтиб бўлмайди.

Давр ҳуқуқий соҳада чуқур туб ўзгаришлар амалга оширилишини, бир қатор қонунлар қабул этилишини тақозо қилди.

Суднинг демократизми, объективлигини, ҳар қандай фуқаронинг судга мурожаат қила олиши имкониятини, суд химоясида бўла олиш соҳасини кенгайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилди.

1994 йилнинг сентябрида қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қонунчиликни таъминлашда катта аҳамият касб этди ва у давлатимиз суд-ҳуқуқ тизимини қайта қуришда муҳим кадам бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳақидаги янги қонунлари илгариги қонунлардан принципаал ва тубдан фарқ қилади. Синфий тамойилларга асосланган, мафкуравий ақидаларга бўйсун-

дирилган 1959 йилги Жиноят кодекси, унга киритилган ҳуқуқий меъёрларнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими ва режали-таксимловчи иқтисодиёт манфаатлари билан суғорилганлиги ўз навбатида фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари камситилганлиги билан ажралиб турар эди. Унда инсон ҳуқуқлари, аввало, мулкка бўлган ҳуқуқлари жиддий чекланган, қонунсиз аралашувдан холи соҳалар тан олинмас, бир қатор ғоят муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда жазолаш, жиноий-мажбурлаш воситалари ва услублари аҳамияти жуда бўрттирилган ва ошириб юборилган эди. 33 та жиноят тури учун ўлим жазосининг белгиланганлиги ана шундан етарли далолат беради.

Мустақил Ўзбекистоннинг Жиноят кодекси янги шарт-шароитлар, янгича тамойиллар ва реалликларга асосланади. Унда қадриятларга тубдан қайта баҳо бериб чиқилган, унинг негизини инсон ва фуқаронинг халқаро эътироф этилган демократик тамойилларга, халқнинг маънавий ва ахлоқий мезонлари ва анъаналарига мувофиқ келадиган ҳуқуқлари ва эркинликлари ўз аксини топган. Сургун ва бадарға ноинсоний жазо чоралари сифатида биринчи марта жиноий жазолар қаторидан чиқариб ташланди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, уларнинг қонуний манфаатларини жиноят-ҳуқуқий қўриқлаш ва ҳимоя қилиш ғояси кодексда асосий ғоя тарзида мужассамлаштирилган. Айнан ана шу асосий қоида шахс, жамият ва давлатга қарши хавфли қилмиш бўлган жиноят учун жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлигини белгилайди.

Махсус қисмда илк марта тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар, жумладан, агрессия, геноцид, ёлланиш, терроризм учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасазлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън ва кадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки даҳрийлигига қараб фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар, ижтимоий хавфсизлик ва жамоат тартибига қарши жиноятлар, шу жумладан, гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларни ноқонуний сотганлик учун жавобгарлик кучайтирилган.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ҳақидаги бўлим одамнинг мулкка бўлган ажралмас ҳуқуқи, қонун олдида унинг барча шакллари тенглигига асосланади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида содир қилинадиган жиноятлар экологияга қарши жиноятлар сифатида мустақил гуруҳга ажратилган.

Жиноят кодекси билан айна бир вақтда Ўзбекистон Республи-

касининг Жиноят-процессуал кодекси ҳам ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Янги Жиноят-процессуал кодексида жиноят процессининг халқаро-ҳуқуқий меъёрларга мос тамойиллар: айбсизлик презумпцияси, судда тортишув жараёни, ҳимоя ҳуқуқининг таъминланиши каби бошқа тамойиллар биринчи марта мустаҳкамлаб қўйилди. Ушбу Жиноят-процессуал кодекси ҳимоя ҳуқуқини нафақат эълон қилади, балки суд ишларини юритишнинг энг бошланғич босқичларида, яъни шахс жиноят содир этишда гумонланиб ҳибсга олинган вақтдан бошлаб унинг амалга оширилишини таъминлайди. Жиноят ишларини судда кўришда прокурорнинг роли ўзгартирилган. Судда тортишув тамойилига биноан прокурор процессда тенг ҳуқуқли томонга айланди ва суд устидан назорат юритиш функциясидан озод қилинди. Эндиликда, янги ЖПКга мувофиқ, прокурорга судда жинойи ишларнинг кўриб чиқилишида давлат айбловини қўллаб-қувватлайдиган орган сифатидаги ваколатлар берилди.

Шахсни ҳурмат қилиш, унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя этиш — барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг бурчидир.

1994 йилнинг сентябрида қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси қонунчиликнинг таъминланишида катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг янги маъмурий қонунчилиги илгариги қонунлардан жиддий фарқ қилади. У жамиятда юз бераётган ҳамма жараёнларни ўзида акс эттиради.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти олдида турган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 1995 йил 30 августда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги, «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлар шахс ҳуқуқларини ижро ҳокимияти органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш борасида қўшимча кафолатлар яратиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Шундай қилиб, суд ислоҳотини амалга ошириш жараёнида суд ваколатларида туб ўзгаришлар юз берди: фуқаролик-ҳуқуқий ва жиноят-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари билан чеклаб қўйилган тааллуқликнинг қонидаси бекор қилиниб, дунёда қабул қилинган андозаларга мос келадиган ва-

колатлар белгиланди. Суд ваколатларининг кенгайтирилиши судларни давлат ҳокимиятининг тўла ҳуқуқли тармоғи сифатида инсон ҳуқуқларини ва жамиятнинг ҳуқуқий негизларини самарали ҳимоя қилиш имконини берадиган шарт-шароит яратди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти навбатдаги босқичининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқида аниқ ифодалаб берилди: «Суд ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир. Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тариқасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарур.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи керак. Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим»¹.

Республикадаги демократик туб ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларда суд уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясида турган орган эканлиги ҳақидаги муносабатни шакллантириш, суд юрисдикцияси қамровини кенгайтириш, қонунчилик ва ижтимоий адолатни таъминлашда суднинг ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши Ўзбекистон Республикасида суд ислоҳотини янада ривожлантириш Дастурини тасдиқлади.

Президент И.А.Каримовнинг ташаббусига кўра 1997 йил 12 сентябрда биринчи марта Ўзбекистон судьялари курултойи чақирилди. Курултойда Ўзбекистон судьялари Ассоциациясини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди, Ассоциация низоми тасдиқланди. Ассоциациянинг энг муҳим вазифаси — республикада суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, деб қайд қилинди. Қонунлар лойиҳасини тайёрлашда қатнашиш, Олий Мажлисга қонун лойиҳалари юзасидан ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, касбий-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш ва шу кабилар Ассоциациянинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ассоциация судьяликка кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйишга фаол таъсир қилиши, судьялар малакасини ошириши шартлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон судьялари Ассоциацияси ўз вазифаларини бажа-

¹ Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Миллий давлатчилик, истиқлол мафқураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. Т. ИИВ Академияси., 1999. 381-382-бетлар.

рар экан, судьялар, адвокатлар, прокурорлар ва республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бошқа ходимлари иштирокида семинарлар, минтақавий ва халқаро конференциялар ўтказиш каби фаолият турларини амалга оширади.

Ассоциация Америка юристлари Ассоциацияси, ЕХХТ, GLOBAL лойиҳаси ва бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда суд-ҳуқуқ ислоҳоти соҳасидаги долзарб муаммолар юзасидан 15 та халқаро ва 70 та минтақавий конференциялар ўтказди. Ўзбекистон Республикасининг кўплаб судьялари бир қанча мамлакатларнинг суд тизими билан танишиш мақсадида МДХга аъзо бўлган ва бошқа хориждаги мамлакатларда бўлиб келишди.

Ўзбекистон судьялари Ассоциацияси 2000 йилдан бошлаб суд-ҳуқуқ ислоҳотига доир ахборотларни ва амалдаги қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақидаги материалларни ўз ичига оладиган Бюллетень чиқара бошлади.

Ўзбекистон судьялари Ассоциациясининг Таъсис қурултойи судьялар этикаси қоидаларини ишлаб чиқди ва тасдиқлади.

Хўжалик судлари тизимининг ташкил этилиши ҳам шубҳасиз ўзини оқлади, улар бозор иқтисодиёти ва эркин рақобатчилик шароитида хўжалик муносабатларида қонунчиликни ишончли тарзда таъминлашга ярашади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикцияли судларнинг фуқаролик ишларини кўриб чиқадиган ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизимини ислоҳ қилишдаги жиддий қадам бўлди. Бу нарсани, албатта, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатланишини янада кучайтиради, судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқишини тўлароқ таъминлайди.

Судлар ихтисослашуви одил судловни амалга ошириш учун қўшимча кафолат бўлади.

Бир қатор ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Англия, Франция, Италия, Германияда кўплаб ўн йилликлар давомида одил судловнинг ихтисослашган судлар томонидан амалга оширилиши ўзини оқлаб келмоқда. Шу мамлакатларнинг айримларида судьялар ихтисослашуви бундан ҳам кенгроқ бўлиб, масалан, оила, меҳнатга оид ишлар, вояга етмаганларнинг ишлари ва шу қабилар бўйича табақалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳам суд фаолиятини янада ихтисослаштириш йўлидан илдам бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида биноан одил судловнинг

амалга оширилиши сифатини ошириш мақсадида мавжуд умумий юрисдикцияли судлар негизида қуйидагилар ташкил этилди: Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлари; Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судлари. Мазкур Фармон суддаги ишларнинг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш мақсадида судларни янада ихтисослаштирилишига қаратилган. 2001 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича судлар алоҳида тарзда фаолият кўрсата бошлади.

Республикада амалга оширилган судларнинг ихтисослаштирилиши судлар томонидан илгари йўл қўйиб келинган хатолар ва фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишининг бирмунча объектив сабабларини бартараф қилади.

Ҳозирги вақтда судьялар ўзларининг ихтисослашувига қараб қонунларни ва суд амалиётини анча чуқур ўрганиш имкониятига эгалар. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги жиноят ишлари ва фуқаролик ишлари бўйича судьяларни қайта тайёрлаш юзасидан алоҳида дастурларни ишлаб чиқмоқда.

Шундай қилиб, ҳеч шубҳа йўқки, Президентнинг судьялар ихтисослашуви тўғрисидаги Фармони суд-ҳуқуқ ислохотини амалга ошириш соҳасидаги энг йирик қадам ҳисобланади, чунки у одил судловнинг бош вазифаси — ишнинг қонунларга қатъий амал қилган ҳолда ҳал этилишига, суд томонидан адолатли ҳукм ва қарор чиқарилишига жиддий кўмаклашади.

Агар судлар кўриб чиқаётган фуқаролик ишлари сони йилдан-йилга барқарор тарзда ошиб бораётганлиги ҳисобга олинса, бундай янгиликнинг ўзини оқлаши янада маълум бўлади. Масалан, агар 1994 йилда 64 мингга яқин фуқаролик ишлари кўриб чиқилган бўлса, 2000 йилда қарийб 94 минг иш кўриб чиқилган.

Ҳокимиятнинг тўлақонли тармоғи сифатида суд мустақиллигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш сифати ва оперативлигини ошириш, суд чиқарган қарорларнинг адолатли бўлиши, суд ишидаги сансалорликка барҳам бериш мақсадида суд тизимини ислох этиш «Судлар тўғрисида»ги Қонунни қайта кўриб чиқиш заруриятини долзарб қилиб қўйди. Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги тўртинчи сессияси ушбу Қонуннинг янги тахририни қабул қилди.

Мазкур Қонундаги асосий янгиликлардан бири умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви — фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича мустақил судлар ташкил этилишини жорий қилишдан иборат бўлди.

Қонун илк марта умумий юрисдикция судларида процессуал қонунчиликнинг энг муҳим институтларидан бири — ишларнинг апелляция тартибида кўриб чиқилишининг жорий этилишини назарда тутди. Бундай институт халқаро амалиётда синовдан ўтган ва республикада ҳўжалик судлари тизимида қўлланиб келинади. Ишларнинг апелляция тартибида кўриб чиқилиши юқори суд инстанциясига далилларни бевосита текшириб чиқиш ва ишнинг моҳияти бўйича қарор қабул қилиш имконини беради, бу эса, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг кафолатларини анча кучайтиради, суд ишларини юритиш самарадорлиги ва оперативлигини оширади, давлат маблағларининг жиддий тежалишига олиб келади.

Жиноят-процессуал ва фуқаролик процессуал қонунларига ўзгартиришлар киритилиши судлар ихтисослашуви жорий этилишининг мантиқий давоми бўлди, бундай ўзгартиришлар туфайли процесс иштирокчилари ҳуқуқларига риоя қилинишининг процессуал кафолатлари кенгайди, судда ҳимояланиш ҳуқуқини амалга оширишга доир қонуний механизм кучайтирилди, суд процессида тортишув тамойили таъминланиши томон кескин қадам кўйилди.

Бундан ташқари, суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш институтларининг жорий этилиши судда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни ўз вақтида тузатиш учун қўшимча кафолат ҳисобланади.

Шундай қилиб, суд ислохотининг ушбу босқичида ишларни судларда кўриб чиқишнинг бирмунча такомиллаштирилган процессуал тартиби белгиланди, судья кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш борасида анча самарали тизимга асос солинди, суд процесси иштирокчиларининг тенглиги қонуний мустаҳкамлаб қўйилди.

Суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, судья кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштириш, шунингдек судьялик лавозимига тавсия қилинаётган шахслар тўғрисида тегишли таклифларни тақдим этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июлдаги Фармойишига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Судьяларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича комиссия ташкил этилди. Ушбу Комиссиянинг ташкил қилиниши суд исло-

хотининг энг муҳим муаммоларидан бири — судьялар корпусини юксак малакали, ваколатли, уларни лавозимга тавсия қилган идоралар ва шахсларга қарам бўлиб қолмайдиган судьялар билан тўлдириш муаммосини ҳал этиш борасида жиддий қадам бўлди. Шунинг учун Комиссиянинг асосий вазифаси судьялик лавозимига тавсия этилган номзодларнинг бундай лавозимга лойиқлигини текшириш ва тайёрлигини аниқлаш, судьяликка номзодларни танлашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, уларнинг касбий тайёргарлигини оширишдан иборат, деб белгиланди.

Номзодларни танлаш ва судьяларни тайинлаш ишларини янада такомиллаштириш, судьялик лавозимларига олий малакали, чуқур билимли ва юксак маънавиятли мутахассислар номзодларини тавсия этишда қонунчилик талабларига риоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 майдаги Фармониغا биноан Судьяларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тавсия қилиш бўйича Олий малака комиссияси фаолиятининг алоҳида аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳририда унинг судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлайдиган орган сифатидаги вазифаларига тааллуқли қондалар қонуний мустаҳкамлаб қўйилди.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши давр талаби эди. Бу Қонун судлар мустақиллигини мустаҳкамлади, судьялик лавозимига тавсия қилишнинг янги тартибини белгилади. Қонуннинг ушбу талаби ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тавсия қилиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрири тасдиқланди.

Судьялик лавозимига номзодларни танлаш тамойили тубдан ўзгартирилди. Эндиликда бундай танлов қатъий равишда фақат судьялар захираси (резерви) ҳисобидан ва муқобиллик асосида амалга оширилади.

Судьяларнинг мустақиллигига эришиш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника ва маблағ билан таъминлаш масалаларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарорига би-

ноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли орган — Суд қарорларининг ижро этилиши, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди.

Департаментнинг ташкил қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишга катта ҳисса бўлиб қўшилган тадбирлардан биридир. Департамент ва унинг жойлардаги органлари ўз фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳисоб беради.

Департаментнинг асосий вазифаси суд ҳужжатларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника ва маблағ билан таъминлашга доир ишларни ташкил этишдан ташқари, судлар биноларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган капитал маблағларнинг самарали ўзлаштирилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборат. Судьялар ва суд процесслари хавфсизлигини таъминлаш, суд ижрочилари кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳам Департамент вазифаларига киради.

Департамент директори белгиланган тартибда минтақалардаги судлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларни маблағ билан таъминлаш тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига таклифлар тақдим этади. Бюджет маблағларининг бундан кейинги тақсимланиши ва уларнинг судларга етказилиши Департамент томонидан Молия вазирлиги белгиланган тартибда амалга оширилади.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти янги босқичнинг бошланғич нуқтаси, шубҳасиз, иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси бўлди.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов сессияда сўзлаган нутқида Ўзбекистон мустақилликка эришганлигининг гоят катта аҳамиятини, мамлакатнинг ўн йил давомида демократия ва тараққиёт йўлидан мустақил ривожланиши шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилган туб ўзгартиришлар муҳимлигини таъкидлаб, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноят қонунчилигини инсонпарварлик, адолатпарварлик, ҳуқуқий фуқаролик жамияти тамойилларига мос равишда либераллаштириш масалалари хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Ушбу сессияда республика парламенти Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда тақдим қилинган «Жинойий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Лойиҳа Олий Маж-

лис депутатлари томонидан катта қизиқиш ва маъқуллаш билан кутиб олинди ҳамда қабул қилинди.

Бу Қонунни ҳеч қандай муболағасиз тарихий ҳужжат деб аташ мумкин, чунки у орқали амалдаги қонунларга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар мамлакатнинг жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари инсонпарварлик ғоялари асосида чуқур ислоҳ қилинганлигидан далолат беради.

Аввало, Жиноят кодексига киритилган муҳим ўзгартишлар хусусида тўхталиб ўтамыз.

Жиноят кодексининг «Жиноятларни таснифлаш» деб аталган 15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари янги таҳрирда берилган. Унга мувофиқ ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркуми кенгайтирилган. Масалан, агар илгари жиноятларнинг бу туркумига фақат озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари назарда тутилган жиноятлар киритилган бўлса, энди қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун эса, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Айни бир пайтда унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Янги Қонунга кўра бундай туркум жиноятларга қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Жиноятлар таснифланишининг ўзгариши жиноий жавобгарликка тортилаётган шахс учун бир қатор ижобий ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлади (қамокқа олиш шаклидаги эҳтиёт чораси қўллаш имкониятининг чекланиши; ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг жазони манзил-колонияларда ўташи имкониятининг кенгайганлиги; жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни қўллаш ва жазонинг бирмунча енгил жазо билан алмаштирилиши учун белгиланган шартларнинг енгиллаштирилганлиги ва ҳоказо).

Республикада Конституциямизнинг 53-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган, хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш борасида ҳам дадил қадам қўйилди.

Жиноят кодексининг 43-моддасида назарда тутилган жазо ти-

зимидан мол-мулкни мусодара қилиш сифатидаги қўшимча жазо чиқариб ташланди. Бу билан кўплаб ўн йилликлар давомида нафақат жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг, шу билан бирга уларнинг оила аъзоларининг ҳам иқтисодий ҳуқуқларини оёқости қилиш амалиётига барҳам берилди.

Ўзбекистон жиноят қонунчилигида ўлим жазоси сифатидаги жазо мавжуд бўлган давлатлар қаторига киради. Бирок, ўтган ўн йил ичида содир қилинганлиги учун ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар сонини чеклаш тенденцияси кузатилмоқда. Бундай ёндашув кўпгина демократик ривожланган давлатлар амалиётига тўла мувофиқдир. Агар мустақилликка эришиш вақтига келиб Жиноят кодекси Махсус қисмининг 33 та моддаси санкциялари ўлим жазоси тайинланиши эҳтимolini назарда тутган бўлса, 1994 йилги Жиноят кодекси 13 та моддада бундай жазо чорасини назарда тутган эди. 1998 йилда ўлим жазоси Жиноят кодексининг яна бешта моддаси санкциясидан чиқарилди ва саккизта моддада қолдирилди. Ҳозирги вақтда отиб ўлдириш тариқасидаги ўлим жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми), агрессия (ЖКнинг 151-моддаси 2-қисми), геноцид (ЖКнинг 153-моддаси) ва терроризм (ЖКнинг 155-моддаси 3-қисми) учун қўлланилиши мумкин.

Янгиликлар мазмуни билан танишиш шундай хулоса чиқариш учун асос бўладики, қонунларни либераллаштириш жараёни жамиятнинг барча қатламларига ҳам тегишли бўлади. Айниқса, вояга етмаганлар, хотин-қизлар ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан алоҳида инсонпарварлик муносабати намоён қилинди. Янги қонунга кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни, яъни содир қилингани учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятларни содир қилган вояга етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо қўлланилмайди. Бу ҳолат вояга етмаган ёшдаги ҳуқуқбузарни жамиятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялаш учун имконият яратади.

Ўзбекистонда ўлим жазосининг хотин-қизларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги қонунда илгаридан белгилаб қўйилган эди. Янги Қонун бундай қондани олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан ҳам тегишли қилиб қўйди. Бирок, қонун чиқарувчи янада илгари қадам ташлади — бундай шахсларга нисбатан яна бошқа бир жазо турини — озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш юзасидан ҳам муайян

чеклашлар белгилади. Жиноят кодексига озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган барча аёллар ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати муайян жиноят учун қонунда назарда тутилган жазонинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас, деган меъёр киритилди.

Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зарарнинг қопланиши жиноят соҳасидаги суд ишларини юритишнинг энг муҳим вазифаларидан биридир, чунки бу жабрланувчининг ҳақиқӣ манфатларига тўлиқ мос келади. Айнан шунинг учун ҳам қонун жазо тури ва муддатини белгилашни етказилган зарар ўрнининг қопланиши билан чамбарчас боғлиқ қилиб қўйди. Янги Қонун жиноят содир қилган шахсларга, улар жиноят натижасида етказган зиённи ихтиёрий тарзда қоплагани ҳолда, қўшимча ҳуқуқӣ кафолатлар беради. Эндиликда бундай шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси умуман қўлланилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, Олий суд Пленуми тушунтириш берганидек, агар моддий зарар ҳукм қонунӣ кучга кирганидан кейин қопланган бўлса, унда тегишли инстанция суди озодликдан маҳрум қилиш тариқасида тайинланган жазони бошқа жазо билан алмаштириш масаласини ҳал этиши шарт¹.

Жиноят процесси учун оммавийликнинг устунлиги хосдир. ЖПКнинг 15-моддасига биноан суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари, жинойӣ ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни қўришлари шарт.

Республиканинг амалдаги Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари тарафлар ярашганликлари туфайли жиноят ишларининг тугатилиши тартибини назарда тутмас эди. Натижада катта ижтимоӣ хавф туғдирмайдиган, кам аҳамиятли жиноятларни содир қилган шахслар, ҳатто улар етказилган зиённинг ўрнини қоплаган, ўзлари қилган қилмиш оқибатларини англаб етган ва жабрланувчи билан ярашган ҳолларда ҳам жинойӣ жавобгарликдан озод қилинмасди, бу эса табиӣ равишда аҳоли ўртасида судлашнининг кўпайишига олиб келарди.

Бундай тоифадаги ишларни тергов қилиш ва судда қўриб чиқиш умумӣ қоидалар бўйича амалга оширилар эди, чунки Жиноят-процессуал кодексига суриштирувчи, терговчи, прокурор ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2001 йил 2 ноябрдаги «Жинойӣ жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунининг қўлланилиши амалиёти тўғрисидаги Қарори.

судга белгилаб қўйилган тартиб-қоидалардан четга чиқиш имконини берадиган нормалар йўқ эди. Бунинг оқибатида одил судловнинг амалга оширилиши чўзилиб кетар, бу эса, молиявий маблағлар сарфини кўпайтириб, фуқаролар — жиноят процесси иштирокчиларининг норозилигига сабаб бўларди. Бундай вазият, шубҳасиз, айбдорнинг ўзига ҳам, унинг жабрланувчи билан муносабатларига ҳам, шунингдек жамиятда шахслараро муносабатларга ҳам салбий таъсир кўрсатарди.

Бугунги кунда инсонга нафақат барча учун очик, мустақил, холис суд томонидан қонунга биноан ўтказиладиган адолатли, ошқора процессни кафолатлайдиган суд тизими зарур. Буларнинг ҳаммаси бизда яратилган ҳамда суд қурилиши ва суд ишларини юритиш ҳақидаги янги қонунларга мувофиқ биз буларга эгамиз. Лекин бугун бунинг ўзи етарли эмас, замонавий кишига анча жадал, тежамли ва самарали одил судлов керак.

Қарор топган эски андозаларни қайта идрок этиш ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштиришни замонанинг ўзи тақозо этмоқда. 2001 йил 29 августдаги Қонунга кўра киритилган ўзгартиришлар биринчи марта янги институтнинг ҳуқуқий асосларини яратди ва ярашув ҳақидаги ишларни юритишнинг алоҳида қоидаларини белгилади.

Эндиликда янги Қонунга мувофиқ айбланувчи жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Ярашиш мумкин бўлган жиноятлар туркуми қонунда қатъий белгилаб қўйилган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга оид 26 та жиноят таркибини ўз ичига олади. Жумладан, қасддан баданга енгил шикаст етказиш, тухмат, ҳақорат қилиш, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш ва бошқалар. (ЖКнинг 661 -моддаси).

Айни бир вақтда қонун чиқарувчи ярашув қўлланилиши мумкин бўлган шартларни аниқ белгилаб қўйди — бунинг учун биринчи марта жиноят содир қилган шахс айбига иқдор бўлиши, етказилган зарарни қоплаган бўлиши, жабрланувчи билан ярашган ва жабрланувчи бу ҳақда ёзма ариза берган бўлиши, шубҳаланувчи, айбланувчи, судланувчининг ярашишга розилиги бўлиши шарт.

Ярашув жиноят процессининг қайси босқичида амалга оширидан қатъи назар сўнгги сўз барибир судга тегишли бўлади. Айнан суд ишни судда кўриб чиқиш жараёнида жабрланувчи ва бошқа шахсларнинг ярашиш учун хоҳиш билдиришининг ихтиёрийлигини, ҳал қилинаётган ишнинг сабаблари ва бошқа ҳолатларини яна бир бор аниқлаши лозим. Ярашувга доир ишлар кўриб

чикилаётган суд мажлисида ҳимоячи ва прокурор иштирок этади. Ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича судья жиноят ишини тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Жиноят-процессуал қонунларига киритилган бошқа ўзгартиришлар дастлабки тергов муддатларини ва қамокда сақлаб туриш муддатларини қисқартиришга қаратилган.

Илгари тергов муддатлари икки йилгача, қамокда сақлаб туриш муддатлари эса бир ярим йилгача узайтирилиши мумкин эди. Эндиликда ушбу ҳар иккала муддат тўққиз ойгача ва, фақат фавқулодда ҳолларда, тергов қилинаётган ишнинг алоҳида мураккаблигини ҳисобга олиб, бир йилгача узайтирилиши мумкин.

Айтиш мумкинки, тергов ва қамокда сақлаб туриш муддатларининг қисқартирилиши фуқароларни сарсонликдан ва тергов ҳамда судда кўриб чиқишнинг асоссиз чўзиб юборилишидан ҳимоялашнинг муҳим кафолати бўлади.

Иккинчи чақирик Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида суд ҳокимиятига оид вазифаларни ижро ҳокимиятидан ажратиш борасида ҳам йирик қадам ташланди. Сўз «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилиши тўғрисида»ги Қонун ҳақида бормокда. Ушбу Қонунга биноан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий тартибда ижро этиш функцияси судлардан олиниб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг туман (шаҳар) бўлимлари суд ижрочилари зиммасига юкланган.

III. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УСТУВОРЛИГИ — СУД ИСЛОҲОТИ ҲУҚУҚИЙ ДАСТУРИНИНГ АСОСИ

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси, шу жумладан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг судда ҳимоя қилиниши тўғрисида гап борганда устуворликлар муаммоси кўндаланг бўлади.

Совет жамиятида шахс ҳар доим жамоа сифатидаги ташкилотга, хусусан, партия ва давлатга нисбатан анча қўйи тоифа деб ҳисобланган. Партия ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари йўлида кўпинча нафақат алоҳида кишилар, шу билан бирга бутун-бутун халқларга қарши ўта оғир жиноятлар ҳам содир қилинган.

Маълумки, совет қонунчилигида давлат иқтисодий жиноятлардан ҳимоя қилинадиган объект, деб қабул қилинган эди. Давлатга етказилган зарар энг оғир жиноят ҳисобланар ва жуда қаттиқ жазоланарди. Хусусан, биз мустақилликка эришгунга қадар амал қилиб келган жиноят қонунчилигига кўра жуда кўп миқдорда давлат мулкининг ўғирланиши ёки содир этилган порахўрлик учун ҳатто ўлим жазоси тайинланарди. Масалан, СССР Олий суди томонидан 1986 йилда Ўзбекистон Республикасининг пахта тозалаш саноати вазири Ваҳобжон Усмонов тақиқланган тергов услублари орқали гувоҳлардан олинган кўрсатмалар асосида жуда кўп миқдорда пора олганлиги учун ўлим жазосига ҳукм қилинди. 12 йилдан кейин, 1998 йилда — суд ҳукми ижро этилганидан сўнг — В.Усмонов тўла оқланди ва унинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли жиноят иши тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида қилган маърузасида шундай деб таъкидлади: «Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлигига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади»¹.

Бугунги кунда Конституциянинг 44-моддасига биноан ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Конституциянинг ушбу қондаси умум эътироф этган халқаро меъёрларга мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 8-моддасида айтилганидек: «Ҳар бир инсон унга

¹ «Адолат — қонун устуворлигида». Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузаси. — Халқ сўзи, 2001 йил 30 август.

конституция ёки қонунлар тақдим этган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда бундай ҳуқуқларнинг ваколатли миллий судлар томонидан самарали қайта тикланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир». Бундан ташқари, халқаро меъёрлар давлатларнинг «суд ҳимоясида бўлиш имкониятларини ривожлантириш» борасидаги бурчини ҳам таъкидлаб кўрсатади (Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 2-моддаси)¹.

Суд ҳимоясида бўлиш судга мурожаат этиш, шикоят бериш, она тилидан фойдаланиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш муаммосига нисбатан алоҳида диққат-эътибор бутунлай асослидир. У ёки бу органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний қарори, хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари устидан судга ҳеч қандай тўсиқсиз мурожаат қилиш имконияти — буюк эркинликнинг энг муҳим шартидир. Судга шикоят билан мурожаат қилиш, бундай шикоят билан маъмурий тартибда мурожаат қилишга нисбатан қатор афзалликларга эга, чунки судда иш кўриш қатъий қоидалар асосида бўлиши қонун билан тартибга солинган.

Собиқ ССР Иттифоқи учун гарчи расмий равишда суд орқали самарали ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро меъёрлар мажбурий ҳисобланган бўлса-да, амалда улар тан олинмасди. Совет конституцияларида суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқининг умумийлиги тўғрисидаги принцип йўқ эди. Масалан, кўпгина ходимларнинг меҳнатга оид низолари судда эмас, балки фақат бўйсунитиш тартибда юқори турувчи идораларда кўриб чиқилиши мумкин эди. Бошқа шахслар ҳам ҳимоя ҳуқуқидан маҳрум этилган эди.

Президентимиз И.А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» асарида: «...суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак. Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади»², деб таъкидлаши бежиз эмас.

Шундай қилиб, фуқаронинг судга эркин ва тенглик асосида мурожаат қилишини таъминлаш муаммоси ҳозирги кунда кўпгина давлатлар олдида кўндаланг бўлиб турган глобал муаммолардан бири ҳисобланади.

Одил судга бемалол мурожаат қилишга доир масалалар доимо

¹ Международные акты о правах человека. Сборник документов.—М.: Изд. Группа Норма—Инфра. М, 1999, С. 40, 54.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т. Ўзбекистон, 1999. 29—30-бетлар.

давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг диққат марказида бўлиб келади. Агар судга мурожаат қилиш мумкин бўлмаса, унда, айниқса, демократия гоёлари эътироф этилган шароитда унинг мавжудлигига ҳам ҳожат қолмайди. Фикримизча, бугунги кунда судга бемалол мурожаат қилиш тамойилининг қуйидаги жиҳатлари: суд ишлари, ҳудуд, аҳолининг сони ва шу кабиларга етарли бўлган судлар ва судьялар сонининг таъминланиши; профессионал юристлар кўрсатадиган малакали ёрдамнинг етарли бўлиши; аҳолининг энг камбағал табақалари учун бепул одил судлов бўлишини таъминлаш (фуқаролик ишлари бўйича давлат поштиналари микдорининг камайтирилиши ва муайян тоифадаги шахсларнинг уни тўлашдан тўлиқ озод қилиниши); судда иш кўришга оид қоидаларнинг соддалаштирилиши ва табақалаштирилиши, айниқса, долзарб бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида қилган маърузасида шундай деган эди: «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини эркинлаштириш ва демократлаштиришда ишларни кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш, жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш муддатларини қисқартириш долзарб вазифаларимиздан бири бўлиб турибди»¹.

Бугунги кунда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлов ишлари юритиш муддатларининг давомийлиги муаммосини бошидан кечирмаётган давлат кам топилади.

Ўзбекистон Республикасида судларни ихтисослаштириш, судлар ва судьялар сонини кўпайтириш борасида ўтказилаётган чоратадбирлар, шунингдек, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида қабул қилинган суд ишларини юритиш қоидаларини соддалаштириш, жиноят ишларини кўриб чиқишда янги, ярашув шаклининг жорий этилишига оид ўзгартириш ва қўшимчалар ана шу муаммонинг ҳал этилишига қаратилган.

Одил судлов ҳар хил низоларни ҳал қилиш усули ҳисобланади. Одил судлов жамиятдаги субъектлар муносабатларини ижтимоий тартибга келтирувчи, бундай муносабатларнинг ҳуқуқий нормаларга мувофиқ бўлишини таъминлайди. У давлат фаолияти йўналишларидан биридир. Шу билан бирга у гоёат муҳим ваколат ҳам бўлиб, унинг амалга оширилиши суд ҳокимиятининг фаолият кўрсатиши билан боғлиқдир.

Одил судлов жараёнида ёки уни амалга ошириш якунлари

¹ «Адолат — қонун устуворлигида». Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузаси. — Халқ сўзи, 2001 йил, 30 август.

бўйича қабул қилинадиган ва, кўпинча, юридик адабиётларда одил судлов актлари деб аталадиган (жиноят ишлари бўйича ҳукмлар, фуқаролик ишлари бўйича ҳал қилув қарорлари ва ҳоказо) суд қарорларига қонунга мувофиқ алоҳида хусусиятлар юкланади. Улардан бири умум мажбурийлигидир. Бундай қоида Конституциянинг 114-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган: «Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир». Ушбу модда мазмунига биноан, суд жиноят, фуқаролик ёки хўжалик ишини кўриб чиқиб, қабул қилган ва қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ёки қарор истисносиз барча давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, бошқа жисмоний ва юридик шахслар учун мажбурий ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро қилиниши лозим бўлади. Шунинг учун иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VI сессиясида «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Шуни қайд қилиш зарурки, одил судловнинг амалга оширилиши бир қатор умум эътироф этган демократик тамойилларга асосланади.

Аслида бундай тамойилларни умумий кўринишда давлат фаолияти мазкур турининг энг муҳим жиҳатларини белгилайдиган дастурий, дастлабки қоидалар сифатида белгилаш анча мураккаб иш. Бундай қоидалар одил судловни ташкил этиш, унинг органларининг давлат механизмидаги ва жамиятнинг сиёсий тизимидаги роли ва ўрни ҳақидаги масалаларга доир қонунчиликнинг барча талаблари учун негиз ҳисобланади.

Бундай талаблар аввало мамлакатимизда одил судловнинг ривожланиши ва такомиллашиши амалиётидан келиб чиққан. Улар, шунингдек Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт каби ҳужжатларда акс этган бошқа мамлакатларнинг ижобий тажрибасини ва халқаро ҳамкорлик амалиётини ўзида оқилона мужассамлаштириб, уларда одил судловни ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан кўплаб прогрессив қоидаларни топиш мумкин.

Маълумки, одил судлов демократик негизларининг мазмуни мунтазам такомиллаштирилиб борилади. Айниқса, кейинги йилларда бундай жараён анча фаоллашди.

ҚОНУНИЙЛИК ОДИЛ СУДЛОВНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИДАН БИРИДИР

«Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси 2-қисми.

Қонунийлик деганда барча давлат ва нодавлат органлари ҳамда ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар ва уларга мувофиқ келадиган бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига очишмай амал қилиши ва ижро этиши тушунилади.

Бундай тамойил одил судлов учун давлат фаолиятининг ушбу тури, юқорида уни таърифлашда қайд қилинганидек, қонун талабларига риоя этган ҳолда ва унда белгиланган фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқиш тартибига очишмай амал қилиш билан чамбарчас боғлиқлиги сабабли алоҳида аҳамият касб этади. Қонунга риоя қилинмайдиган жойда одил судлов ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу кўпроқ зўравонлик бўлади. Бундай «одил судлов» ўзининг ижтимоий функциясини бажаришга қодир эмас.

СУДЬЯЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ФАҚАТ ҚОНУНГА БЎЙСУНИШИ

«Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашшиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддаси.

Ҳар бир киши ўзининг ҳуқуқлари ва бурчларини ҳамда унга қўйилган жиноий айбнинг асослилигини белгилаш учун тўлиқ тенг ҳуқуқлик асосида ўз ишининг мустақил ва ҳолис суд томонидан ошқора тарзда ва адолатлиликнинг ҳамма талабларига риоя қилингани ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгадир.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси 10-моддасидан.

Ушбу тамойил кўпгина қонун ҳужжатларида: «Конституциявий суд тўғрисида»ги Қонун (4,5-моддалар), «Суд тўғрисида»ги

Қонун (4-модда), Жиноят-процессуал кодекси (14-модда) ва бошқаларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Судьяларнинг мустақиллиги тамойилининг моҳияти суднинг ташқаридан аралашувсиз, қандайдир таъйиқсиз ёки бошқача таъсир кўрсатишсиз, қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда масъул қарорлар қабул қилиши учун реал имконият берадиган шароитларни таъминлашга интилишдан иборат.

Суднинг мустақиллиги асосан иккита асосий элемент йиғиндисидан ташкил топади: бу суд ҳокимияти ва судьяларнинг ўзларининг ташкилий (институционал) ва функционал мустақиллигидир.

Суд ҳокимияти ташкилий мустақиллигининг моҳияти судлар ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларига бўйсунмаслиги ва холис ҳамда мустақил бўлиши лозимлиги ҳақидаги ғоядан иборат. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари суд ҳокимиятининг ваколатларига кирадиган қарорларни қабул қилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, судлар фаолиятининг молиялаштирилиши фақат қонун чиқарувчи ҳокимият тасдиқлайдиган давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади. Уларнинг моддий-техника таъминоти ва фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишига доир ишларнинг ташкил этилиши «Суд тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ махсус ваколатли орган томонидан бажарилади.

Судларнинг функционал мустақиллиги судьяларнинг ишларни ҳал этишда фақат Конституцияга ва қонунга бўйсунганини назарда тутаяди. Одил судловни амалга оширишнинг фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал ва ҳўжалик процессуал кодексларга биноан белгиланадиган қоидалари судьяларнинг ишларни қимларнингдир фикрлари, талабларидан холи бўлган ҳолда кўриб чиқиши ва ҳал этиши, шу жумладан судьялар маслаҳатида ўзининг ишга доир фикр-мулоҳазаларини баён қилишини таъминлаши лозим. Жумладан, суд фақат ушбу ишга дахлдор суд таркибига кирадиган судьялар иштирокида маслаҳат хонасида иш юзасидан қарор чиқаради. Бошқа шахсларнинг қатнашишига эса йўл қўйилмайди. Судьялар ҳам, шунингдек, маслаҳат пайтида билдирилган мулоҳазаларни ошкор қилишлари мумкин эмас.

Одил судловни амалга оширишга доир фаолиятга ҳар қандай аралашувни қонун жинойий жавобгарликка тортишгача бўлган даражада таъқиб этади (Конституциянинг 112-моддасидан).

Одил судловнинг кўриб чиқиладиган тамойили, шунингдек ҳар хил бўғиндаги судларнинг ўзаро муносабатларини ҳам белгилайди. Апелляция, кассация ва назорат инстанциялари суднинг қаро-

рини бекор қилиб, ишни янгидан кўриб чиқишга юборар экан, судьялар чиқариши лозим бўлган хулосаларни олдиндан ҳал қилишга ва ўз қарори билан улар мустақиллигини чеклаб қўйишга ҳақли эмас. У ёки бошқа қонуннинг қўлланилиши фақат ишни ҳал қилаётган суднинг мутлақ ҳуқуқидир ва бундай фаолият соҳасига ташқаридан таъсир кўрсатилмайди.

Қонунда белгилаб қўйилган судьяларни тайинлаш тартиби уларни кимнингдир олдида ҳисоб бериш мажбуриятидан ҳалос этади, чунки одил судлов — давлат фаолиятининг ҳар қандай раҳбарлик ёки назоратдан холи бўлган мустақил соҳасидир.

Суд ҳокимиятини ўзида мужассамлаштирувчи ҳар бир алоҳида судьянинг мустақиллиги — мустақил ва обрўли суд ҳокимияти мавжуд бўлишининг асосий шартидир. «Суд тўғрисида»ги Қонуннинг саккизинчи боби судлар мустақиллигининг асосий кафолатларини тартибга солади.

БАРЧАНИНГ ҚОНУН ВА СУД ОЛДИДА ТЕНГЛИГИ АСОСИДА ОДИЛ СУДЛОВНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси 1-қисми.

«Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддаси.

Конституциянинг 18, 46-моддалари, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси, ФПКнинг 6-моддаси, ХПКнинг 7-моддаси, ЖПКнинг 16-моддаси қоидалари мазкур тамойилнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Қонун олдида тенглик — бу қонунларда мустаҳкамланган қоидаларнинг ҳамма фуқароларга нисбатан бир хилдаги қўлланилишидир. Бунда нафақат ҳуқуқларнинг берилиши ва уларнинг амалга оширилиши, балки мажбуриятларнинг юкланиши, шунингдек одил судловнинг амалга оширилишини тартибга соладиган қонунларга мувофиқ жавобгарлик қўлланилиши ҳам назарда тутилади. Ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти реал бўлиши учун қонун ҳар хил сабабларга кўра ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини химоя қила олмайдиган шахсларга қўшимча кафолатлар белги-

лайди. Масалан, қонун вояга етмаганлар, соқовлар, қарлар, кўрлар, жисмоний нуқсонга ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга ошира олмайдиган бошқа шахсларнинг иши бўйича ҳимоячининг мажбурий тарзда иштирок этишини белгилайди (ЖПКнинг 51-моддаси). Суд иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон ёрдамида ўз она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади (ЖПКнинг 20-моддаси).

Суд олдида тенглик тушунчаси қонун олдида тенглик тушунчасидан жиддий фарқ қилмайди. У суд олдида у ёки бу тарзда турган барча фуқароларга тенг процессуал ҳуқуқлар берилиши ва тегишли мажбуриятлар юқланишини англатади. Айтайлик, агар қимдир судга гувоҳ сифатида чақирилаётган бўлса, бу шахс ўзининг келиб чиқиши, ижтимоий, мансаб ва мулкӣ аҳволдан, ирқий ва миллий мансублиги ва шу қабилага қарамасдан судга етиб келиши ва ҳаққоний кўрсатувлар бериши шарт. Барча умумий юрисдикция судларида суд ишларини юритиш қоидалари қимнинг жавобгарликка тортилаётгани, жабрланувчи деб эътироф этилганлиги, фуқаролик даъвосини тақдим этганлиги, бундай даъво бўйича жавобгар эканлиги ва шу қабилага қарамасдан бир хилдир. Хўжалик судлари кўриб чиқадиغان ишлар учун ҳам суд ишларини юритиш қоидалари бир хил.

Ҳолис суд олдида ҳамманинг тенглиги ҳуқуқ ҳақидаги низо иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги, расман тенглигини англатади. Суд олдида мулкӣ аҳволи, лавозими ва шулардан қатъи назар, ҳамма расмий равишда тенгдир. Жумладан, ҳуқуқларнинг фақат суд қарори асосида чекланишига йўл қўйилиши ҳам шу билан изоҳланади.

Ҳамманинг қонун ва суд олдида тенглиги тамойили нафақат Ўзбекистон фуқароларига, шу билан бирга ажнабий шахсларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тегишлидир.

Қонун талабига кўра давлатнинг бир қатор мансабдор шахслари: судьялар, депутатлар, прокурорлар учун уларни жавобгарликка тортишнинг алоҳида қоидалари белгиланган. Масалан, судья тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши ва ҳибсга олиниши мумкин эмас. Бизнинг назаримизда, бундай алоҳида тартиб фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенг ҳуқуқлилиги тамойилига зид келмайди, чунки у кўрсатилган шахслар учун қонунда белгиланган жавобгарликни бутунлай истисно қилмайди, балки фақат жавобгарликка тортиш қондасининг ўзини тартибга солади. Кўрсатиб ўтилган тоифадаги мансабдор шахсларга нисбатан алоҳида қоидаларнинг мавжудлиги, уларнинг алоҳида

турдаги давлат хизматини бажаришини ҳисобга олганда, тўла асослидир.

ФУҚАРОЛАРНИНГ СУД ҲИМОЯСИДА БЎЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

«Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансбдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси.

Ҳар бир киши унга Конституция ва қонун тақдим этган асосий ҳуқуқларининг бузилгани ҳолларда ваколатли миллий судлар томонидан ўз ҳуқуқларида самарали қайта тикланиш ҳуқуқига эгадир.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси 8-моддасидан.

Фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи, шунингдек Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 14-моддасида ва Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенциясининг 6-моддаси 1-қисмида ҳам мустаҳкамланган. Европа Конвенциясини қўллаш амалиёти шундан далолат берадики, мабодо умумий ҳуқуқ қўлланилишини назарда тутадиган процессуал ҳаракатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари учун ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган бўлса, унда суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи бундай ҳаракатларнинг ҳаммасига тегишли бўлади.

Конституциянинг 44-моддасида ёзиб қўйилган қоида бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонунда аниқлаштирилган.

Ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш ҳар бир кишига кафолатланади. Ушбу ҳуқуқ ўз манфаатларини шахсан, адвокат ёки қонуний вакили орқали ҳимоя қилиши мумкин бўлган ҳар қандай жисмоний шахсга тегишлидир.

Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи юридик ёрдам олиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир, чунки қонунларни, уларни қўллаш амалиётини, судларда ишларни юритиш тажрибасини билмасдан туриб суд ҳимоясида бўлиш имкониятларини самарали амалга ошириш мумкин эмас. Юридик касбларни эгаллаган кишилар бундай хусусиятларга эга бўлади. Шунинг учун ҳам улар судда ўзини ҳимоя қилишга муҳтож кишиларга ёрдам бериши керак.

Қонуннинг бузилишига олиб келган барча хатти-ҳаракат, қарорлар ёки ваколатларнинг ошириб юборилиши ёхуд кимнингдир ҳуқуқларини паймол қилиш каби ҳоллар устидан судга шикоят билан мурожаат қилиш мумкин. Бундан ташқари, нафақат конституциявий, шу билан бирга бошқа барча ҳуқуқлар ва эркинликлар ҳам суд ҳимоясида бўлади. Нафақат Конституция кафолатлаб қўйган, шу билан бирга қонун ёки шартномада белгиланган ҳуқуқларнинг ҳимояси масаласида ҳам судга мурожаат қилиш мумкин.

Бузилган ҳуқуқнинг хусусиятига қараб, уларни ҳимоя қилиш тегишлича конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиноят ва ҳужалик суд ишларини юритиш тартибида амалга оширилиши мумкин.

АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ

«Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси.

Жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир киши унинг айбдорлиги унга ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминладиган судда ошқора кўриб чиқиш йўли билан қонуний тартибда белгиланмагунгача айбдор эмас деб ҳисобланиш ҳуқуқига эгадир.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, 11-модда 1-қисмидан.

Ушбу тамойил фақат ишларни жиноят судида кўриб чиқиш соҳасида амал қилади ва ЖПКнинг 23-моддаси 1-қисми, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси 2-қисмида деталлаштирилади.

Айбсизлик презумпцияси тамойили инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нуфузли халқаро ҳужжатлар: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (11-модда), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт (14-модда), Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси (6-модда 2-қисм) қоидаларига мувофиқ келади.

Айбсизлик презумпцияси умумий, кенг эътироф этилган ахлоқ нормасига асосланган бўлиб, унга то бошқача ҳолат исботланмагунча ҳеч ким айбдор деб фараз қилиниши мумкин эмас.

Айбсизлик презумпцияси судья, терговчи, прокурорнинг шахсий фикрини ифодаламайди, балки объектив ҳуқуқий қоида ҳисобланади. Тергов органлари шахсга айб қўйиш билан уни жиноятни содир қилишда айбдор деб ҳисоблашади, лекин унинг айби

ҳали исботланиши лозим. Қонун шахснинг айбдор деб эътироф этилиши мумкинлигини ишнинг суд муҳокамасида кўриб чиқилиши — айбланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг энг юқори кафолатлари ва айблов далилларини текшириш мужассамлашган босқичнинг шартлиги билан боғлайди.

Айбсизлик презумпциясидан, шунингдек бартараф этилиши мумкин бўлмаган барча шубҳалар айбдор (судланувчи) фойдасига талқин қилиниши лозимлиги ва кимнингдир жиноятни содир қилишда исботланмаган айби унинг тасдиқланган айбсизлигига тенг деган қоида келиб чиқади.

Одил судловни амалга оширишнинг ушбу конституциявий тамойили айбланувчининг нафақат жиноят процессидаги, шу билан бирга у субъект сифатида қатнашадиган барча ижтимоий муносабатлардаги ҳуқуқий мақомини белгилайди. Ҳатто, агар айбланувчи ҳибсда сақланаётган бўлса ҳам, суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар унинг меҳнатга оид, оилавий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари сақланиб қолади. Умуман олганда, ушбу конституциявий меъёр бевосита амал қиладиган меъёр бўлиб, суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми бўлмаган тақдирда ҳар қандай шахс билан айбдор билан муомала қилгандек муомалада бўлишни тақиқлайди. Бироқ ушбу айбланувчи (гумон қилинувчи) жиноят содир қилганлиги тўғрисида асосли гумон мавжуд бўлганида бундай шахснинг айрим ҳуқуқлари (масалан, эркин юриш, ёзишмалар, почта ва телеграф хабарномаларини олиш ва юбориш ҳуқуқлари) қонунда назарда тутилган тартибда чекланиши мумкин. Қонуний кучга кирган оқлов ҳукми айбсизлик презумпцияси тамойилига мувофиқ айбланувчининг айбсиз деб эълон қилинишини билдиради.

БАРЧА СУДЛАРДА ИШЛАРНИНГ ОЧИҚ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ

«Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белги-ланган ҳоллардагина йўл қўйилади».

**Ўзбекистон Республи-
каси Конституциясининг
113-моддаси.**

Ҳар бир киши ҳар қандай жиноий айбловни, унга қўйилаётган жиноий айбловни кўриб чиқишда ёки қандайдир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашда ишнинг қонун асосида ташкил этилган ваколатли, мустақил ва ҳолис суд томонидан адолатли ва ошқора тартибда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 14-моддаси 1-қисмидан.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси судлов ишларини юритишнинг ошкоралик тамойилини назарда тутди. Ушбу модда мазмунидан шундай хулоса келиб чиқадики, «ошкоралик» тамойили «судда ишларнинг очик кўрилиши» атамасининг синоними сифатида ишлатилади. Бу тамойил, шунингдек ФПКнинг 10-моддаси, ХПКнинг 8-моддаси ва ЖПКнинг 19-моддаси билан ҳам тартибга солинади.

Унинг моҳияти шундан иборатки, у ёки бу суд иши бўйича процесс иштирокчиси бўлмаган фуқароларнинг ҳам ишнинг кўриб чиқилишида, суд муҳокамаси пайтида иштирок этиши имконияти таъминланади. Бу суд фаолиятининг яхшиланишига кўмаклашади, уни вужудга келадиган масалаларнинг ҳал этилишига кўпроқ масъулият билан ёндашишга мажбур қилади, фуқароларни қонунийликни мустақкамлаш руҳида тарбиялашга таъсир кўрсатади, теварак-атрофдагилар учун профилактик аҳамият касб этади ва, шу тариқа, жамоатчиликнинг одил судлов устидан назорат юртишининг ўзига хос шакли ҳисобланади.

Ишларнинг судда очик кўриб чиқилиши тамойили мазмунидан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин.

Биринчидан, суд мажлисида судда юритилаётган ишга дахлдор бўлмаган, лекин ишнинг кўриб чиқилишида иштирок этишни хоҳлаган ҳар қандай шахслар қатнашиши мумкин. Бироқ бу ўринда бир қатор истиснолар қилиниши, масалан, раислик этувчи суд мажлиси ўтаётган зал майдони торлиги муносабати билан бундай шахсларнинг киришини чеклаш ҳақида фармойиш бериши мумкин.

Иккинчидан, судда кўриб чиқилаётган иш материалларининг эълон қилиниши имконияти ҳам мавжуд бўлади. Суд залида иштирок этувчилар суд мажлисида юз бераётган ҳамма нарсани ёзиб олиш ҳуқуқига эга. Суд залида фото-, кино- ва видео суратга олишлар фақат иш бўйича раислик этувчининг рухсати билан амалга оширилади. Ошкораликни кенгайтириш учун зарур бўлган ҳолларда судларга оммавий ахборот воситалари ходимлари, жамоат бирлашмалари ва жамоалар вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Қонунда, бундан ташқари, ёпик суд мажлислари ўтказиш қоидалари ҳам белгиланган. Бундай мажлислар давлат сирларини муҳофаза этиш мақсадида ўтказилади. Жинсий жиноятлар, 18 ёшга тўлмаган шахслар содир қилган жинойий ишларнинг кўриб чиқилишида, шунингдек бошқа ишлар юзасидан фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматига иснод келтирадиган маълумотларнинг ошкор этилмаслиги мақсадида ёки ишда қатнашаётган жабрланувчи, гувоҳ ва бошқа шахс-

ларнинг ҳамда улар оила аъзолари, ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш талаб қилинган ҳолларда суд ўзининг асосланган ажримига кўра процесс қатнашчилари бўлмаган шахслар учун суд зали эшикларини ёпиб қўйиши ҳам мумкин. Бошқа ҳолларда ҳам (болаликка олиш сирини таъминлаш, фуқаролар ёзишмалари сирини муҳофаза қилиш мақсадида) ёпиқ суд мажлислари ўтказилишига йўл қўйилади.

Фуқаролик ва жиноят ишларининг ёпиқ мажлисларда тинглаши суд ишларини юритишнинг барча қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтказилади. Қабул қилинган қарорлар ёки ҳукмлар ҳар доим ошкора эълон қилинади.

СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ТИЛИ

«Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиши ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилда сўзлаш ҳуқуқи таъминланди».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддаси.

Ҳар бир киши унга қўйилган ҳар қандай жиноий айбловнинг кўриб чиқилишида, агар у суд жараёнида қўлланилаётган тилни тушунмаса ёки бу тилда сўзламаса, бепул таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 14-моддаси 3-қисми «f» параграфи.

Бу тамойилнинг асосий қоидалари ФПКнинг 9-моддаси, ХПКнинг 10-моддаси, ЖПКнинг 20-моддаси ва «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Процессуал қонунлар бунга яна бир қатор аниқликлар киритади ҳамда процесс иштирокчиларининг ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиши ва мажбуриятларини бажариши имкониятларини таъминловчи кафолатларни кўзда тутади.

Хусусан, ишда қатнашаётган ва суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон хизматидан фойдаланиш имконияти кафолатланади. Таржимон эса, ўз навбатида, ишнинг кўриб чиқилишида ўз вазифаларини аниқ ва тўлиқ амалга оширишга мажбур. Бундай мажбуриятнинг бажарилмаслиги жиноий жавобгарликка тортишга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Таржимоннинг айбланувчига (гумон қилинувчи, судланувчига) кўрсатадиган хизматлари ҳар доим ҳам бепул бўлади.

Хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари процесс иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқларини ва, жумладан, таржимон хизматидан фойдаланиш, ўзининг она тилида ёки ўзи яхши биладиган ҳар қандай тилда сўзлаш, баён этиш ҳуқуқи борлигини тушунтириши шарт. Тергов ва суд ҳужжатлари ҳам бундай шахсларга улар тушунадиган тилга таржима қилинган ҳолда топширилади. Бундан ташқари, суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсга дастлабки терговда ва ишнинг судда кўриб чиқилишида мажбурий тартибда ҳимоячининг иштирок этиши таъминланади.

ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ, АЙБЛАНУВЧИ ВА СУДЛАНУВЧИНИНГ ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ

Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддаси.

Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айбловни кўриб чиқишда ўзи танлаган ҳимоячи иштирокида судланиш ва ўзини шахсан ёки ўзи танлаган ҳимоячи орқали ҳимоя қилиш, мабодо у ҳимоячига эга бўлмаса, у бундай ҳуқуққа эга эканлиги ҳақида хабардор қилиниш ва одил судлов манфаатлари талаб қилган ҳолларда унинг учун ҳимоячи хизматларига пул тўлаш имконияти бўлмаганида ҳар қандай ҳолда бепул тартибда тайинланган ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактининг 14-моддасидан.

Бу тамойил Конституциянинг 116-моддасидан ташқари «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси ва ЖПКнинг 20-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу меъёрлар жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларда ҳимояланиш ҳуқуқи борлигини нафақат эълон қилади, балки айни бир вақтда, бу ҳуқуқнинг кафолатланганлигини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида кенг доирадаги: уларни нимада айблашаётганлигини билиш, кўрсатувлар ва тушунтиришлар бериш, далиллар билан танишиш, терговни олиб бораётган ёки айбловни қувватлаётган мансабдор шахслар-

нинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш каби ҳуқуқлар берилади.

Агар шахсга айбловчи билан тортишув ҳуқуқи берилмаса, ҳар бир шахснинг ўзига эълон қилинган айбга иқрор бўлмаслик ва рад этиш ҳуқуқи куруқ гап бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасида илк бор суд муҳокамаси тортишув асосида олиб борилиши ҳақидаги тамойил акс эттирилади. Ҳимояланиш ҳуқуқи унинг амалга оширилишига доир кафолатлар билан ажралмасдир. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига қонунда белгиланган ҳуқуқларини тушунтиришлари ва унинг ўзига қўйилган айбдан ҳимояланиши учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан амалда фойдаланиш имкониятини берадиган тегишли чоралар кўришлари шарт. Бу органлар иш материалларини тўлиқ, ҳар томонлама ва объектив текшириб чиқишлари, айбни исботлайдиган ва инкор этадиган ҳолатларни аниқлаши лозим.

Айбланувчи ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиши ёки ҳимоячи таклиф қилиши (айрим ҳолларда тайинланган ҳимоячига эга бўлиши) мумкин. Бундай имконият фуқарога айб қўйилган ёки унинг гумон қилинувчи деб тан олиниши ҳақидаги қарор эълон қилинган ёхуд унинг ҳибсга олинган вақтдан бошлаб вужудга келади (ЖПКнинг 49-моддаси 3-қисми). Қонун ҳимоячига ҳам, ўз навбатида, ҳимоясида бўлган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари учун фаол курашиш имконини берадиган кенг доирадаги ҳуқуқларни тақдим этади.

Бир қатор алоҳида ҳолларда қонун ҳимоячи иштирокининг мажбурийлигини белгилайди. Жумладан, қуйидаги ишлар бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шарт: вояга етмаганларнинг иши бўйича; соқовлар, карлар, кўрлар ва бошқа жисмоний нуқсонли ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган шахсларнинг иши бўйича; суд иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича; жазо чораси сифатида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича; шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича; давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўйича; жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда; тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд, агар улар ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлар гумон қилинувчи, айбланувчи

ва судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деб ҳисобласа, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячи қатнашиши шарт, деб топиши мумкин.

Агар кўрсатилган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи томонидан ёки уларнинг илтимосига кўра у ўз розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф этилмаган бўлса, адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси раҳбари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг талабига биноан суриштирув, дастлабки тергов ёки ишнинг судда кўриб чиқилишида қатнашиш учун ҳимоячи тайинлаши шарт.

Юқорида айтиб ўтилган ва бошқа барча ҳуқуқлар ва мажбуриятлар жами ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Малакали юридик ёрдамга муҳтож бўлган барчани бундай ёрдам билан таъминлаш бугунги кунда муҳим конституциявий қоида ҳисобланади. Конституциянинг 116-моддаси ва бошқа қонунлар талаблари шунга бағишланган бўлиб, улар суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг жиноят ишлари бўйича ҳимояланиш ҳуқуқини кафолатлаш гаровидир.

Ҳар ким ҳам ўзининг ҳимоя ҳуқуқини мустақил тарзда амалга ошира олмайди. Бунинг учун нафақат қонунларни ўқий олиш қобилияти, шу билан бирга уларни тушуниш ва талқин этиш қобилияти, вужудга келган масалани ҳал қилиш учун керакли ҳужжатни тез топа билиш қобилияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа органларда иш юритиш тажрибаси, муайян қилмишлар ёки ҳаракатлар олиб келиши мумкин бўлган юридик оқибатларни олдиндан кўра билиш қобилияти, бундай қилмишлар ёки ҳаракатларнинг келгусидаги нохуш оқибатларини нейтраллаштириш ёки бартараф этиш учун ўз вақтида амалга оширилиши лозим бўлган ҳуқуқий чораларни билиш ва бошқа кўп нарсалар талаб этилади. Қисқача айтганда, самарали ёрдам кўрсатиш учун мутахассис зарур. Эслатиб ўтилган конституциявий қоида айнан шуни назарда тутди.

Юридик ёрдам ўз мазмунига кўра кенг доирада амалга оширилади: керакли норматив ҳужжатни излаб топишда ёрдам бериш, унинг мазмунини тушунтириш, ариза, илтимоснома ёки бошқа ҳужжатни тузишда ёрдам бериш, далил-асосларни танлаш, вужудга келган муаммони самарали ҳал этиши мумкин бўлган органи аниқлаш, судда ёки бошқа органда вакиллик қилиш, жиноят иши бўйича ҳимояни олиб бориш ёки маъмурий жавобгарликка тортилаётган фуқаронинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва ҳоказо. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, бундай фаолиятни энг аввало ана шу мақсадларда ташкил этилган

муассаса — адвокатура самарали тарзда амалга ошириши мумкин. Бу соҳадаги ишларнинг асосий қисми ҳам унинг ҳиссасига тўғри келади. Бугунги кунда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг юридик жиҳатдан ҳимояланишини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий институт сифатида адвокатуранинг таъсири ошиб бормокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 1998 йил 5 декабрда Конституция кунига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида шундай деб таъкидлаган эди: «Очиғини айтганда, ҳар биримиз ҳам Конституция ва қонунларимиз берган ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билмаймиз ва уни ҳимоя қила олмаймиз. Мана шундай ҳолатда, аввало, тараққий топган давлатлар тажрибасига назар ташласак — уларда одамлар адвокат ва адвокатура идорасига кўпроқ мурожаат қилади... Токи, одамлар фақатгина судга иши тушганда эмас, балки кундалик ҳаётида ҳам адвокатлар хизматидан, уларнинг маслаҳат ва тавсияларидан фойдалана оладиган бўлсинлар»¹.

Ушбу вазифани амалга ошириш учун Адлия вазирлиги Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси билан биргаликда адвокатурани янада ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқди. Унда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш соҳасидаги тарихий тажриба ҳам, халқаро амалиёт ҳам ҳисобга олинган, шунингдек адвокатлик бирлашмалари мавжуд тузилмасини янада қулай ва демократик йўсинда тубдан ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар ўз аксини топган.

Ҳозирги вақтда ушбу концепция адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун касбий тайёргарлик масаласини ҳал этиш, адвокатларнинг интеллектуал ва психологик салоҳиятидан фойдаланиш борасида турғунликка барҳам бериш, адвокатлик амалиётига янги кишиларни жалб этиш ва ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда фуқароларга ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш тузилмаси тармоғини жиддий кенгайтиришга кўмак бермокда.

Адвокатура соҳасидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий муҳофазаси тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниши билан авж олиб кетди. Адвокатуранимиз олдида турган кўплаб муаммоли масалалар тарихда биринчи марта қонун йўли билан ҳал этилди. Хусусий адвокатлик фирмалари (бюролари)нинг ташкил этилиши адвокатуранинг ривожланишида гоят муҳим воқеа бўлди.

¹ Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-т. Т.: Ўзбекистон. 1999. 251-бет.

Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг ташкил қилинганлиги адвокатуранинг шакллантиришда олға ташланган янги қадам бўлди. 1992 йил 13 мартда адвокатларнинг Таъсис қурултоғи бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Адвокатлар уюшмаси ташкил этилди, Адвокатлар уюшмасининг Устави, раҳбар органлари тасдиқланди. 1997 йил 1 августда Уюшманинг иккинчи Қурултоғи бўлиб ўтди, унда Адвокатлар уюшмасини Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси деб қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Республикада амал қиладиган барча адвокатлик тузилмалари унинг таркибига кирди.

Ҳозирги вақтда Адвокатлар ассоциацияси таркибига адвокатлик тузилмаларини: адвокатлар коллегиялари, адвокатлик бюrolари ва фирмаларини ташкил этувчи 2500 дан ортиқ адвокат киради. Умуман олганда республика бўйича тегишли лицензияга эга бўлган 3000 га яқин адвокат фаолият кўрсатади ва уларнинг сони кун сайин ошиб бормоқда. Бироқ адвокатларга нисбатан амалда бўлган эҳтиёж анча катта. Масалан, агар бизда 10 минг аҳолига бир адвокат тўғри келса, АҚШда — 40, Германияда — 28 адвокат тўғри келади.

Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг асосий мақсад ва вазифалари адвокатура органлари фаолиятининг роли ва улар самарадорлигини ошириш, адвокатларнинг касбий мустақиллигини таъминлаш ва барча фуқароларнинг малакали, юридик ёрдам олиш имкониятига эга бўладиган шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашишдан иборат.

IV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СУД ТИЗИМИ

Суд тизимининг тузилиши Конституциянинг 107-моддасида белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикасининг барча суд тизими яхлит бирликдан иборатдир. Суд тизимининг бирлиги қуйидагилар билан таъминланади: Конституцияда суд тизимига кирувчи судлар рўйхатини белгилаш; барча судлар томонидан суд ишларини юритишда қонунда белгиланган қоидаларга риоя қилиш; барча судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини қўллаш ва уларга риоя этиш; Ўзбекистон Республикаси барча ҳудудида қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари ижроси мажбурийлигини эътироф этиш; судьялар мақоми ягоналигини қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш; барча судларни давлат бюджетдан молиялаш.

Конституцияда, «Судлар тўғрисида»ги Қонунда, «Конституциявий суд тўғрисида»ги Қонунда белгиланган қоидаларни таҳлил қилиб, барча судларни уч тармоққа ажратиб кўрсатиш мумкин. Булардан бири — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, иккинчиси — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва унинг назорати остида бўлган умумий юрисдикция судлари; учинчиси — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ва унинг назорат остидаги ҳўжалик судлари. Суд тизими таркибига кирадиган судларнинг ваколатлари ва уларнинг амалга оширилиши қуйида тўлароқ баён этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди. Конституциявий назорат конституцияда белгиланган қоидалар устуворлигини таъминловчи воситалардан бири бўлиб, давлатда демократиянинг даражасига одатда шунга қараб баҳо беришади. Конституциявий назоратнинг асосий вазифаси кенг маънода, энг аввало, Конституция талабларига зид бўлган ҳуқуқий актлар ва давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини аниқлаш, шунингдек, қонунбузарлик ҳолларини бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўришдан иборат.

Конституциявий назорат амалда конституция деб ном олган қонун пайдо бўлган жой ва вақтга мутаносиб тарзда вужудга келган. Бошқа қонунлар каби конституциялар ҳам муайян бир давлат шароитида унга барчанинг сўзсиз итоат этишини таъминловчи кафолатга муҳтож бўлган. Дастлабки вақтларда бу вазифани қонун чиқарувчи ҳокимият органлари муваффақиятли бажариш имкониятига эга деб тахмин қилинган, чунки айнан улар конституцияларни қабул қилишган ва қонун ижодкорлигида ҳал

қилувчи роль ўйнаганлар. Бу борада, шунингдек, ижро ҳокимияти органларининг саъй-ҳаракатлари ҳам самарали бўлиши мумкин, деган фикр ҳам мавжуд эди. Масалан, баъзи бир давлатларда давлат раҳбарларига парламент томонидан қабул қилинган қонунларни, агар улар Конституция нормаларига мувофиқ бўлмаса, имзоламаслик (вето қўйиш) ҳуқуқи берилган эди (бундай ҳуқуқ кўп жойларда бугунги кунгача сақланиб қолган).

Баъзи жойларда конституциявий назоратга судларни ҳам жалб эта бошладилар. Кўпчилик бу биринчи марта АҚШда юз берган эди, деб ҳисоблайди. Бу ерда 1803 йили АҚШ федерал Олий суди унда қонун чиқарувчи ҳокимият органлари қабул қилган ҳар қандай қонунни АҚШ Конституциясига зид деб эълон қилиш ҳуқуқи борлигини эътироф этган эди. Қонуннинг бундай деб эълон қилиниши унинг биринчи навбатда судлар томонидан қўлланилмаслигини билдирган эди ва ҳозирги кунда ҳам шундай. Бошқача қилиб айтганда Конституцияга риоя этилиши устидан назорат ишларига судлар ҳам «жалб этилган» эди. Улар қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти органлари томонидан қилинган ёхуд қилиниши лозим бўлган ишларни тўлдирар эдилар. Бошқа мамлакатларда бундай назоратга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошилган.

Фақат кейинги 40—50 йил давомида конституциявий назоратга суд ҳокимияти органларини жалб этиш мақсадга мувофиқлиги кўпгина мамлакатлар томонидан эътироф этилди. Бундай тартибни жорий этиш учун, суд назорати остида бўлиш қонун чиқарувчи ва ижро органлари нуфузига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деган ҳадикни энгиб ўтиш керак эди. Табиийки, суд томонидан конституциявий назоратни амалга ошириш жорий этилиши жараёнида тегишли мамлакатларнинг ўзига хос жиҳатлари ва у ерда қарор топган ҳуқуқий маданият даражасини ифодаловчи кўпгина бетакрор ечимлар топилган эди. Бу нарса «конституциявий назорат» тушунчасининг турлича мазмун билан бойитилганлиги ва тегишли органлар ваколат доирасини белгилашда ҳам, шунингдек, бу органларнинг номланишида ҳам, кўринади. Масалан, Францияда бу вазифа Конституциявий Кенгаш деб номланган орган зиммасига, Австрия, Бельгия, Италия ва Германияда махсус ташкил этилган конституциявий судлар зиммасига юклатилган. Конституциявий назорат ҳуқуқи суд ҳокимиятига берилган кўпгина мамлакатларда бу вазифани умумий судларнинг энг юқори инстанцияси, яъни олий судлар бажаради.

Бу органларнинг ваколат доираси устида тўхталганда шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг орасида қонунларнинг конституциявийлигини текшириш билан бирга бошқа ваколатларни ҳам топиш мумкин, чунончи: турли давлат органлари қарорлари ус-

тидан назорат қилиш; давлат органлари ўртасида ваколатларни чегаралаб қўйиш тўғрисидаги низоларни кўриб чиқиш; сайлов якунлари билан боғлиқ низоларни ҳал этиш; олий даражадаги мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш ва уни кўриб чиқиш.

Суд ҳокимияти органлари томонидан амалга ошириладиган конституциявий назорат тақдири бизнинг мамлакатда ҳам силлиқ кечмаган.

Совет ҳокимияти йилларида конституциявий юрисдикция тўғрисида умуман гапирилмас эди.

Ўзбекистон Республикасида дастлаб конституциявий юрисдикция Конституциявий назорат қўмитаси зиммасига юклатилган эди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси конституциявий суд таъсис этиш заруратини белгилаб берди. Ўзбекистонда Конституциявий суд фаолият кўрсатётганлигига етти йилдан ошди. У Асосий қонунга амал қилиб, унинг талабларини бажариб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятининг ҳужжатлари Конституцияга мослиги тўғрисидаги ишларни кўради.

Конституциянинг 109-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

— қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларининг, ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

— Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради.

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Айни вақтда «Конституцияга мувофиқ» атамаси текширилаётган қонун сўзма-сўз ёхуд ўз мазмунига кўра Конституцияда ёзилган қонундан айнан такрорлаши керак, деган маънони англатмайди. Қонунда ҳар доим Конституцияда бевосита назарда тутилмаган янги қоидалар бўлади, у Конституция нормаларини тўлдирди.

ди ва ривожлантиради. Шунинг учун «Конституцияга мувофиқ» атамаси ишлатилганда қонунда Конституция талабларига зид нормалар йўқлиги тушунилади. Бошқача айтганда муайян қонун унинг конституциявийлигини аниқлаш мақсадида текшириб чиқилади. Конституциявий суд фақат қонунни конституцияга зид, яъни ноконституциявий деб топиши мумкин. Бундай қонунни бекор қилиш ва ўзгартириш, янги ҳуқуқий нормалар яратиш қонун чиқарувчи орган томонидан амалга оширилади.

Конституциявий судни ташкил этиш ва фаолияти тартиби 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунда белгилаб берилган.

Конституциявий суд таркибида етгита судья бор: раис, унинг ўринбосари, ва бешта суд аъзоси бўлиб, улардан бири Қорақалпоғистон Республикаси вакилидир.

Хорижий мамлакатларда конституциявий суд (кенгаш) таркиби одатда кўпчиликни ташкил этмайди: Франция, Руминия, Словения, Македония, Монголияда — 9 та аъзо, Словакия, Чехияда — 10 та, Бразилия, Хорватия, Венгрияда — 11 та, Испания, Болгария, Польша, Бельгия, Эронда — 12 та, Португалия, Грецияда — 13 та, Австрияда — 14 та, Италияда — 15 та, Германияда — 16 та суд аъзоси бор.

Бу рақамлардан кўринадики, суд аъзолари сони тегишли мамлакат аҳолиси сонига нисбатан олинмаган, шунингдек бу амалиётда сонларнинг тоқ бўлишига интилиш ҳам йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти тавсиясига кўра 5 йил муддатга сайланади. Ҳар бир судья алоҳида-алоҳида тартибда сайланади. Олий Мажлис депутатлари умумий сонидан келиб чиққанда кўпчилик овоз олган шахс судьялик лавозимига сайланган ҳисобланади.

Конституциявий суд таркибидан камида тўрт киши сайланган тақдирда ўз фаолиятини бошлашга ҳақлидир.

Конституциявий суд фаолиятининг тамойиллари жумласига суднинг мустақиллиги, масалани коллегиял ва ошқора ҳал қилиши, судьялар ҳуқуқининг тенглиги кабилар киради.

Конституциявий суд ва унинг судьялари мустақил, улар ўз ваколатларини амалга оширишда фақат Конституция ва қонунга таянадилар, ташқаридан ҳеч ким таъсир кўрсата олмайдиган шароитда қарор қабул қиладилар.

Конституциявий суд судьяси ўз вазифасини депутатлик ваколати, сиёсий партия ва ҳаракатларга аъзолик, бошқа бирор ҳақ тўланадиган лавозим билан қўшиб олиб бора олмайди.

Конституциявий суд ҳар бир масалани муҳокама этиши ва қарор

қабул қилиши коллегиал тарзда амалга оширилади, унинг таркибида энг камида тўрт судья иштирок этиши керак.

Конституциявий суд мажлисларида ишни кўриш очиқ амалга оширилади.

Конституциявий суд бирор масалани кўраётганда ва кўраётган масала юзасидан овоз бераётганда Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари, аъзолари судья сифатида тенг ҳуқуққа эга.

Конституциявий судда ишлар Ўзбекистон Республикаси давлат тилида олиб борилади. Давлат тилини билмайдиган процесс иштирокчилари ўз она тилларида гапиришлари ва тушунтириш беришлари ҳамда таржимон хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ Конституциявий суд Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Конституциявий суд судьялари кафолатланган мустақиллигининг кафолати уларнинг белгиланган ваколат муддатлари давомида ўзгартирилмаслигидадир. Судьялар ваколоти тугатилиши ва тўхтатилиши мумкин эмас. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 17 ва 18-моддаларида Конституциявий суд судьясининг ваколатини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш асослари тўла белгилаб қўйилган. Қонунда Конституциявий суд судьяси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланиши ҳам қатъий белгилаб қўйилган.

Унда алоҳида таъкидланганидек, судьялар Олий Мажлис розилигисиз, сессиялар ўртасида эса, Олий Мажлис Кенгаши ижозатисиз жинойий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд тартибида маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Конституциявий суд судьяларига нисбатан фақат Бош прокурор жиноят иши қўзғата олади. Конституциявий суд судьяларини мажбуран келтиришга, ушлаб туришга, шунингдек шахсий буюмлари, юки, транспорти, тураржой ва хизмат жойини қўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

Конституциявий суд ишларни суд мажлисида кўриб чиқади, бундай мажлислар заруратига кўра ўтказилади.

«Конституциявий суд тўғрисида»ги Қонунда Конституциявий судга кўриш учун масала киритиш ҳуқуқига эга субъектлар доираси ҳам белгилаб берилган. Унга кўра Олий Мажлис, Президент, Олий Мажлис Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис депутатлари умумий таркибининг тўртдан бир қисмини ташкил этган — депутатлар гуруҳи, Олий суд Раиси, Олий ҳўжалик суди Раиси ва Бош прокурор Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига эгадир. Конституциявий суд

судьяларидан камида учтасининг ташаббуси билан ҳам масала киритиш мумкин.

Конституциявий судга берилган сўров, илтимоснома ёки шикоят шаклидаги мурожаат ишни кўриш учун сабаб ҳисобланади. Муайян қонуннинг (конституциявий суд томонидан конституцияга мослиги текширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатнинг) Конституцияга мос келиш-келмаслиги ҳамда гумон келиб чиққанлиги ёки Конституция қоидаларини тушунишда ноаниқликлар юзга келганлиги ва қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар ишни кўриш учун асос бўлади.

Конституциявий суд мажлисларида Президент, Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари, Бош вазир, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Олий суд Раиси, Олий хўжалик суди Раиси, Бош прокурор, Адлия вазири иштирок этишлари мумкин. Улар кўрилаётган барча масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш ҳуқуқига эга.

Конституциявий суд мажлисини тайёрлаш ва ўтказишга Конституциявий суд Раиси бошчилик қилади. Мажлизда кўрилиши лозим бўлган масалаларни суд муҳокамасига киритади.

«Конституциявий суд тўғрисида»ги Қонун Конституциявий суд томонидан тўхтамлар қабул қилиш тартиби, шунингдек уларнинг турларини белгилайди. Масалан, Конституциявий суд Конституцияга мослиги шубҳа остига олинган аниқ масалалар юзасидангина тўхтамга келади. Конституциявий суд норматив ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини ўрганиб чиқиб бир вақтнинг ўзида текширилган норматив ҳужжатга асосланган ёхуд унинг қоидаларини такрорлайдиган норматив ҳужжатлар хусусида ҳам, гарчи муҳокамага киритилган масалаларда бу ҳақда сўз юритилмаган бўлса-да, тўхтамга келиши мумкин (Қонуннинг 25-моддаси).

Конституциявий суд тўхтами очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Судья бетараф қолиши ёки овоз беришда қатнашмаслиги мумкин эмас. Тўхтам мажлисда қатнашаётган судьялар кўпчилигининг овози билан қабул қилинади. Агар овозлар тенг бўлинса, раислик қилувчи берган овоз ҳал қилувчи ҳисобланади. Судья, агар у Конституциявий суд тўхтамига рози бўлмаса, ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма равишда баён этиб, уни Конституциявий суд мажлиси баённомасига қўшиб қўяди.

Давлатлараро шартнома ва норматив ҳужжатларнинг конституциявийлиги юзасидан Конституциявий суд тўхтами Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади ва қарор деб номланади. Бошқа ҳолларда Конституциявий суд тўхтами хулоса тарзида ёки бошқача шаклда ифода этилади.

Конституциявий суднинг барча қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва эълон қилинган кундан бошлаб

кучга киради. Конституциявий суд тўхтами қатъий ва уни устидан шикоят берилмайди.

Конституциявий суд тўхтамини қонун бўйича унинг ўз ташаббуси билан қайта кўришга йўл қўйилади. Бундай қайта кўриш учун асослар Қонуннинг 28-моддасида белгиланган бўлиб, чунончи, тўхтам қабул қилинган пайтда судга маълум бўлмаган янги ҳолатлар очилганда, тўхтам қабул қилинишига асос бўлган конституциявий норма ўзгарганда, шунингдек, Конституциявий суд тўхтам белгиланган иш юритиш тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган деб эътироф этганда тўхтамни қайта кўришга йўл қўйилади.

Ўтган йиллар давомида Конституциявий суд фаолиятининг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат бўлди:

— қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, марказий идоралар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларининг норматив ва бошқа ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини мунтазам ўрганиб бориш;

— халқаро шартномалар ва битимларни уларнинг Ўзбекистон Республикасида ратификация қилиш имкониятларини аниқлаш мақсадида ўрганиб бориш;

— қонунчиликни такомиллаштириб бориш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Олий Мажлисга киритиш;

— қонунлар лойиҳаларини ўрганиш ва улар юзасидан фикрмулоҳазалар билдириш;

— Конституция ва қонун нормаларини шарҳлаб бериш, улар нотўғри тушунилган ва қўлланилган ҳолларни бартараф этиш;

— жамият ҳуқуқий маданиятини оширишда иштирок этиш;

— хорижий давлатлар конституциявий судлари ва уларнинг ўрнини босувчи давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларидан фойдаланиш.

Кейинги йилларда Конституциявий суд унга келиб тушган материалларни ўрганиш асосида қонун бўйича унинг ваколатига кирадиган бир қатор масалаларни кўриб чиқди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазири, Марказий банк бошқаруви раиси Конституциявий судга хат билан мурожаат қилиб, Фуқаролик кодекси 784-моддасини ва хўжалик субъектлари ҳисобидан пул маблағларини ўчириш навбатини тартибга солувчи бошқа нормаларни ноконституциявий нормалар деб топишни сўрашган. Хатда меҳнат ва бошқа муносабатлардан келиб чиқадиган талабларнинг қорхоналарнинг солиқ тўловлари ва бюджетдан ташқари фондларга тўлов мажбуриятларидан олдин им-

тиёзли тарзда қаноатлантирилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги таъкидланган. Ҳақиқатдан ҳам бундай тартиб бюджетга тўловлар бўйича боқимандаликнинг ўсишига олиб келди, энг муҳими ўқитувчи, шифокор ва бошқа бюджетдаги ташкилот ходимларига иш ҳақи тўлаш, шунингдек пенсия, стипендия, нафақа ва бошқа тарзда ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламини ҳимоялаш имкониятларини кескин чегаралаб қўйди.

Конституциявий суд Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Қонун нормаларини таҳлил қилиб, уларни ноконституциявий деб топиши учун асос топа олмади ва Конституциянинг 82-моддаси ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ хўжалик субъектлари ҳисобидаги пул маблағларини ўчириш навбатини тартибга солиб турувчи қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисида қонунчилик ташаббуси тартибда Олий Мажлисга масала киритди.

Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонунчилик мониторинги институти икки масала бўйича Конституциявий судга мурожаат қилди:

1) алоҳида тоифадаги ходимлар учун қисқартирилган иш вақти белгилаш имкониятлари ҳусусида Меҳнат кодексининг 118-моддасини шарҳлаб бериш тўғрисида;

2) касал оила аъзосига қараётганлиги муносабати билан нафақа белгилаш ва тўлаш тартибини белгиловчи нормаларнинг конституциявийлигини текшириш тўғрисида.

Конституциявий суд судьялари ҳар икки масала ҳам суд мажлисида кўриб чиқишга лойиқ эканлигини эътироф этдилар. Уларнинг тўғри ҳал қилиниши иш вақти давомийлигини қисқартириш ва касалланган оила аъзосига қараётганлиги муносабати билан нафақа олиш борасида ходимлар ҳуқуқини анча кенгайтириш имкониятини яратди.

2001 йил 9 августда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси иккинчи қисмининг шарҳи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ушбу масала бўйича қабул қилинган қарорда қуйидагилар таъкидланади: В.Фролов хусусий тадбиркор сифатида 1999 йил октябр ойидан бошлаб Солиқ кодекси 64¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.1998 йилдаги 541-сонли қарорига мувофиқ ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравар миқдорида солиқ тўлаб келган. Кейинчалик солиқ қонунчилигига ўзгаришлар киритилиб, жисмоний шахс даромадидан

олинадиган солиқ миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари, кейинчалик 20 ва 30 баробари миқдорида ошган. В.Фролов Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси иккинчи қисмида кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишига қарамай Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ўзларининг 2001 йил 13 июндаги қўшма хати билан амалда уни бу имтиёздан маҳрум этганлар.

Мазкур хат ва Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси иккинчи қисмини қўллаш бўйича шунга ўхшаган хатларида берилган тушунтиришлар суд томонидан ноконституциявий деб топилди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қуйидагилардан келиб чиқди:

— Солиқ кодекси 11-моддаси иккинчи қисмида солиқ тўловчилар мазкур Кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга;

— Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, агар солиқ қонунчилигига кичик ва хусусий тадбиркорлар субъектлари учун ноқулай шароит яратувчи ўзгаришлар киритилган бўлса, кейинги икки йил давомида улардан олинадиган ўзгаришлар кучга киргунга қадар амалда бўлган қонунга мувофиқ ундирилади.

Келтирилган нормаларни ўзаро алоқадорликда таҳлил қилиб ва фуқаролар бозор иқтисодиёти шароитида ўз фаолиятини бу фаолият рўйхатга олинган вақтдаги солиқ тизимидан яъни, белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимлар сони, уларнинг миқдори, имтиёзлар ва бошқалардан келиб чиқиб режалаштиришини ва шу асосда иш юритишини ҳисобга олиб, Конституциявий суд икки йил давомида тадбиркорлар учун белгиланган имтиёзлар қўлланилиши зарурлигини таъкидлади.

Умумий юрисдикция судлари. Умумий юрисдикция судлари фуқаролик, жиноят ва маъмурий ишларни кўради. Бу судларнинг вазифаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан химоя қилишдан иборат. Судларнинг фаолияти қонун устуворлиги, ижтимоий адо-

лат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси суд тизими унинг миллий-давлатчилик ва маъмурий-худудий бўлинишига мос келади ва тузилиши жиҳатидан туман, вилоят ва республика бўғинларидан ташкил топган.

«Судлар тўғрисида»ги Қонунда умумий юрисдикция судлари тизими аниқ белгилаб қўйилган. Масалан, Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ мазкур тизим таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар киради.

Шундай қилиб, Қонуннинг ўзида судларнинг предмет бўйича ихтисослашуви тўла ифодасини топган. Шу билан бирга «Судлар тўғрисида»ги Қонун судларнинг маълум тоифага доир ишлар бўйича янада ихтисослашуви мумкинлигига ишора қилади.

Умумий юрисдикция судлари тизимида туманлараро, туман (шаҳар) судлари асосий бўғин ҳисобланади, чунки айнан улар кўпгина фуқаролик ва жиноят ишларини, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўрадилар. Ҳар йили ўн минглаб жиноят ва фуқаролик ишлари туманлараро туман (шаҳар) судларида биринчи инстанцияда кўрилади. Масалан, 2000 йилда улар 50 мингдан ортиқ жиноят ва 90 мингдан ортиқ фуқаролик ишларини кўрдилар.

Суд ишларини ҳал қилиш (ишнинг мазмуни бўйича қарор қабул қилиш, қонунийлигини ва асослантирилганлигини текшириш) билан боғлиқ у ёки бу суд функциясини бажараётган суд (ёки унинг таркибий бўлинмаси) суд инстанцияси ҳисобланади.

Процессуал қонунларга мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари фақат биринчи инстанция суди сифатида иш юритиш функциясига эгадирлар.

Муайян ишнинг мазмуни учун бўлган масалалар юзасидан қарор қабул қилишга ваколати бор суд биринчи инстанция суди деб аталади. Булар жумласига жиноят ишлар бўйича жиноят содир этишда судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги ва жинойи жазо қўллаш ёки қўлламаслик, унинг муайян тури тўғрисидаги масалалар киради.

Фуқаролик ишлари бўйича бу — берилган даъвонинг ўз исботини топганлиги ёки топмаганлиги ҳамда келиб чиқиши муқаррар бўлган ҳуқуқий оқибатларга тегишли масалалардир. Деярли

барча судлар ўз ваколатлари доирасида фуқаролик ва жиноят ишларини биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқиши мумкин.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 36-моддасида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди таркиби белгилаб қўйилган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, суд раиси ва судьялардан таркиб топади.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди таркибида суд раиси ва судьялардан ташқари халқ маслаҳатчилари ҳам бўлади. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди таркибида шунингдек, маъмурий ишлар бўйича судьялар ҳам кўзда тутилган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди раисларининг ваколатлари қонун билан белгиланган.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддасига мувофиқ у:

— суд мажлисларига раислик қилади, судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди;

— суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритишга раҳбарлик қилади, шунингдек, давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга қонунбузарликка олиб келган сабаб ва шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритади;

— суд ходимлари ва халқ маслаҳатчилари малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

— фуқароларни шахсан қабул қилади ва ариза-шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

— суд идораси ходимларига раҳбарлик қилади, суд ходимлари билан меҳнат шартномаси тузади ва бекор қилади.

Барча фуқаролик ишлари, шунингдек жиноий ишлар, қонун бўйича беш йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси кўзда тутилган жиноят ишларини биринчи инстанцияда судьянинг яқка ўзи кўради. Қолган жиноят ишлари судья ва иккита халқ маслаҳатчиси иштирокида кўрилади.

Умумий юрисдикция судлари тизимида ўрта бўғинни Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди ташкил этади.

Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раис, раис ўринбосари, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан иборат ва суд раёсати ҳамда судлов ҳайъатлари таркибида фаолият кўрсатади.

Фуқаролик иши бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раис, раис ўринбосари, судья-

лардан иборат бўлиб, суд раёсати ва судлов хайъати таркибида фаолият кўрсатади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари ваколатлари қонунда аниқ белгилаб берилган. «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ улар ўз ваколат доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, апелляция, кассация ва назорат тартибида кўради, шунингдек қуйи бўғин судларининг суд фаолияти устидан назорат қилади, суд амалиётини мунтазам умумлаштириб боради.

Биринчи инстанцияда кўрилган ишлар бўйича суд ҳукми устидан апелляция, кассация тартибидаги шикоятлар шундай ҳуқуққа эга бўлган судлов хайъатида кўрилади.

Биринчи инстанцияда ишларни судлов хайъати раислик этувчи (унинг ролини суд раиси, унинг ўринбосари ёки суд аъзоси бажариши мумкин) ва иккита халқ маслаҳатчилари таркибида кўради. Апелляция ёки кассация тартибида ишларни судлов хайъати раис ва иккита суд аъзоси таркибида кўради.

Ўрта бўғин суди раёсати мазкур суднинг судьяларидан таркиб топади. У асосан суд назорати тартибида ишни кўради.

Суд раёсати мажлиси ҳар ойда камида икки марта ўтказилади. Раёсат аъзоларининг кўпчилиги йиғилганда у қонуний ваколатга эга бўлади. Мажлисда тегишли прокурор иштирок этади. Қарор овоз беришда қатнашган раёсат аъзоларининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади ва суд раиси томонидан имзоланади. Раёсат қарори апелляция ва кассация ажрими каби республикада суд амалиётининг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади.

Суд ишлари бўйича протестлардан ташқари раёсат ташкилий масалаларни ҳам кўради. Раёсат суд амалиётини умумлаштириш, туман судларига улар томонидан қонунни тўғри қўллаш юзасидан ёрдам кўрсатиш, жиноятчилик ва судланганлик ҳолати тўғрисида маълумотларни, судлов хайъатлари раисларининг маърузалари, суд аппаратининг иши, фуқароларнинг шикоят ва аризаларини ҳал қилиш бўйича ишлар ҳолати, суд ишларининг истиқбол ва жорий режалари каби масалаларни эшитади ва муҳокама қилади.

Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлган фуқаролик, жиноят ва маъмурий ишлар бўйича олий суд органи ҳисобланади ҳамда қонунда кўзда тутилган процессуал шаклларда суд фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва амалиёт масалалари бўйича тушунтириш беради.

Бошқача айтганда, мазкур суднинг фаолияти унинг суд тизимидаги ва бошқа давлат ҳокимияти органлари тизимидаги роли

ва ўрнини белгилайдиган камида учта асосий функцияни бажаришга қаратилган:

— умумий юрисдикция судларига тааллуқли фуқаролик, жиноят ва маъмурий ишлар бўйича олий суд органи сифатида унга юклатилган вазифаларни бажариш;

— қонунда кўзда тутилган процессуал шаклларда бундай судлар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

— суд амалиёти масалалари бўйича тушунтиришлар бериш.

Бу функцияларнинг ҳар бири аниқ мазмунга эга. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг суд тизимидаги ва умуман давлат миқёсидаги ўрнига умумий тавсиф бериш муносабати билан шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу суднинг юқорида таъриф этилган биринчи функцияси умумий юрисдикция судлари ваколатига берилган ўта мураккаб ва муҳим фуқаролик ва жиноят ишларини мазмунан (биринчи инстанция бўйича) кўриб чиқишдан иборат.

Олий суд органи сифатидаги нуфуз яна шуни талаб этадики, у қуйи инстанциядаги барча судлар чиқарган ҳукмлар ва бошқа суд қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлигини текшириши зарур. Бошқача қилиб айтганда, умумий юрисдикция судлари кўрган муайян суд ишлари бўйича Олий суд охириги хулосани беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг юқорида айтиб ўтилган иккинчи функцияси ҳам биринчи функция билан бевосита боғлиқ. Судлар фаолияти устидан назорат олиб бориш, демак, энг аввало, улар томонидан йўл қўйилган хатоларни аниқлаш ва уларни тuzатишдан иборатдир. Қонунда таъкидлаб ўтилганидек бу фақат процессуал шаклларда, яъни суд ишлари бўйича қонун белгилаган тартиб-қоидага риоя қилинган ҳолда, амалга оширилиши керак. Мазкур талабни бажариш умумий юрисдикция судлари мустақиллигини таъминлашга қаратилган муҳим восита ҳисобланади.

Учинчи функция ҳам қолган икkitаси билан уйғундир. Уни амалга ошириш орқали Ўзбекистон Республикаси Олий суди нафақат судлар томонидан, балки давлат ҳокимиятининг бошқа органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар томонидан ҳам муайян қонунларни қўллаш амалиётига тўғри таъсир кўрсатиш имконини беради. Бу эса муайян қонунларни қўллаш бўйича умумлаштирилган суд амалиётига таяниб унинг моҳиятини тўла очиб беради ва келажакда тегишли қонунларни тўғри қўллаш учун йўналиш беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судига юқоридаги функциялар билан бирга Конституциянинг 108-моддасига биноан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ҳам берилган. Бу қонунлар билан уларни қўллаш амалиёти ўртасида узвий муштаракликни таъминлов-

чи муҳим воситадир. Чунки, айнан амалиётда қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижобий томонлари ва уларда мавжуд камчиликлар намоён бўлади. Олий суд қонунлар қандай ишлаётганлиги, уларни қўллашда қандай қийинчилик ва камчиликлар мавжудлиги тўғрисида батафсил ахборотга эга бўлган орган ҳисобланади. Бундай ахборотларга таяниб, у қонунчилигимизга фаол таъсир кўрсата олади, амалдаги қонунларда мавжуд муаммолар ва бошқа камчиликларни бартараф этишга эътиборни қаратади. Амалдаги қонунлар мазмунига таъсир ўтказиш «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида кўзда тутилганидек, қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги сўров билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилиш амалдаги қонунчиликка таъсир қилишнинг яна бир имкониятидир.

Олий суднинг ташкил этилиши ва унинг фаолият кўрсатиши масалалари Конституция, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, Фуқаролик процессуал ва Жиноят-процессуал кодекслари нормалари, шунингдек қонунчиликнинг бошқа ҳужжатларида белгилаб берилган.

Олий суд Пленуми, Раёсат, Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати, Жиноят ишлари бўйича судлов хайъати, Ҳарбий хайъатдан иборат таркибда иш юритади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси).

Олий суд раиси, раис ўринбосарлари, судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан сайланади.

Олий суд Пленуми таркибига қонунга мувофиқ Олий суд судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари раислари киради. Пленум мажлисларида Бош прокурор иштирок этади. Унда Адлия вазири, Конституциявий суд раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси, Олий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Олий суд Пленуми ҳар тўрт ойда камида бир марта чақирилади ва пленум аъзоларидан камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Назорат тартибида ишни кўриш Олий суд судьясининг маърузасидан бошланади, у ишнинг ҳолати ва протестнинг мазмунини баён этади. Кейин Бош прокурор, шунингдек томонлар фикр-мулоҳазалари тингланади. Протест муҳокама этилаётганда ва овоз бериш чоғида мажлис залида фақат Олий суд судьялари иштирок этиши мумкин.

Муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган маса-

лалар Олий суд раиси ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Пленумда кўриш учун киритилади. Масалалар бўйича уларнинг ёки улар вакил қилган шахсларнинг маърузалари тингланади. Бундай масалалар муҳокамасида мажлис иштирокчилари қатнашиши мумкин.

Қонунни қўллаш масалалари бўйича Пленум тушунтиришлари барча судлар, қонунларни қўллайдиган бошқа органлар, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми одил судловни амалга ошириш масалалари юзасидан ўнлаб қарорлар қабул қилди. Уларнинг орасида қуйидаги масалалар бўйича қабул қилинган қарорларни алоҳида таъкидлаш мумкин: «Суд ҳокимияти тўғрисида», «Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида», «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида», «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида», «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида», «Ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида» ва бошқалар бир хил андозадаги суд амалиётини шакллантиришда ва қонунларнинг тўғри қўлланишида муҳим роль ўйнади.

Олий суд фаолиятида унинг Раёсати муҳим ўрин тутати — Олий суд Раёсати Олий суд Пленуми белгилаб берган миқдорда Олий суд судьяларидан таркиб топади. Олий суд Раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари эгаллаган лавозимига кўра Раёсат таркибига киради. Раёсат мажлиси ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги қатнашганда ваколатли ҳисобланади.

Олий суд Раёсати ўз ваколати доирасида қуйи судлар фаолияти устидан суд назоратини олиб боради. Бундан ташқари, у суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисларининг мазкур судлар фаолияти тўғрисидаги ва қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини эшитади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари ва аппаратининг ишларини ташкил этиш масалаларини ва бошқа масалаларни кўриб чиқади.

Суд фаолиятининг асосий қисми судлов ҳайъатлари зиммаси-

га тушади. Бу бўлинманинг таркибини раиснинг тавсиясига кўра суд аъзолари орасидан Олий суд Пленуми белгилайди («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси).

Судлов ҳайъатлари ишига бевосита уларнинг раислари раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари ишларни биринчи инстанцияда, апелляция, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради, суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, суд статистикасини таҳлил этади ва бошқалар.

Судлов ҳайъати биринчи инстанцияда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ваколатига тегишли фуқаролик ва жиноят ишларини уч судьядан иборат таркибда кўради. Масалан, 1999 йил охирида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказилганда Олий суд биринчи босқич бўйича округ сайлов комиссиялари ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар асосида 13 та фуқаролик ишини кўриб чиқди. Бундай тоифадаги ишларнинг суд тартибида ҳал этилиши ўтказилган сайловлар демократик, ошқора ва очиқ эканлигидан далолат беради.

2001 йилнинг бошида «Зарафшон-Калифорния» қўшма корхонасининг собиқ мансабдор шахслари У.Жабборов ва бошқалар томонидан жуда кўп миқдорда талон-тороғ содир этганлик ҳақидаги жиноят иши кўриб тугатилди. Айбдорлар қилмишига яраша жазоланиб, 60 млн. сўм миқдордаги моддий зарар тўла қопланди.

Қуйи инстанция судлари ишининг сифати, улар қабул қиладиган суд қарорларининг асосланганлиги, қонуний ва адолатли бўлишини таъминлашга Олий суд доимо диққат-эътибор бериб келмоқда. Энг муҳим тоифа низолар, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга оид суд ишлари мунтазам ўрганилади ва муҳокама этилади. Бунда фуқаролар ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимоясига алоҳида аҳамият берилади. Масалан, ҳар йили ишга тиклаш тўғрисида юзлаб даъволар қондирилмоқда, бу ишлар бўйича даъвогарлар фойдасига бир неча миллион сўм маблағ ундириб берилмоқда, бу маблағнинг бир қисми айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан ундирилаётир.

Олий суд фаолиятида келиб тушаётган шикоят ва аризалар билан ишлаш алоҳида ўрин тутади. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий судига 13 мингдан кўпроқ шикоят ва аризалар келиб тушган бўлиб, шундан 9 минги жиноят ишлари бўйича берилган.

Ҳарбий судлар. «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ умумий юрисдикция судлари тизимига киритилган.

Ҳарбий судларнинг вазифаси маълум даражада фуқаролик

судлари вазифаларига ўхшашдир. Улар «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд ҳимоясига олишга даъват этилган.

Ҳарбий судларга ҳам суд ҳокимиятининг бошқа органлари каби мазкур давлат ҳокимияти тармоғига хос ваколатлар берилган. Уларнинг зиммасига одил судловни амалга ошириш, ҳарбий хизматчилар ҳуқуқи ва эркинликларини бузадиган ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахс хатти-ҳаракатларининг (қарорлари) қонунийлигини текшириш, ҳукмлар ва бошқа суд қарорлари ижросини таъминлаш, судлар корпуси (ҳарбий судлар)ни шакллантиришда иштирок этиш юклатилган.

Ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганлиги муносабати билан янги давлат — ҳуқуқий институт сифатида ташкил этилган эди.

Республика Қуrolли Кучларида қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги «Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида»ги Фармони билан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган ҳарбий трибуналлар унинг суд тизимига киритилди ва Ўзбекистон Республикаси номидан одил судловни амалга ошира бошлади. Шу Фармон билан собиқ Туркистон ҳарбий округи ҳарбий трибунали ўрнида Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари Ҳарбий суди ташкил этилди.

1992 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида Ҳарбий ҳайъат таъсис этилди.

Ҳарбий судлар бошқа судлар каби ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларига, бошқа қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларга оғишмай амал қилади, Олий суд Пленуми қарорлари улар учун ҳам мажбурий. Муайян фуқаролик ва жиноят ишлари кўрилганда фуқаролик процессуал кодекси (ФПК) ва жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) белгилаб берган бир хилдаги процессуал қоидаларга ҳеч бир истисносиз амал қилади. Масалан, ҳарбий судда судланаётган шахс ўз айбсизлигини ҳимоя қилиш учун, барча процессуал ҳуқуқлардан тўла фойдаланадилар.

Ҳарбий судлар тизими «Судлар тўғрисида»ги Қонунда белгилаб берилган ва Қонуннинг 39-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари тизими Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан иборат.

Ҳарбий судлар тизимида асосий бўғин округ ва ҳудудий ҳарбий судлар ҳисобланади. Улар фақат биргина функцияга бирин-

чи инстанция бўйича ўз ваколат доирасида ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эгадир.

Вилоят суди ҳуқуқи доирасида иш олиб борадиган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳарбий судлар тизимида ўрта бўғин ҳисобланади.

Ҳарбий судларга нисбатан энг юқори суд инстанцияси Ўзбекистон Республикаси Олий суди бўлиб, унинг таркибига Ҳарбий ҳайъат киради.

Ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг, Миллий хавфсизлик хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳарбий тузилмаларнинг, шунингдек ўқув йиғинларида бўлган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар ва ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни;

Ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятларни;

алоҳида ҳолатларга кўра умумий юрисдикция судлари фаолият кўрсатмаётган жойларда ҳамма фуқаролик ва жиноят ишларини; давлат сирларига тааллуқли ишларни кўради.

Ҳўжалик судлари. Бозор муносабатлари шаклланаётган ва ривожланаётган бир даврда давлатнинг муҳим вазифаларидан бири бозор механизми муваффақиятли ишлаши учун ҳуқуқий асос яратишдан иборат. Тадбиркорлар фаолияти асосини мустаҳкамловчи чора-тадбирлар орасида уларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон давлати мустақиллигининг эълон қилиниши, янги мулкчилик шаклларининг ривожланиши, умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ меъёрлари устуворлигининг тан олиниши иқтисодий низоларни ҳал этадиган мустақил орган — ҳўжалик судлари ташкил этиш заруриятини кун тартибига қўйди.

Ўзбекистонда илгари иқтисодий низолар суд томонидан эмас, балки ижроия ҳокимиятининг махсус органи — СССР Давлат арбитражи деган ягона тизимга кирувчи Давлат арбитражи томонидан кўрилар эди.

1991 йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг «Арбитраж суди ва ҳўжалик низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида»-ги Қонуни қабул қилинди. Унда арбитраж судларнинг вазифала-

ри, мақоми, фаолиятига доир масалалар билан бир қаторда хўжалик низоларини ҳал қилиш тартиби ҳам ўз ифодасини топди.

Қонун арбитраж органлари ўрнига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юретиш субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қодир бўлган мустақил орган — арбитраж судларини ташкил этди. Кейинчалик арбитраж судларнинг номи хўжалик судлари деб ўзгартирилди. Уларнинг мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган.

Хўжалик судлари вазифаларига ташкилот ва фуқаролар қонуний ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш; қонунларни бир хилда ва тўғри қўллаш; ҳуқуқий воситалар орқали қонунчиликка риоя этилишига ва иқтисодий муносабатларда қонунийликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш киради.

Хўжалик судларининг собиқ давлат арбитражидан асосий фарқи шундаки, арбитраж энг аввало давлат манфаатларини ҳимоя қилар эди. Давлат арбитражнинг фаолияти, ўша даврдаги иқтисодиёт хусусиятидан келиб чиқиб, унга кўра, ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан мулкчиликнинг фақат икки шакли — давлат ва колхоз-кооператив мулклар тан олинарди. Конституция томонидан турли мулк шакллари ва мулкдорларнинг тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилган бир шароитда улар ўртасида келиб чиққан хўжалик низоларини, фақат иқтисодиётни юритаётган маҳаллий ҳокимиятдан мустақил бўлган судлар ҳал этиб бериши мумкин эди. Хўжалик судлари айнан шундай судлардан эди.

Конституциянинг 111-моддасига мувофиқ мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасида иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини хўжалик судлари ҳал этади. Шундай қилиб, хўжалик низоларини кўриб чиқишга ёндошув ва иш мазмуни сифат жиҳатдан ўзгарди, принципаал жиҳатдан янги аҳамият касб этди.

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонунда суд ҳокимиятининг шу жумладан, хўжалик судларининг таркиби ва фаолиятининг асосий принциплари белгилаб берилган. Ўша куни қабул қилинган Хўжалик процессуал кодекси (ХПК) — хўжалик низоларини кўриш тартибини белгилаб берадиган, биринчи мустақил ва тизимга солинган қонунчилик ҳужжати бўлиб қолди.

Умумий юрисдикция судлари тизимидан фарқли равишда хўжалик судлари тизими икки бўғиндан иборат. Унинг туман бўғини йўқ бўлиб, асосий бўғин вилоят хўжалик судлари ва унга тенглаштирилган судлар ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар хўжалик судлари раис, раис ўринбосари ва судьялардан таркиб топади.

Бу судлар ўз ваколати доирасида биринчи инстанцияли суди сифатида ва апелляция тартибида иш кўради, суд амалиётини умумлаштиради.

Қонун бўйича мазкур бўғиндаги хўжалик судига барча низо-лар тааллуқли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига тааллуқли ишлар бундан мустасно.

Биринчи инстанция бўйича хўжалик судларида ишларни судьянинг якка ўзи кўради. Суд раисининг қарорига кўра ҳар қандай иш унинг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб коллегиял тарзда кўрилиши мумкин.

Хўжалик суди ишларини юритиш бўйича суд ҳокимиятининг олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ҳисобланади. У Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари фаолияти устидан назорат олиб боради.

Олий хўжалик суди раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов хайъатларининг раислари, Олий хўжалик суди судьяларидан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми, Олий хўжалик суди Раёсати, Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов хайъати, Маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов хайъати таркибида иш олиб боради. Олий хўжалик суди Пленуми Олий хўжалик суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди раисидан иборат таркибда иш олиб боради.

Олий хўжалик суди Пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори иштирок этади. Олий хўжалик суди Пленуми мажлисларида Конституциявий суд Раиси, Олий суд Раиси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, судьялар, Олий хўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари қатнашиши мумкин.

Олий хўжалик суди Пленуми бир йилда камида икки марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалаларга оид хужжатлар лойиҳалари Олий хўжалик суди Пленумининг аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига мажлисдан йигирма кун илгари юборилади.

Олий хўжалик суди Пленуми аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда Пленум ваколатли ҳисобланади.

Олий хўжалик суди Пленуми:

— суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чи-

қади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

— Олий ҳўжалик суди раисининг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг таркибини, судлов ҳайъатларининг таркибини ва раисларини, шунингдек Олий ҳўжалик суди Пленумининг котибини тасдиқлайди;

— Олий ҳўжалик суди Раёсатининг иши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек Олий ҳўжалик суди судлов ҳайъатлари фаолияти ҳақидаги маърузаларни тинглайди;

— Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек Олий ҳўжалик суди Пленумининг қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришларини бажариш тўғрисидаги маърузаларни тинглайди;

— Олий ҳўжалик суди раисининг тавсиясига биноан Олий ҳўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

— Олий ҳўжалик суди матбуот органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлайди;

— Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати регламентини тасдиқлайди ва Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Олий ҳўжалик суди Раёсати Олий ҳўжалик суди судьяларидан Олий ҳўжалик суди Пленуми белгилайдиган миқдорда тузилади. Олий ҳўжалик суди раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Олий ҳўжалик суди Раёсатининг таркибига лавозими бўйича кирадilar.

Олий ҳўжалик суди Раёсатининг мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Олий ҳўжалик суди Раёсати аъзоларининг кўпчилиги қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 50-моддаси).

Олий ҳўжалик суди Раёсати:

— ишларни назорат тартибида кўради;

— суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади;

— Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари раисларининг қонунларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

— ҳўжалик судлари, Олий ҳўжалик судининг судлов ҳайъатлари ва аппарати ишини ташкил этиш масалалари ва ҳ.к. кўриб чиқади.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ Олий ҳўжалик судининг судлов ҳайъатлари ишларни биринчи инстанци-

ида ва кассация тартибида кўради, суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, суд статистикасини таҳлил этади ва х.к.

Ҳўжалик процессуал кодексининг 23-моддасига мувофиқ ҳўжалик судига қуйидаги ишлар тааллуқлидир:

— иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади), юридик шахс тузмаган ҳолда тadbиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тadbиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;

— иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш (бундан буён матнда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш деб юритилади) тўғрисидаги ишлар;

— ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.

Қонун билан ҳўжалик судига тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин.

Ҳўжалик суди ўзига тааллуқли ишларни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тadbиркорлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари, шунингдек чет эл ташкилотлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкилотлар, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Агар ўзаро боғлиқ бир неча талаблар бирлаштирилганда улардан бир қисми ҳўжалик судига, бошқалари умумий юрисдикция судига тааллуқли бўлса, барча талаблар умумий юрисдикция су­дида кўрилиши керак.

Ҳўжалик судлари мамлакатда иқтисодий ислохотлар ўтказилаётган, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув бораётган ҳўжалик субъектлари товарлар ва хизмат кўрсатиш жаҳон бозорлари­га чиқаётган бир шароитда суд ҳокимиятини амалга ошира бо­риб, иқтисодий муносабатларда қонунийликни мустаҳкамлаш борасида катта ишларни олиб бормоқда. Масалан, агар 1996 йил республика ҳўжалик судлари томонидан 11.550 иш кўрилиб, 4 млрд 321 млн сўм ундирилган бўлса, 2000 йилда 33,4 минг иш кўрилиб 99 млрд сўм ундирилди. Демак, шу давр ичида ҳўжалик судлари томонидан кўри­лаётган ишлар уч баробар, ундирилган маблаг 23 баробар кўпайган.

Хўжалик судлари хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш орқали иқтисодиёт соҳасида қонунийликни таъминламоқдалар, шартномавий интизомни бузаётганларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни кўрмоқдалар. Масалан, хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги Фармониға мувофиқ мазкур Фармон қабул қилинган кундан, то 2001 йил 1 январгача шартномавий ва тўлов интизомини бузган, хўжасизлик, совуққонлик фактларига йўл қўйган ва ўз хизмат ваколатларини суистеъмом қилган, натижада корхона ва ташкилотларни иқтисодий лаёқатсиз, банкрот ҳолатига олиб келиб қўйган 815 раҳбарга нисбатан жиноят ишлари кўзғатилган. Бундан ташқари, хўжалик субъектларига мулкый зарар етказган 3214 раҳбардан 61,5 млн сўм ундирилган. 3961 мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилиб, 47,5 млн сўм миқдорда жарима ундирилган.

Низоларнинг янги, солиқ ва божхона сингари турлари пайдо бўлди. Масалан, 2000 йилда солиқ органлари даъвоси бўйича 43,9 млрд сўмлик бюджетга боқимандалик қарзларини ундиришга доир 5.735 иш кўрилган, шундан 37,4 млрд сўмлик даъво қаноатлантирилган.

Хорижий юридик шахслар иштирокида кўрилаётган ишлар ҳам анчагина. Хорижий ташкилотлар, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган хорижий фуқаролар хўжалик судларига мурожаат қилиб ўзларининг бузилган ёки эҳтимол қилинаётган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан кенг фойдаланмоқдалар. Хўжалик қонунчилигининг демократик ва инсонпарварлик характери туфайли ҳам хорижий фуқаролар Ўзбекистон ташкилотлари ва фуқаролари билан баб-баробар процессуал ҳуқуқларидан фойдаланмоқдалар ва процессуал мажбуриятларни адо этмоқдалар.

Республика қонунчилиги инвестиция жараёнида қатнашаётган иштирокчининг, уларнинг низоли масалаларни ҳал қилиш тартибини танлашга оид эркинлигини чеклайдиган бирор шарт белгиламайди. Бу Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилган ва Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Хорижий инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари тўғрисида»ги Қонунда янада ривожлантирилди. Бунга кўра, уларнинг низоли масалалари ё Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларида, ёки хорижий давлатлар арбитраж органларида кўрилади.

Статистика маълумотларига қараганда хорижликлар иштиро-

кида кўрилаётган иқтисодиётга оид низоли ишларни кўриш тенденцияси ошиб бормоқда. Масалан, 1997 йилда Республика хўжалик судлари томонидан 39 та шундай низоли иш кўрилган бўлса, 2000 йилда 342 та иш кўрилган.

Хўжалик судларининг шаклланиши ва ривожланиши Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар босқичлари билан бевосита боғлиқ. Иқтисодиётни либераллаштиришнинг ҳозирги босқичида хўжалик судлари низоларни ҳал қила бориб, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар ҳукуқи ва қонуний манфаатини ҳимоя қилишни амалга оширмоқдалар. Фақат 2001 йил биринчи ярмида 16892 хўжалик субъектлари ва тадбиркорлар ўз қонуний ҳукуқи ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судларига мурожаат қилганлар, уларнинг фойдасига 84,3 млрд сўм ундирилган, бу ўтган йил шу даврдагига қараганда 58 фоиз кўп демакдир.

Халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳукумат ўтказаяётган, шартномавий интизомни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар туфайли шартнома мажбуриятларини бузиш ҳоллари камайди.

Тадбиркорлар томонидан солиқ муносабатлари, қимматли қоғозлар, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, давлат ҳокимияти ва бошқарув маҳаллий органлари ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида берилган аризалар сони кўпайди.

2001 йилнинг 6 ойи ичида хўжалик судлари қарори билан уставда белгиланган молиявий-хўжалик фаолиятини қонунда кўрсатилган муддатда амалга ошира олмаган 2099 хўжалик субъектлари тугатилди, 621 тўлов қобилиятига эга бўлмаган субъект банкрот деб топилди. Хўжалик судлари тадбиркорларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қонунсиз аралашувларга чек қўйиш масаласига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Шу давр ичида бу органлар томонидан чиқарилган 81 ҳуқуқий ҳужжат қонунни ва тадбиркорлар манфаатини бузганлиги учун бекор қилинган.

Юқорида баён қилинганлардан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўз судлов тизими шаклланди. Тажриба шуни кўрсатадики, мазкур тизим одил судлов манфаатларига тўла жавоб беради, фуқаролар ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ишончли кафолат бўлиб ҳисобланади.

V. СУДЬЯЛАР МАҚОМИ. УЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикасида судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 60-моддаси).

Судьялик лавозимини эгаллаган давлат хизматчиларининг мажмуини судьялар корпуси дейиш қабул қилинган. Бундай мансабдор шахслар доираси кенг ва хилма-хилдир. У Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Раиси ва аъзолари, бошқа олий суд инстанциялари раислари, раис ўринбосарлари ва судьяларидан тортиб, то умумий юрисдикция судларининг вилоят ва туман бўғинлари, шунингдек хўжалик судлари судьяларигача бўлган барча судьяларни ўз ичига олади.

Қонунга мувофиқ судьялар зиммасига ўта масъулиятли вазифаларни амалга ошириш юклатилган. Бу, энг аввало, фуқароларнинг, давлат ва бошқа ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига у ёки бу даражада тегишли умуммажбурий қарорлар қабул қилинишидир. Ҳар қандай демократик давлат учун хос бўлган инсон тақдир ва хотиржамлиги бўлган қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни сақлаш уларга боғлиқдир. Кўпинча халқ вакиллари (халқ маслаҳатчилари) билан бирга иш олиб борадиган судьяларга суд ҳокимияти тегишлидир. Шундан келиб чиқиб, улар фақат ҳуқуқий ва қонуний манфаатлар, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот, кафолати сифатида эмас, балки, муайян шароитда, давлат ҳокимиятининг бошқа — қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи тармоқларини осойишта ва мувозанатда тутиб турувчи омил ролини ҳам бажаради.

Судьялар корпусига юклатилган вазифаларнинг ўзига хослик таъсири натижасида судлар, судьялар, судьялар корпуси ҳолати бошқа давлат муассасалари ва уларнинг мансабдор шахсларидан фарқ қилиб туриши керак, деган тушунча кўпгина ўн йилликлар (баъзи мамлакатларда бир неча юз йилликлар) давомида таркиб топа бошлаган. Судья ўз бошлигининг иродасини сўзсиз бажарадиган, унга маъқул бўлган қарор чиқарадиган оддий амалдор, деган тушунча ўз ўрнини курашсиз бўшатиб бермас эди. Бу соҳада ҳам қадамба-қадам силжишлар юз беришига қарамай, бугунги кунда ҳам у буткул барҳам топмаган.

Вақт ўтиши билан судьяларда фақат уларга хос бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўла бошлади. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи судьялар мақомини, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини ташкил этади. Бунда гап фақат муайян бир судья ҳуқуқи ва мажбурияти устида кетаётгани йўқ, балки эгаллаган лавозимига кўра,

суд ҳокимияти жумладан, одил судловни амалга ошириши туфайли уларда мужассамлашган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисида боради. Судьялар ҳам фуқаролар каби, масалан, бирор нарса сотиши ёки сотиб олиши, никоҳдан ўтиши, болаларини тарбиялаши, таътиллاردан фойдаланиши ҳамда бошқа ҳуқуқларга эга. Айни вақтда уларда бундан ташқари шундай ҳуқуқ ва мажбуриятлар борки, улар оддий фуқароларда бўлмайди.

Судьялар ўз фаолияти давомида фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишларини, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўрганда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларига риоя қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликлари, ор-номуси, нуфузи ва мулкни, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда ҳолис, адолатли бўлишга мажбурдирлар.

Одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ вазифаларини бажариш судьялар учун устувор аҳамиятга эга бўлиши шарт.

Судьялар судьялик шаънини қатъий сақлаши, одил судлов обрўсини, судьялик кадр-қимматини тушириши ёки судьянинг холислигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

Судьялар одил судловни амалга ошириш бўйича вазифаларни лозим даражада бажариши учун ўз малакасини юқори даражада бўлишига эришиши шарт.

Судьялар хизмат вазифасини бажаришда суд ишлари иштирокчилари ва бошқаларни ҳурмат қилиши, сабр-тоқатли, хушмуомала ва одобли бўлиши, суд аппарати ходимларидан ҳам шуни талаб қилиши керак. Судья судьялар маслаҳатлашуви ва ёпиқ суд мажлислари чоғида олинган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Судьяларнинг хизматдан ташқари фаолияти ҳам уларнинг холислигига, адолатли иш юритишига ва беғаразлигига шубҳа уйғотмаслиги керак.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддасига мувофиқ судьялар ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари бўлиши мумкин эмас.

Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиши, уларни моддий ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаши, шунингдек ўз сиёсий қарашларини омма ўртасида изҳор этишига, сиёсий хусусиятга эга намоёнларда ва бошқа сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши мумкин эмас. Шунинг учун «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддасида қуйидагилар таъкидланган: «Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиши, шунингдек илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари, ҳақ тўла-

надиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас».

Судьялар мақоми (ҳуқуқий ҳолати)га тавсиф берилганда шуни назарда тутиш муҳимки, у (мақом) қайси судда ишлаётганлигидан қатъи назар, барча судьялар учун асосан бир хил. Аммо бундан ҳамма судларда ишлаётган судьялар бир хил шароитда экан, деган тушунча ҳосил бўлмаслиги керак. Фарқлар бор. Конституциявий суд судьяси мақоми ва умумий юрисдикция судлари судьяси мақоми айнан бир хил бўлиши мумкин эмас.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 60-моддасида баён қилинган «Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эгаллиги тўғрисида»ги қоида мазкур Қонун тартибга соладиган предметни ҳисобга олган ҳолда фақат умумий юрисдикция судлари ҳамда ҳўжалик судлари судьяларига тегишли эканлигини таъкидлаш лозим.

Конституциявий суд судьяларининг мақоми Ўзбекистон Республикасининг «Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ва улар ўзига хос хусусиятга эга.

Судьялар санаб ўтилган мажбуриятлардан ташқари уларга қонун билан берилган кенг ҳуқуқларга ҳам эга. «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддасида судьяларнинг умумий, асосий ҳуқуқлари санаб ўтилган. Судьянинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ҳуқуқлари процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган. «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддасига мувофиқ судьялар мансабдор шахслар ва фуқаролардан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини талаб қилиш, мансабдор ва бошқа шахслардан одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот олиш ва ассоциацияларга бирлашиш ҳуқуқларига эга.

Давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт. Одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьяларнинг талабига мувофиқ бепул берилади. Судьяларнинг талаблари ва фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Бундай жавобгарлик Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган.

Судьялар мақомини белгилайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни шартли равишда бир неча блокка бўлиш мумкин:

— судьялар корпусини шакллантириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар (номзодларга қўйиладиган талаблар, ном-

зодларни танлаш қоидалари ва уларга судьялик ваколатини бериш тартиби);

— судьялар ўз ваколатини мустақил бажариши имкониятини кафолатловчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар (судьялар дахлсизлиги, уларнинг ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатишнинг алоҳида қоидалари);

— судьяларнинг ўз-ўзини бошқариш тузилмаларида уларнинг иштирокини таъминловчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар.

Судьяликка номзодлар учун қўйилган талаблар «Судлар тўғрисида»ги Қонунда ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунда белгиланган.

Барча судлар учун судьяликка номзодларга қўйилган универсал талаблар шундан иборатки, улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлишлари ва олий юридик маълумотга эга бўлишлари керак. Конституциявий суд судьялигига номзодларнинг профессионал билими даражасига юқори талаб стандарти белгиланган. Улар шунчаки олий юридик маълумотга эга бўлиб қолмай, балки сиёсат ва ҳуқуқ соҳасида мутахассис бўлиши, юксак маънавий фазилатга ва зарур малакага эга бўлишлари керак (Ўзбекистон Республикасининг «Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонун, 12-модда).

Номзодларнинг ёшига, уларнинг мутахассислик бўйича иш тажрибасига қўйилган талабларга келсак, улар турли бўғиндаги ва турли тармоқдаги (кичик тизим) судлар учун бир хил эмас. Судларнинг асосий бўғини — умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларига тайинлаш учун номзод 25 ёшга, ўрта бўғин судьяларига 27 ёшга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судига тайинлаш учун эса 30 ёшга тўлган бўлиши керак.

Кўпчилик мамлакатлар конституциялари, шунингдек қонунларида конституциявий судлар судьялигига номзодларга, одатда, оширилган талаблар қўйилган.

Масалан, Германияда Федерал Конституциявий суд аъзоси 40—68 ёшда, Венгрияда 45 ёшдан 70 ёшгача бўлиши керак¹.

Ўзбекистонда Конституциявий суд судьялигига номзодларга нисбатан қонунда ёш цензи белгиланган эмас. Аммо бизнингча, Конституциявий суд судьялигига номзоднинг ёши унга қўйилган бошқа талабларни ҳисобга олганда 25 ёшдан кам бўлмаслиги керак.

Барча судлар судьялигига номзодлар ёшига нисбатан расман юқори чегара қўйилмаган.

¹ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. Проф. Б.А.Страшун тахрири остида. М. Бек. 1996, 639-б.

Юрист ихтисоси бўйича иш стажига қўйилган талаблар ҳам бир хил эмас. Туманлараро, туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьялигига номзодлар юридик ихтисоси бўйича камида уч йил ишлаган бўлиши керак.

Юқори суд инстанциялари судьялигига номзодлар учун ихтисоси бўйича иш стажидан ташқари судья сифатида иш стажига эга бўлиши ҳам тақозо этилади.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьялигига номзод юридик ихтисоси бўйича камида беш йил шу жумладан, қоида тариқасида, камида икки йил судья сифатида иш стажига эга Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьялигига номзод юридик ихтисоси бўйича камида етти йил, шу жумладан, қоида тариқасида, судья сифатида камида беш йил ишлаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши мумкин.

Конституциявий суддан ташқари барча судлар учун қонун билан белгиланган яна бир универсал талаб — судьяликка номзодлар малака имтиҳони топширишлари шарт. Малака имтиҳони топшириш тартиби 2001 йил 7 декабрда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низомда белгиланган.

Ҳарбий суд судьялигига номзодлар учун юқорида таъкидланганлардан ташқари, қонун қўшимча талабларни кўзда тутаяди, жумладан, улар ҳақиқий ҳарбий хизмат ўтаётган ва офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонга эга бўлиши керак.

Одил судловни амалга ошириш чоғида халқ маслаҳатчилари тўла ҳуқуқли судьялар бўлганликлари учун қонун уларга нисбатан ҳам маълум талабларни қўяди.

Масалан «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 62-моддасига мувофиқ йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин, ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунинда ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши мумкин.

Судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласи судьялар корпусини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек «Судлар тўғрисида»ги янги Қонунда «суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди»¹.

¹ Қонун устуворлигида. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақирик VI сессиясидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2001 йил 30 август.

Қонунга мувофиқ судья кадрларнинг дастлабки захираси судлар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар, муассасалар, ташкилотлар, судьяларнинг жамоат бирлашмалари аъзолари тавсиялари асосида судьялар малака ҳайъатлари томонидан ташкил этилади.

Судья кадрлар захирасини шакллантириш билан боғлиқ барча материалларни бошланғич босқичида кўриб чиқиш малака ҳайъатлари томонидан амалга оширилади. Судьяларнинг малака ҳайъатлари номзодларни яхши тайёргарликка эга бўлган, юқори маънавияти юрестлар орасидан танлаб олади.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари номзодни судьялар захирасига киритиш учун шахсан суҳбатлашиш, малака имтиҳони олиш, тақдим этилган материалларни ўрганиш йўли билан профессионал жиҳатдан лаёқати, ахлоқий ва ишчанлик сифатлари, билим даражаси, дунёқараши аниқланади.

Судьялар малака ҳайъати малака имтиҳони натижалари бўйича судьяликка номзодни захирага киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Судьяликка номзодлар захирасига киритилмаганлар бир йилдан кейин тегишли ариза билан такроран мурожаат қилишлари мумкин.

Судьялик лавозими бўшаб қолган тақдирда малака ҳайъати захирада турганлар орасидан муқобил асосда судьялик лавозимига номзод масаласини кўриб чиқади, бунда судларнинг ихтисослашувини эътиборга олган ҳолда малака имтиҳони ўтказилади, номзоднинг меҳнат фаолияти, шахсий сифатлари ва дунёқараши ҳисобга олинади.

Мўлжалланган судьялик лавозимига ушбу шахсларнинг мувофиқ келиши ёки келмаслиги ва уларни тайинлаш мумкинлиги тўғрисидаги судьялар малака ҳайъатининг ҳулосаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьялик лавозимига танлаш ва тавсия қилиш бўйича Олий малака комиссиясига юборилади. Мазкур комиссия судьялар, Олий Мажлис депутатлари, юрист-олимлар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ва нодавлат ташкилотлари вакилларида таркиб топган бўлиб, судьяликка номзоднинг тайёргарлик даражасини ҳар томонлама баҳолаш имкониятини беради.

Шундай қилиб, судья кадрларни танлаш ва тайинлаш бўйича ташкил этилган тизим суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини, судьялик лавозимига тайинлашда холисликни таъминлайди.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ номзодларга судьялик ваколатини бериш икки хил тарзда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномаси-

га биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан хўжалик судлари судьялари эса, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Номзодга судьялик ваколатини беришдаги сўнги акт — бу қасамёд қилиш ҳисобланади, чунки қонун бўйича мазкур маросимни амалга оширмай туриб, судья ўз вазифаларини ижро этишга кириша олмайди.

Судья Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи олдида тантанали тарзда «Судлар тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилган қуйидаги қасамёдни қабул қилади:

«Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, ҳолис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан».

Конституциявий суд судьялари қасамёдининг матни «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ҳамда Конституцияга садоқат ва республикада конституциявий тузумни ҳимоя қилишга тайёрлиги тўғрисидаги сўзлар билан тўлдирилган.

Ўзбекистон Республикасида барча судлар судьялари учун Конституцияда (107-модда) умумий ва ягона ваколат муддати беш йил белгиланган.

Жаҳон амалиётида судьяларнинг ваколат муддати тўғрисидаги масалага ёндашув турлича. Бу масала ўта муҳим, чунки у судьялар мустақиллигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ. Бир қатор мамлакатларда судьялар умрбод, яъни қонунда белгиланган пенсия ёшига етгунга қадар (Буюк Британия, Греция, Канада, Франция, ГФР ва бошқалар) тайинланади (сайланади), бошқа давлатларда (Япония, Швейцария, АҚШнинг бир қатор штатларида) судьялар уларнинг мустақиллигини таъминлаш имкониятини берадиган анча узоқ муддатга тайинланади (сайланади).

Мустақил ва ҳолис одил судловни амалга ошириш ғояси жуда қадим замонларда пайдо бўлган, бу ғоя демократик ҳуқуқий давлатнинг, инсон ҳуқуқлари қонунининг негизини ташкил этган, ўзини жабр-зулмдан доимо муҳофаза қилиш имконияти яратилган давлатнинг асосини ташкил этганлиги учун ҳам бугунги кунда айниқса жуда муҳимдир. Шунинг учун ҳам судлар ва судьялар мустақиллиги ҳанузгача ўз долзарблигини йўқотган эмас.

Одил судловнинг мустақиллиги ва ҳолислиги беназир бойлик эканлигини эътироф этиб ва бошқа халқаро ҳужжатлардаги қоидалар ва миллий конституцияларни умумлаштириб, БМТ Бош Ассамблеяси 1985 йил 29 ноябрда суд ҳокимиятининг ўзига хос конституцияси бўлиб қолган «Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари» номли ҳужжатни маъқуллади.

Жумладан, бу ҳужжатда шундай дейилган: «Суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланади ва мамлакат конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланади. Барча давлат муассасалари ва бошқа муассасалар суд органларини ҳурмат қилиши ва унинг мустақиллигини тан олишга мажбур. Суд органлари ўзларига берилган ишларни ҳолисона, фактлар асосида ва қонунга мувофиқ, ҳеч бир чекловларсиз, ноқонуний таъсирга, босимларга, таҳдидларга ёки ким томонидан ва қандай сабаб билан бўлмасин, бевосита ёки билвосита аралашувларга берилмаган ҳолда ҳал қилади»¹. Одил судлов жараёнига ғайриқонуний ва руҳсат этилмаган аралашувга йўл қўйиб бўлмайди.

Фақат мустақил суд ҳокимияти ҳар қандай фуқаронинг бузилган ҳуқуқи лаёқатли, ҳолис ва ошқора судда кўриб чиқилишига кафолат бериши мумкин.

Мустақил суд тўғрисидаги талаб — ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи демакдир. Бу ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 10-моддасида ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа ҳужжатларида мустаҳкамланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси уларга кўшилган.

Мустақил ва ҳолис судларсиз суд ҳокимиятини тасаввур қилиб ҳам, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиб ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунида бу принципни таъминлаш кафолатланган. Бундай кафолатларга, жумладан, қуйидагилар киради: судьяларни сайлаш, тайинлаш ва озод қилиш тартибининг қонунда белгиланиши; уларнинг дахлсизлиги, одил судлов жараёнини амалга оширишнинг қатъий тартиби; қарор қабул қилишда судьялар маслаҳатининг сир сақланиши, уни ошқор қилишни талаб қилишнинг тақиқланиши, судга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик ёки ўзи истаган

¹ Каранг: Международные акты о правах человека. Сборник документов. М. Группа Норма—Инфра. М.; 1999. 169-б.

қарорни чиқариш мақсадида унинг ишига аралashiш, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарликнинг белгиланиши ва бошқалар. Жиноят кодексига одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисида алоҳида боб мавжуд (230—241-моддалар).

Судьялар мустақиллиги кафолатлари орасида «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 67-моддасида мустақамланган одил судловни амалга оширишнинг қатъий тартиби кўзда тутилган. Бундай тартиб қонун билан жорий этилган бўлиб, улар процессуал қонунлар деб номланади. Фуқаролик процессуал, Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал кодекслари, шунингдек Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекслар шулар жумласидандир. Бу қонун ҳужжатларида судлар иш кўриш жараёнида амалга оширадиган барча ҳаракатлар тўла баён этиб берилган. Бундай қоидалар ичида бевосита ёки билвосита судьялар мустақиллигини таъминлашга қаратилганлари анчагина. Процессуал қонунларда таъкидланганидек, суд қарори (фуқаролик ёки жиноят ишлари бўйича) муҳокама этиладиган ва қабул қилинадиган маслаҳат хонасида мазкур ишни кўришга ваколатли судьялардан ташқари ҳеч ким бўлмаслиги керак. Бу хонада бўладиган ҳамма гаплар сир сақланиши шарт. Бу нарса уларга судьялар ишига алоқадор барча масалалар муҳокамаси ва ўзлари қабул қилишни хоҳлаган қарор бўйича эркин ва ҳеч кимдан ҳадиксирамай фикр билдира олиш имкониятини яратади. Маслаҳат хонаси сирининг ошқор этилиши қабул қилинган қарорнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ва унинг бекор қилиниши учун етарли асос ҳисобланади.

Судьялар мустақиллигини таъминловчи муҳим воситалар жумласига унинг шахси, турар жойи, хизмат хонаси, у фойдаланаётган транспорт ва алоқа воситалари, хат-хабарлар, мулклари ва ҳужжатлари дахлсизлигининг кафолатланиши ҳам қиради.

Судьяларнинг шахсий ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий хўжалик суди раиси, Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд Раиси қарорига биноан ички ишлар органи томонидан судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчи ажратилади.

Қонунда судьяларни жиноий жавобгарликка тортишнинг алоҳида тартиби белгиланган. Жумладан, судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Судья Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши ёки ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортига кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, унинг телефон оркали сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек унинг хат-хабарларини, унга тегишли буюмлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг рухсати ёки суд қарори билан йўл қўйилади.

Туманлараро, туман (шаҳар) суди, округ ва ҳудудий ҳарбий суд судьяларига нисбатан жиноят иши юқори турувчи суд судловига, бошқа судлар судьяларига нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишлидир.

Судьялар шунингдек, тегишли судьялар малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Халқ маслаҳатчилари судда ўз вазифаларини бажараётган даврда судьяларга берилган барча дахлсизлик қафолатлари уларга ҳам тегишлидир.

Судьялар ваколатини тўхтатиш ёки тугатиш қондаси судьяни у ёки бу мансабдор шахс ёки органнинг «ноқулай», «гапга тушунмайдиган» судьядан қутулиш ниятида ўзбошимчалик билан чиқарадиган қарорларидан муҳофаза қилади.

Ваколатни тўхтатиш — бу судьяларни ўз вазифасини бажаришдан вақтинча четлатиш демакдир. Қонунчилик бундай четлатиш мумкин бўлган ҳолларнинг аниқ ва мукамал рўйхатини келтиради. Бунга кўра, агар судья ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланса; судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган ёки суд қарори билан унинг муомала лаёқати чекланган бўлса; судья суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилган бўлса, унинг ваколати тўхтатилади. Судьянинг ваколатлари мазкур ваколатларни тўхтатишга сабаб бўлган асослар бекор бўлгунга қадар тўхтатилади.

Судьялик ваколатининг тўхтатилиши фақат судьянинг вақтинча ўз вазифасини бажара олмаслигини англатади. Аммо бу уни дахлсизлик қафолатларидан маҳрум қилишга, унинг моддий таъминотининг камайишига сабаб бўлмайди ва, одатда, иш ҳақи ва меҳнати эвазига тўланадиган бошқа ҳақларини олишига тўсиқ бўла олмайди.

Ваколатини тўхтатишга сабаб бўлган асослар (соғайиш, реабилитация қилиниши муносабати билан жиноят ишининг тугатилиши, судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланишдан воз кечиши ва бошқалар) барҳам топгач судья ўз вазифасини бажаришни давом эттиради.

Судьялик ваколатини тиклаш ҳақидаги қарор унинг ваколатини тўхтатган судьялар малака ҳайъати томонидан чиқарилади.

Судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш — судьянинг мансаб вазифасини ижро этишдан бутунлай четлатишдир. Бунинг учун ҳам қонунда аниқ асослар рўйхати белгиланган. Унга кўра:

судья қасамёдини бузган тақдирда;
ёзма ариза билан мурожаат қилганда;

судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан огоҳлантирилганидан ёки ваколатлари тўхтатилганидан кейин ҳам у судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттираверганда;

суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;
Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;
унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

суд қарори билан вафот этган, деб эълон қилинган тақдирда;
соғлиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра узоқ вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда.

Қоидага кўра, судьянинг ваколатларини тўхтатиш ёки муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги масала судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан ҳал қилинади. Конституциявий суд судьялари учун бу масала бошқача ҳал этилади: судьянинг ваколатини тўхтатиш Конституциявий суднинг ўзи томонидан, тугатиш эса, Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Судьялар мустақиллигининг қафолатларидан бири — одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлиги учун, суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун, шунингдек хизмат борасидаги ёки обрўсига путур етказадиган бошқа хатти-ҳаракатлари учун судьяни интизомий жавобгарликка тортишнинг алоҳида тартиби белгиланганидир.

Судья интизомий жавобгарликка фақат судьяларнинг малака ҳайъати қарорига биноан тортилиши мумкин. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, суд қарорини чиқаришда қатнашган судьянинг, агар у атайлаб қонун бузилишига ёки жиддий оқибатларга олиб келган виждонсизликка йўл қўймаган бўлса, жавобгар бўлишига сабаб бўла олмайди.

Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган низом билан белгиланади.

Судьяларнинг юқори мақомига муносиб уларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти — судьялар мустақиллигини таъминлашда катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам «Судлар тўғрисида»ги Қонунда бу масала махсус тартибга солинган. Жумладан, Қонуннинг 76-моддасида, судьяларнинг ҳаёти ва соғлиги давлатнинг махсус муҳофазасида бўлади ва республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилинади деб, алоҳида таъкидланган.

Қонуннинг мазкур нормасига кўра, судья ишлаётган даврида ҳалок бўлса (вафот этса), хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан тан жароҳати ёки соғлигининг бошқача шикастланиши рўй берган бўлса, судья ўз хизмат вазифасини бажариши муносабати билан унга тегишли мол-мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида зарар етказилса, катта миқдорда суғурта маблағи тўлаш кўзда тутилган.

Юқорида батафсил келтириб ўтилган судьялар мустақиллигини таъминлаш кафолатлари судлар фаолиятини ташкил этишнинг ушбу жиҳатларига давлат жуда жиддий аҳамият бераётганлигидан далолат беради. Аммо бу соҳада қилинаётган ва қилиниши зарур бўлган ҳаракатлар фақат юқоридагилар билан чекланиб қолмайди, деб ўйлаймиз.

VI. ХУСУСИЙ МУЛК ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Бозор муносабатлари қарор топаётган бир шароитда давлат хусусий мулк ва тадбиркорлик тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиши зарур. Жамиятда мулкка нисбатан ҳурмат ва унинг дахлсизлигини таъминлаш муҳитини вужудга келтириш керак. Хусусий мулк ҳуқуқи — мутлақ берилган ҳуқуқдир. Бу дегани, фақат мулкдор ўз мулкининг ягона эгасидир. Шу муносабат билан ҳамма жойда бир нарсани эътироф этиш керакки, жамият бировнинг уйига бостириб кирган ўғрига қандай баҳо берса, хусусий мулкка нисбатан ҳар қандай асосиз тажовузга ҳам худди шундай ахлоқсизлик ва жиноят деб баҳоланиши керак.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқида жамият ҳаётини либераллаштириш, тадбиркорлар мустақиллигини таъминлаш тўғрисида гапириб, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва назоратчи органлари барча раҳбарларини шахсан жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириб, тадбиркорлар фаолиятига давлат органлари томонидан асосиз аралашувни тўхтатишни талаб қилди. Республикада кенг тарқалган маъмурий рэкет тадбиркорларга таҳдид қила бошлаганди, у жамият учун ўта хатарли бўлиб, бинобарин, у иқтисодий ислохотлар йўлидаги барча ташаббуслар илдизига болта уради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сонли қарорига кўра Адлия вазирлиги зиммасига ўта масъулиятли вазифа юклатилди:

— барча вазирликлар, идоралар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, бошқармалар, муассасалар, мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлар ҳуқуқига риоя қилинишига оид қонунларнинг оғишмай бажарилиши юзасидан текшириш ўтказиш;

— аниқланган қонунбузарликни, қонун бузилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатилган органлар раҳбарларига белгиланган муддатда ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

— кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқини бузадиган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари хатти-ҳаракатлари ва қарорларини тўхтатиш;

— тадбиркорлар ва хусусий мулк эгалари ҳуқуқига риоя қилиш бўйича қонунларни бузишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида мансабдор шахсларни ёзма тарзда огоҳлантириб қўйиш;

— тадбиркорлар ва хусусий мулк эгалари ҳуқуқи ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судларга, шу жумладан хўжалик судларига мурожаат қилиш.

Президент И.А.Каримов кўрсатмалари ва ҳукуматнинг юқорида тилга олинган қарорини ижро эта бориб, Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари кейинги йилларда анчагина ишларни амалга оширдилар. Жумладан, республиканинг барча минтақаларида мулкдорлар ва тадбиркорлар ҳуқуқига риоя қилиш бўйича қонунлар бажарилиши текширилди, 190 минг ҳолат бўйича уларнинг ҳуқуқлари чекланганлиги аниқланди ва унинг оқибатларини бартараф этиш чоралари кўрилди, тегишли давлат органларига тақдимномалар киритилди, назорат олиб борадиган мансабдор шахслар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари хатти-ҳаракатлари ва қарорлари тўхтатилди, тадбиркорлар ва мулк эгалари ҳуқуқини бузишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилди. Масалан, 2001 йил апрель ойида Адлия вазирлиги ходимлари томонидан фақат Навоий вилоятида 23 мингдан зиёд тадбиркорлар ҳуқуқи ноқонуний чекланганлиги, шу жумладан, 142 қонунсиз текшириш ўтказилганлиги аниқланди.

Адлия вазирлиги органлари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқини тиклаш, уларга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиш кенг қўлланила бошланди. Масалан, 2000 йилда шундай аризаларга кўра судлар томонидан мансабдор шахслар маблағи ҳисобидан 90 млн сўм ундирилди. Деярли барча даъволар қаноатлантирилиб, фуқаролик ишлари бўйича судга киритилган 950 аризадан фақат 12 таси рад этилган.

Адлия вазирлигига тадбиркордан тушган ҳар бир шикоят назоратга олинад ва жойларга бориб ўрганилади. Вазирликда ва унинг ҳудудий бўлинмаларида «ишонч телефони» ишлаб турибди. Уларга келиб тушган 2450 аризанинг деярли ярми асосли деб топилди ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, қабул қилинган 796 ахборотдан ҳар тўртинчиси асосли деб эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармони билан қатъий ман этилганлигига қарамай фермерлар ва бошқа тадбиркорлар маблағлари ҳокимият томонидан турли тадбирлар ўтказишга, маъмурий бинолар қурилиши ва таъмирлашга ҳамда турлича жамғармалар тузишга жалб этилиши ҳоллари ҳали тўлиқ бартараф этилмаган. Бундай ишлар кўпинча тадбиркорларнинг ҳақиқий розилиги олинмай, ўзбошимчалик билан амалга оширилади, бу эса, хусусий мулкка тажовуздан бошқа нарса эмас.

Ҳокимият томонидан тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тар-

тибини бузиш, қўшимча ҳужжатлар талаб қилиш, улар фаолияти муддатини чегаралаб қўйиш, бюрократик сансалорлик кўринишидаги 16070 ҳолат аниқланди; тадбиркорнинг пули ва мулкига қонунсиз эгаллик қилишга оид 2316 факт аниқланди; кераксиз ҳужжатларни талаб қилиш, турли идоралардан кераксиз имзоларни йиғиб келиш сингари 200 ҳолатда қарз бериш қоидалари ва тартиби бузилган таъмагирликлар учради. 1452 факт бўйича тадбиркорларни қонунсиз маъмурий жавобгарликка тортиш аниқланди; шунингдек, 88 минг ҳолатда шартномавий-ҳуқуқий тусдаги қонунбузарлик содир этилган, 78 мингта бошқа иқтисодий қонунларни бузиш рўй берган.

Адлия вазирлиги ишлаб чиққан ва 2000 йил апрель ойдан бери амалда бўлган рўйхатга олиш ва текшириш дафтари юритилмоқда, унинг 100 мингтаси аллақачон тадбиркорларга тарқатилган. Адлия органлари ходимлари мамлакатнинг барча ҳудудларида мазкур дафтарни юритиш бўйича тушунтириш ишлари олиб бормоқда, натижа ғоят самарали ва ибратли бўлди. Социологик тадқиқотлар кўрсатадики, уч юз тадбиркор текшириш дафтарини йил бўйи бир мартадан тақдим этганларида текширувчилар текширишдан бош тортганлар, 30 тадбиркор 2 марта, 18 тадбиркор 3-5 марта, 7 тадбиркор 10 марта тақдим қилганлар. Ҳамма ҳолларда ҳам амалда текшириш ўтказилмаган.

VII. ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШДА СУДЛАРНИНГ РОЛИ

Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни шакллантириш муаммоси шахс маданияти ва онгининг ажралмас қисми сифатида ҳар бир жамиятда долзарб бўлиб келган. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, мазкур муаммо жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлаётган бир шароитда, айниқса, катта аҳамият касб этади. Республика халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатида жаҳон ҳамжамятига жадал интеграциялашаётган бугунги кунда мазкур муаммо стратегик вазифа даражасига кўтарилади.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастурида шундай дейилган: «Ҳуқуқий маданият — умумий маданиятнинг ажралмас қисми. Одамлар онгида ҳуқуқий билимларни эгаллаган ва уларни ҳаётга жорий эта оладиганларгина маданиятли ва маълумотли бўлиши мумкин, деган тушунча чуқур ўрнашиб олиши керак».

Мазкур ижтимоий муносабатлар соҳасида ҳақиқий мустақилликка эришилиши муносабати билан катта ишлар амалга оширилди: ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда стратегик устуворлик белгиланди; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқий маърифатни тарғиб қилиш ва аҳолини ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлаш бўйича Марказ ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва бошқаларга мувофиқ республика ҳуқуқий тизимида барқарор қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий асос яратилди. Турли ижтимоий гуруҳларни ҳуқуқий тарбиялаш масаласи давлат даражасига кўтарилди. Мамлакатда ҳуқуқий маданият даражаси, аҳолининг ҳуқуқий онги ошмоқда, юрист кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилмоқда.

Шу билан бирга очиқ-ойдин кўриниб турибдики, шахснинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини шакллантириш вазифасини фақат иқтисодий ва моддий-молиявий қўллаб-қувватлаш ёки фақат юрист педагоглар саъй-ҳаракатлари билан ҳал қилиб бўлмайди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бунда барча куч, воситалар ва таркиб топган тарбиявий тизим механизмидан самарали фойдаланиш зарур. Буларга кадрлар малакасини ошириш органлари тизими, Олий ва халқ таълими органлари, маданий-маърифий муассасалар, оммавий ахборот воситалари, адабиёт ва санъ-

ат, ўз-ўзини бошқарув органлари, айниқса, суд органлари тизими киради.

Хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида шахс хуқуқий маданиятини ва хуқуқий онгини шакллантириш алоҳида таъсирчанлик ва долзарблик касб этмоқда. Қонунларни амалиётга жорий этиш шуни яққол кўрсатадики, кўпчилик хуқуқбузарликлар, шу жумладан, фуқаролар хуқуқи ва қонуний манфаати мансабдор шахслар томонидан бузилаётганлиги ҳоллари аҳолининг ўз хуқуқини яхши билмаслиги, хуқуқий маданият ва хуқуқий онг даражаси пастлиги сабабли содир этилмоқда. Мазкур муаммони ҳал этишда суд органларининг фаоллигини ошириш зарур. Мазкур масала билан боғлиқ ҳар қандай муаммони судлов органлари ёрдамисиз самарали ҳал этиб бўлмайди.

Хуқуқни муҳофаза қилиш мавзусида ташкил этилган ҳар бир тадбир, шубҳасиз, хуқуқий тарбия элементлари — кишиларнинг хуқуқий билимлар тизимига дахлдорлиги мавжуд. Умумтаълим ва маданий-маърифий муассасаларда ўтказиладиган хуқуқий-тарбиявий ва хуқуқий тарғибот тадбирлари амалда аҳолининг барча тоифаларига мўлжалланган бўлади. Улар зарур хуқуқий ахборот минимуми билан таъминлаш имкониятига эга, айниқса, уларда бу ишларни табақалаштирилган ҳолда ва суд органларининг мунтазам ёрдамида амалга ошириш имкониятлари мавжуд.

Суд органлари ўз вазифаларидан, яъни Республика Конституцияси ва қонунларида белгиланган ва улар қатъий равишда бажариши лозим бўлган, фуқаролар хуқуқлари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ваколат ва функционал мажбуриятларидан ташқари бу ҳам аслида шахснинг хуқуқий маданияти ва хуқуқий онгини шакллантиришда асосий омил бўлсада, аҳолини хуқуқий билимлар билан қуроллантиришда фаол қатнашишлари, умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари муассасаларда суҳбат, баҳс, викторина ва бошқалардан кенг фойдаланишлари зарур.

Хуқуқий тарғибот ишларида суд органларининг роли катта.

Хуқуқий тарбия юридик тажрибани беришдан иборат. Бу мураккаб ва кўпқиррали фаолият тизимидир. Ўзбекистонда унга жуда катта аҳамият берилмоқда. Албатта, республикада фармонлар ва қонунларда баён қилинган давлат ва иқтисодий ислохотларнинг асосий тамойиллари демократик нормалар ва ижтимоий қафолатлар қарор топиши учун зарур хуқуқий асос яратади.

Аммо вазифа ҳозирги шароитга мос қонунларни ишлаб чиқишдан иборатгина эмас, балки уларга оғишмай амал қилишни таъминлашни ҳам талаб этади. Шу муносабат билан шундай хуқуқий тартиб, шундай хуқуқий маданиятга эришиш керакки,

бунда қонунга амал қилиш ҳамма учун мажбурий бўлиб, — уни бузишга мутлақо йўл қўйилмаслиги керак. Бинобарин, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни муваффақиятли ҳаётга жорий этиш янгича ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ. Маълумки, ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони ва, ҳаттоки, унинг сифати билан эмас, балки уни оширмай ҳаётга жорий қилиш билан белгиланади. Ахир, энг пишиқ ва пухта қонун ҳам амалда ўз ифодасини топмаса, ҳеч нарсага арзимаёй қолаверади. Ш.Монтескье шундай деб ёзган эди: «Мен бирор мамлакатга борсам, у ерда яхши қонунлар мавжудлиги билан эмас, аксинча, қонунларга қандай итоат этилаётганлиги билан қизиқаман, чунки, яхши қонунлар ҳамма жойда бор».

Бу борада ҳам энг бош ролни суд органлари ўйнайдилар. Судьялар бевосита аҳоли ишлаётган, ўқиётган, яшаб турган жойда улар билан ишлашлари, қонун бўйича нималар мумкин, нималар мумкин эмаслигини тушунтиришлари, умумтаълим мактабларида, олий ўқув юртларида, ташкилотларда, маҳаллаларда ҳуқуқий таълим беришлари керак, яъни амалда гап суд органлари вакиллари иштирокида аҳолига ҳуқуқдан умумий таълим бериш устида бормоқда. Аммо суд органлари ўзларининг бевосита вазифаларини унутмасликлари, юқори даражада ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг эгаси эканликларини кўрсатишлари лозим, бинобарин, уларнинг хатти-ҳаракатлари аҳолининг барча қатламлари учун намуна ҳисобланади.

Ҳар бир одам ўзлаштириб олиши шарт бўлган муҳим сабоқ — қонун бўйича яшашга ва меҳнат қилишга, қонун воситасида ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, ўз бурчини оширмай бажаришга ўрганиши керак. Бошқа одамлар ҳуқуқи, эркинликлари, манфаатларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишга ҳам ўрганиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, қонун ҳокимияти тантана қилиши зарур.

ХУЛОСА

Китоб мазмуни билан яқиндан танишган одам мамлакатда суд ҳуқуқ соҳасида ўтказилаётган ўзгаришлар кўлами, мавжуд суд тизими таркиби, уни ислоҳ этиш босқичлари ҳақида, судьялар мақоми ҳамда улар мустақиллигининг кафолатлари тўғрисида етарли тушунчага эга бўлади.

Китобда жамият ва давлатнинг демократик, мустақил суд ҳокимиятини вужудга келтириш, судларни жазоловчи органдан оддий кишилар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлантиришга қаратилган изчил саъй-ҳаракатларини ёритишга кенг ўрин берилган.

Масаланинг яна бир муҳим томони суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш бўлиб, бу ерда нафақат ҳуқуқий ва моддий кафолатлар, балки мафкуравий кафолат ҳам долзарб ҳисобланади. Давлат ва жамиятда шундай маънавий-руҳий муҳит яратиш керакки, бунда суднинг обрўи ва мустақиллигига қилинган ҳар қандай тажовуз, уни ким томонидан содир этилишидан қатъи назар, ахлоқсизлик деб ҳисобланиши керак. Бунга эса, нафақат фуқароларга, балки турли даражадаги мансабдор шахсларга ҳам тарбиявий таъсир этиш билангина эришиш мумкин. Судни камситишга ёки унинг нуфузига путур етказишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракат жамоатчилик томонидан қораланиши керак.

Бугунги куннинг асосий вазифаси — суд ислоҳотида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва уни давом эттириш, айниқса фуқаролар учун одил судлов эшикларини кенгроқ очиб, суд ишларини юритишни жадаллаштириш имкониятларини излаб топишдан иборат.

Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида давлатимиз раҳбари суд тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳида аҳамият бериб, шундай деган эди: «Шубҳасиз, ҳаётимиздаги барча тармоқ ва жараёнларда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар қаторида ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам жорий қилинаётган ислоҳотлар ўзининг самараси ва натижасини бера бошлади. Энг муҳими, бу ислоҳотлар ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилишининг демократик ўзгаришлар йўлида босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлади.

Лекин, шу билан бирга, шуни таъкидлашимиз зарурки, ижтимоий тараққиёт одимлари, жамиятимизда рўй бераётган, узокни кўзлаб амалга оширилаётган демократик жараёнлар суд-ҳуқуқ тизимига жорий қилинаётган ислоҳотларни танқидий баҳолаб, уларни янада чуқурлаштиришни ва қатъиятлик билан олиб боришни талаб этмоқда».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ*

[Кўчирма]

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУД ҲОКИМИЯТИ

106-модда. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

107-модда. Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва ҳўжалик судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

108-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан — Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақил-дирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунадилар.

109-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

1) қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат қарорларининг, давлат

*Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги 723-ХП-сон Қонуни билан тасдиқланган ва 1992 йил 8 декабрдан кучга киритилган.

ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

110-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди — фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва республиканинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, шаҳар ва туман судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

111-модда. Мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

112-модда. Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари ва аъзолари Олий Мажлиснинг депутати бўлолмайдилар.

Судьялар, шу жумладан туман судьялари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

113-модда. Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

114-модда. Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

115-модда. Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юриш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

116-модда. Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ТЎҒРИСИДА*

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,
1995 йил, 9-сон, 178-модда)

I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўрадиган суд ҳокимияти органи ҳисобланади.

Конституциявий суд:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномалар билан олган ва бошқа мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан ўзининг ваколатлари доирасида киритилган бошқа ишларни кўриб чиқади.

Конституциявий суд фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига амал қилган ҳолда ишларни ҳал этади ва хулосалар беради.

2-модда. Конституциявий судни сайлаш

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Олий Мажлис томонидан суд Раиси, Раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикасидан сайланадиган судья-

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августдаги 104-1-сон қарори билан тасдиқланган ва 1995 йил 12 сентябрдан қучга киритилган.

ни қўшган ҳолда Конституциявий суднинг беш аъзосидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг ҳар бир судьяси якка тартибда сайланади. Олий Мажлис депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

Конституциявий суд таркибидан камида тўрт киши сайланган тақдирда суд ўз фаолиятини бошлашга ҳақлидир.

Судья Конституциявий суд таркибидан чиқиб кетган тақдирда Олий Мажлис ушбу моддада белгиланган тартибда бошқа шахсни сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 97-моддасига биноан ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллайди.

3-модда. Конституциявий суднинг ваколат муддати

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига мувофиқ Конституциявий суд беш йил муддатга сайланади.

Конституциявий суд доимий ишлайдиган органдир.

Конституциявий суднинг мажлислари заруратга қараб ўтказилади.

4-модда. Конституциявий суд фаолиятининг асосий принциплари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига содиқлик, мустақиллик, коллегиаллик, ошкоралик ва судьялар ҳуқуқларининг тенглиги Конституциявий суд фаолиятининг асосий принципларидир.

5-модда. Конституциявий суднинг мустақиллиги

Конституциявий суд ҳамда унинг судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунадилар.

Конституциявий суднинг судьялари қарор қабул қилар эканлар, амалий мақсадга мувофиқлик мулоҳазалари, сиёсий мойиллигидан ва бошқа ташқи таъсирлардан ҳоли бўлган ўз ҳуқуқий нуқтаи назарларини ифодалайдилар.

Конституциявий суднинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашшиш қонунга биноан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

6-модда. Коллегиаллик

Конституциявий судда ишларни қараб чиқиш ва қарорлар қабул

қилиш камида тўрт судьядан иборат таркибда коллегиял амалга оширилади.

7-модда. Ошкоралик

Конституциявий суднинг мажлислари қоида тарзида, очик ўтказилади.

8-модда. Конституциявий суд судьялари ҳуқуқларининг тенглиги

Конституциявий суд томонидан масалаларни қараб чиқиш ва қараб чиқилаётган масалалар бўйича овоз беришда Раис, Раис ўринбосари ва Конституциявий суднинг аъзолари судьялар сифатида тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

9-модда. Конституциявий суд қарорлари ва талабларининг мажбурийлиги

Конституциявий суднинг қарорлари барча давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Конституциявий суднинг норматив ва бошқа ҳужжатларни, уларнинг нусхаларини тақдим этиш тўғрисидаги, қараб чиқилаётган масалалар юзасидан тушунтириш ва маслаҳатлар бериш хусусидаги талаблари улар юборилган органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

10-модда. Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ Конституциявий суд Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга.

11-модда. Конституциявий суднинг фаолият тартиби

Конституциявий суднинг фаолият тартиби унинг Регламенти билан белгиланади.

II. КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД СУДЬЯЛАРИНИНГ МАҚОМИ

12-модда. Конституциявий суднинг судьяси лавозимига номзод олдига қўйиладиган талаблар

Сиёсий ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари бўлган, юксак маънавий фазилатли ва зарур малакали Ўзбекистон Республикаси фу-

қароси Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин.

13-модда. Конституциявий суд судьясининг қасамёди

Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланган шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қилади:

«Конституциявий суднинг судьяси вазифаларини ҳалол ва виждонан бажаришга, конституциявий тузумни ҳимоя қилишга, бунда фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунишга тантанали қасамёд қиламан».

Конституциявий суднинг судьяларини Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилдиради.

14-модда. Конституциявий суднинг судьяси вазифаси билан бир вақтда шуғулланиб бўлмайдиган фаолиятлар

Конституциявий суднинг судьяси вазифаларини бажарган вақтда депутатлик мандатига эга бўлиш, сиёсий партияларга ва ҳаракатларга аъзолик, ҳақ тўланадиган бошқа лавозимни эгаллаш мумкин эмас.

15-модда. Конституциявий суд судьясини алмаштириб бўлмаслиги

Конституциявий суднинг судьяси ўз ваколатлари даврида алмаштирилмайди. Судьянинг ваколатлари ушбу қонунда белгиланган тартиб ҳамда асослардан ўзга тарзда тугатилиши ёки тўхтатилиши мумкин эмас.

16-модда. Конституциявий суд судьясининг дахлсизлиги

Конституциявий суднинг судьяси Олий Мажлиснинг розилигисиз, сессиялар ўртасидаги даврда эса Олий Мажлис Кенгашининг розилигисиз жиной жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки унга суд томонидан маъмурий жазо чоралари берилиши мумкин эмас.

Конституциявий суднинг судьясига нисбатан жиной иш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Конституциявий суд судьясини мажбурий келтириш, ушлаб туриш, худди шунингдек шахсий ашёлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат биносини қўздан кечириш мумкин эмас.

17-модда. Конституциявий суд судьясининг ваколатларини тўхтатиш

Конституциявий суд судьясининг ваколатлари куйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

у жиноий жавобгарликка тортилганида;

у судья лавозимига тўғри келмайдиган фаолият билан шуғулланганида;

суднинг қонуний кучга кирган қарори билан у бедарак йўқолган деб ҳисобланганида.

Судьянинг ваколатларини тўхтатиш, судьяни эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш ҳолларини истисно этганда, унга иш ҳақи тўлашнинг тўхтатилишига сабаб бўлмайди ва уни ушбу қонунда белгиланган дахлсизлик кафолатларидан маҳрум этмайди.

18-модда. Конституциявий суд судьясининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

Конституциявий суд судьясининг ваколатлари куйидаги ҳолларда Олий Мажлис қарори билан муддатидан илгари тугатилади:

у судьялик қасамёдини бузганда;

у истеъфога чиқиш тўғрисида илтимос қилганида;

унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми мавжуд бўлса;

судья огоҳлантирилганидан ёки унинг ваколатлари тўхтатилганидан кейин ҳам ўз вазифасига тўғри келмайдиган фаолиятни давом эттирганида;

тиббий комиссиянинг хулосасига кўра судья узоқ давом этадиган касалликка учраган бўлса;

у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганида.

III. КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДДА ИШ ЮРИТИШНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

19-модда. Конституциявий судга масалаларни киритиш ҳуқуқи

Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис депутатлари умумий таркибининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси ва Бош прокурор Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эгадир-

лар. Масала Конституциявий суднинг камида уч судьяси ташаббуси билан ҳам киритилиши мумкин.

20-модда. Конституциявий судда масалаларни кўриб чиқиш муддатлари

Агар олинган материаллар қўйилаётган талабларга жавоб берса, Конституциявий суд улар олинган кундан эътиборан етти кунлик муддатдан кечиктирмай масалани ўрганиб чиқишга киришади.

Конституциявий судда тегишли материал олинган пайдан бошлаб кечи билан уч ой ичида кўриб чиқиладиган масала юзасидан қарор қабул қилинади.

21-модда. Конституциявий суд мажлисининг қатнашчилари

Конституциявий суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари, Бош вазир, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Адлия вазири қатнашишлари мумкин. Улар кўриб чиқиладиган барча масалалар юзасидан ўз фикрларини баён этишга ҳақлидирлар.

22-модда. Судлов тили

Конституциявий судда иш юритиш Ўзбекистон Республикаси давлат тилида амалга оширилади.

Давлат тилини билмайдиган мажлис қатнашчилари ўз она тилида сўзга чиқишлари ва тушунтиришлар беришлари ҳамда таржимон хизматидан фойдаланишлари мумкин.

23-модда. Конституциявий суднинг мажлисига чақириш

Конституциявий суднинг мажлисига зарур маълумот ёки материалларга эга шахслар, экспертлар ва мутахассислар чақирилиши мумкин.

24-модда. Экспертлар, мутахассислар ва таржимонларнинг харажатларини тўлаш

Конституциявий судда ишларни кўриш муносабати билан жалб этилган экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга қонун ҳужжатларига мувофиқ харажатлар ва ҳақ тўланади.

25-модда. Конституциявий суднинг тўхтамга келиши

Конституциявий суд конституциявийлиги шубҳа туғдирган кўриб чиқиладиган аниқ масалалар юзасидангина тўхтамга келади.

Конституциявий суд норматив ҳужжатнинг конституциявийлигини текшириб, бир вақтнинг ўзида текширилган норматив ҳужжатга асосланган ёхуд унинг қоидаларини такрорлайдиган норматив ҳужжатлар хусусида ҳам, гарчи Конституциявий суд қараб чиқиши учун киритилган масалада улар хусусида сўз юритилмаган бўлсада, тўхтамга келиши мумкин.

Конституциявий суднинг тўхтами очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Судья овоз беришда бетараф қолишга ёки қатнашмасликка ҳақли эмас.

Мажлисида қатнашаётган судьяларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берган бўлса, Конституциявий суднинг тўхтами қабул қилинган деб ҳисобланади. Овозлар тенг бўлиниб қолган тақдирда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Конституциявий суднинг тўхтамига қўшилмаган Конституциявий суднинг судьяси ўз фикрини ёзма тарзда баён қилиш ва уни Конституциявий суд мажлиси баёнига қўшиб қўйишга ҳақлидир.

26-модда. Конституциявий суд тўхтамлари

Давлатлараро шартноманинг ва норматив ҳужжатнинг конституциявийлиги юзасидан кўриб чиқилган ишнинг моҳияти бўйича Конституциявий суднинг тўхтами қарор деб аталади. Қарорлар Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади.

Бошқа ҳолларда Конституциявий суднинг тўхтами хулоса деб аталади ёки бошқача шаклда ҳам бўлиши мумкин.

27-модда. Конституциявий суд тўхтамларини матбуотда эълон қилиш ва унинг кучга кириши

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари, хулосалари ва бошқа тўхтамлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Конституциявий суднинг тўхтами у матбуотда эълон қилинган пайтидан кучга кирилади.

Конституциявий суднинг тўхтами қатъий ва унинг устидан шикоятга ўрин бўлмайди.

28-модда. Конституциявий суднинг тўхтамларини қайтадан кўриб чиқиш

Конституциявий суднинг тўхтами унинг ўз ташаббуси билан қуйидаги ҳолларда қайтадан кўриб чиқилиши мумкин:

тўхтам қабул қилинган пайтда Конституциявий судга номаълум бўлган янги муҳим ҳолатлар очилса;

тўхтам қабул қилинишига асос бўлган конституциявий норма ўзгарган бўлса;

Конституциявий суд тўхтам белгиланган иш юритиш тартибини бузган ҳолда қабул қилинган деб топса.

IV. КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИГА ДОИР БОШҚА МАСАЛАЛАР

29-модда. Конституциявий суд девони

Конституциявий суднинг фаолият кўрсатишини таъминлаш учун Конституциявий суд девони тузилади. Девон тузилиши ва штатлари ажратилган маблағ доирасида Конституциявий суднинг Раиси томонидан тасдиқланади.

30-модда. Конституциявий суднинг ишини молиявий таъминлаш

Конституциявий суднинг ишини молиявий таъминлаш республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

31-модда. Конституциявий суд судьясига бериладиган йиллик меҳнат таътили

Конституциявий суд судьясига ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътили берилади.

32-модда. Конституциявий суднинг суд ҳокимияти рамзлари

Конституциявий суднинг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нашри бўлади.

Конституциявий суд судьялари судлов ишини махсус кийимда олиб борадилар.

Конституциявий суд судьясига Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайдиган намунадаги гувоҳнома берилади.

33-модда. Конституциявий суднинг муҳри

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1995 йил 30 август,
103-I-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «СУДЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,
2001 йил, 1-2-сон, 10-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., № 10, 367-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., № 9, 193-модда; 1996 й., № 2, 56-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинмоқда).

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2000 йил 14 декабрь,
162-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

СУДЛАР ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Суд тизими

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар

*2001 йил 24 февралдан кучга киритилган.

судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари фаолият кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тоифаларига қараб судларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши мумкин.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби алоҳида қонун билан белгиланади.

2-модда. Суднинг вазифалари

Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

3-модда. Одил судловнинг амалга оширилиши

Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

4-модда. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

5-модда. Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги

Суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

6-модда. Қонун ва суд олдидаги тенглик

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун ва суд олдида

тенгдир. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам қонун ва суд олдида тенгдир.

7-модда. Суд ишларини юритишнинг ошкоралиги

Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

8-модда. Суд ишлари юритиладиган тил

Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

9-модда. Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-харакатларидан (қарорларидан), шунингдек ҳаёти ва соғлиги, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида суд муҳокамасининг барча босқичларида ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги масалалар судлар томонидан кўриладиганда прокурор иштирок этади.

10-модда. Ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш. Айбсизлик презумпцияси

Айбланувчи, судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунга ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунга қадар, айбсиз ҳисобланади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки

инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйикқа дучор этилиши мумкин эмас.

11-модда. Судларнинг фаолиятини ташкилий ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари фаолиятини ташкилий таъминлаш судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi принципларига қатъий риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси томонидан амалга оширилади. Комиссия тўғрисидаги низом белгиланган тартибда тасдиқланади.

Комиссия судьялар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, судьялар малака ҳайъатларининг, жамоат бирлашмаларининг вакилларида ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислардан таркиб топади. Комиссиянинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси зиммасига судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг демократик асосларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, суд кадрларини танлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиғига тавсия этишда қонунийликни таъминлаш, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ва ижтимоий ҳимоя қилинишига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги, низом белгиланган тартибда тасдиқланадиган махсус ваколатли орган:

— судларни моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолияти учун зарур шароитлар яратиш ишларини ташкил қилади;

— суд қарорларини ижро этиш ишларини ташкил қилади.
(тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрь Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 20-модда)

Хўжалик судлари фаолиятини ташкилий ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

12-модда. Қонунчилик ташаббуси

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳужалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

II БЎЛИМ. УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ СУДЛАРИ

1-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида ва назорат тартибида кўради. У ўзи биринчи инстанция сифатида кўрган ишларни апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш) ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг хоҳишига кўра апелляция ёки кассация тартибида кўриши мумкин. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

суд амалиёти ва суд статистикасининг тизимли таҳлилини амалга оширади;

судларнинг кадрлари малакаси оширилишини ташкил қилади.
(тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрь Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 20-модда)

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раис, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, судлов хайъатлари раислари, Ўзбекис-

тон Республикаси Олий суди судьяларидан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда иш олиб боради:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми;
Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати;
Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;
Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати;
Ҳарбий ҳайъат.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми энг юқори судлов инстанцияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси олий судларининг раисларидан иборат таркибда иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлислаарида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қатнашади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Олий ҳўжалик суди раиси, адлия вазири, судьялар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкин.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумини чақириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тўрт ойда камида бир марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига мажлисдан йигирма кун илгари юборилади.

17-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Пленум аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми:

ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномаларига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг таркибини, судлов ҳайъатларининг таркиби ва раисларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг таркибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг иши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек судлов ҳайъатларининг фаолияти ҳақидаги маърузаларни тинглайди;

Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришларини бажариш тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсати регламентини тасдиқлайди;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан суд ишларини кўриш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ишни назорат тартибида кўриш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг иш ҳолатлари ва протест важлари ҳақидаги маърузасини тинглайди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, шунингдек башарти тарафлар иштирок этаётган бўлса, уларнинг фикрлари тингланади. Протестни муҳокама қилиш ва овоз бериш чоғида мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми аъзоларидан ташқари бошқа шахсларнинг бўлишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Раислик қилувчи охириги бўлиб овоз беради.

Протест юзасидан қарор, агар уни ёқлаб Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми аъзоларининг кўпчилиги овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Ишни кўришда илгари қатнашган судья овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас.

Кўпчиликнинг овозини олмаган протест рад қилинган ҳисобланади. Шундан сўнг бошқа таклифлар тушиш навбатига қараб овозга қўйилади.

Қабул қилинган қарор билан рози бўлмаган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми аъзоси ўз фикрини ёзма равишда

баён этишга ҳақли бўлиб, бу фикр Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисининг баённомасига илова қилинади.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг муайян суд ишлари бўйича қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва қонунда назарда тутилган тартибда ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг котиби томонидан имзоланади.

20-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисининг баённомаси

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлисла-рида баённома юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисининг баённомаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг котиби томонидан имзоланади.

21-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган масалаларни кўриш

Муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми муҳокамасига киритилган масалалар тегишинча уларнинг маърузалари ёки улар ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади. Ушбу масалаларнинг муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлисига таклиф қилинган шахслар иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори мажлисда иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми аъзоларининг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга ки-ради.

Қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган

бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг котиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг котиби Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси вазифасини бажариш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлисини тайёрлашга, мажлис баённомасини юритишга доир ишларни ташкилий жиҳатдан таъминлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

23-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг таркиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан белгиланадиган миқдорда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати таркибига лавозим бўйича кирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари ушбу Қонуннинг 18-моддасида белгиланган тартибда қабул қилинади ва раислик қилувчи томонидан имзоланади.

24-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати:

ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисларининг шу судлар фаолияти тўғрисидаги ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари ва аппаратининг ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади; қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов хайъатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов хайъатлари: ишларни биринчи инстанцияда, апелляция, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради;

суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради;
қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

суд статистикасини таҳлил қилади;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

26-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

судларнинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;

суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

судлар томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар ижросини қонунда назарда тутилган тартибда тўхтатиб туради;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсатини чақиради ҳамда уларнинг мажлисларида раислик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсатининг умумий масалалар бўйича қабул қилган қарорлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ишини ташкил этади;

ишни бир суддан бошқа судга олиб бериш масаласини ҳал қилади;

Пленум ва Раёсат муҳокамасига қонунга биноан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига тақдимномалар киритади;

қонунларни шарҳлаб беришни талаб этувчи масалалар юзасидан ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати таркиби, судлов хайъатларининг ҳамда Умумий юрисдикция судлари судьяларининг олий малака хайъати таркиби ва раислари тўғрисида Ўзбе-

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақида иш қўзғатади;

раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг штат жадвалини тасдиқлайди;

буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

фуқароларни шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ишларини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

27-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумидан ташқари барча инстанция судларининг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди тегишли судлов ҳайъатларининг ташкилий ишига раҳбарлик қилади;

судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига маърузаларни тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг мажлисларида раислик қилиши мумкин;

суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш бўйича ишни ташкил этади;

судлар томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритишга ҳақли бўлган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар ижросини тўхтатиб туради;

судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қилади;

фуқароларни шахсан қабул қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси йўқлигида унинг

ваколатларини Раиснинг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар ҳам йўқлигида эса Раис ўринбосарларидан бири амалга оширади.

28-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов хайъатларининг раислари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов хайъатларининг раислари:

судлов хайъатлари ишини ташкил этади ва уларнинг мажлисларида раислик қилади;

судлов хайъатларининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатига маърузаларни тақдим этадилар; суд амалиётини умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб олади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

2-боб. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ, ВИЛОЯТ СУДИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ

29-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди таркиби

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари раис, раис ўринбосари, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади ва суд раёсати ҳамда судлов хайъатлари таркибида иш олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари раис, раис ўринбосари, судьялардан иборат бўлади ва суд раёсати ҳамда судлов хайъатлари таркибида иш олиб боради.

30-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди:

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, апелляция, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради;

туманлараро, туман (шаҳар) судларининг суд фаолияти устидан назорат олиб боради, суд амалиётини умумлаштиради;

суд амалиёти ва суд статистикасининг тизимли таҳлилини амалга оширади;

судларнинг кадрлари малакасини оширилишини ташкил қилади; қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади. *(тўртинчи ва бешинчи хатбошилар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрь Қонуни билан тўлдирилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 20-модда)*

31-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсати

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсати шу суднинг судьяларидан иборат тартибда иш олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсати мажлислари ҳар ойда камида икки марта ўтказилади ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсати аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Муайян ишлар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсати қарорлари овоз беришда қатнашган Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсати аъзоларининг кўпчилик овози билан ушбу Қонуннинг 18-моддасида белгиланган тартибда қабул қилинади ва тегишли суд раиси томонидан имзоланади.

32-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсати ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди Раёсати:

ўз ваколатлари доирасида ишларни назорат тартибида кўради; суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади; хайъатлар фаолияти тўғрисидаги маърузаларни, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раисларининг шу судлар фаолияти тўғрисидаги ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

33-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг судлов хайъатлари

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг судлов хайъатлари:

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанцияда кўради; апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш) ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг хохишига кўра ишларни апелляция ёки кассация тартибида кўради. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги керак; суд амалиётини умумлаштиради; қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

34-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раиси

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раиси:

суд фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилади;
суд ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар устидан қонунда белгиланган доирада ва тартибда протест киритади;
суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

суд раёсатини чақиради ва унинг мажлисларида раислик қилади;
суд раёсатининг қарорлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ишини ташкил этади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар судлари судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақида иш кўзғатади;
судьялар, суднинг бошқа ходимлари ҳамда халқ маслаҳатчилари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишини ташкил этади;

фуқароларни шахсан қабул қилади, уларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

судьяларнинг малака ҳайъати қарорлари устидан Умумий юрисдикция судлари судьяларининг олий малака ҳайъатига такдимномалар киритади;

суд идораси ишларига раҳбарлик қилади, суд ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

35-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари:

судлов ҳайъатларининг ишини ташкил этади;

судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилиши мумкин;
суд раёсатига судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида маърузалар тақдим этади;
фуқароларни шахсан қабул қилади;
суд раиси йўқлигида унинг ваколатларини амалга оширади;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

3-боб. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТУМАНЛАРАРО, ТУМАН (ШАҲАР) СУДИ. ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТУМАН (ШАҲАР) СУДИ

36-модда. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг таркиби

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди раис ва судьялардан иборат бўлади.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди таркибида маъмурий ишлар бўйича судьялар бўлади.

37-модда. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, ту- ман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг ваколат- лари

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди қонун билан ўз ваколатлари доирасига берилган фуқаролик ишларини кўради.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди қонун билан ўз ваколатлари доирасига берилган жиноят ишларини ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўради.

38-модда. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг раиси

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг раиси:

суд мажлисларида раислик қилади, судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди;

суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юри-тиш ишларига раҳбарлик қилади, қонун бузилишини, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келган сабаблар ва шарт-шаро-

итларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари, жамоат бир-лашмалари ва мансабдор шахсларга тақдимномалар киритади;

суд ходимлари ва халқ маслаҳатчилари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

фуқароларни шахсан қабул қилади, уларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

суд идораси ишига раҳбарлик қилади, суд ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг раиси йўқлигида унинг ваколатлари судьяларнинг тегишли малака ҳайъатининг қарори билан судьялардан бири зиммасига юклатилиши мумкин.

4-БОБ. ҲАРБИЙ СУДЛАР

39-модда. Ҳарбий судлар тизими

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари тизими Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан иборат.

40-модда. Ҳарбий судлар таркиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати лавозим бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари ҳисобланадиган Ҳарбий ҳайъат раиси, Ҳарбий ҳайъат раисининг ўринбосари ва судьялардан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқида иш олиб боради ҳамда раис, раис ўринбосари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Округ ва ҳудудий ҳарбий судлар туман суди ҳуқуқида иш олиб борадилар ва раис, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан, зарурат бўлганда эса раис ўринбосаридан ҳам иборат бўлади.

41-модда. Ҳарбий судлар судловига тааллуқли ишлар

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Давлат чегараларини химоя қилувчи кўмитанинг, Миллий хавфсизлик хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳарбий тузилмаларнинг ҳарбий хизматчилари, шунингдек ўқув йиғинларида бўлган вақтда ҳарбий хизмат-

га мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни;

ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятларни;

алоҳида ҳолатларга кўра умумий юрисдикция судлари фаолият кўрсатмаётган жойларда барча фуқаролик ва жиноят ишларини; давлат сирларига тааллуқли ишларни; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишларни кўради.

42-модда. Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш

Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

III БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ

5-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ

43-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди хўжалик суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг тушунтиришлари хўжалик судлари томонидан бажарилишини назорат қилади, қўйи хўжалик судлари фаолиятини текширади, хўжалик судларининг ишини ташкил этиш ижобий тажрибасини ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради.

44-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг таркиби

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов хайъатларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьяларидан иборат бўлиб, куйидаги таркибда иш олиб боради:

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсати;

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низо-ларни ҳал этиш бўйича судлов хайъати;

Маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низо-ларни ҳал этиш бўйича судлов хайъати.

45-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Пленуми

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди раисидан иборат таркибда иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қатнашади. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Олий суди раиси, адлия вазири, судьялар, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкин.

46-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумини чақирриш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми бир йилда камида икки марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига мажлисдан йигирма кун илгари юборилади.

47-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда Пленум ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми:

суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқа-

ди ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг тақдимномаларига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг таркибини, судлов ҳайъатларининг таркибини ва раисларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг котибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг иши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судлов ҳайъатлари фаолияти ҳақидаги маърузаларни тинглайди;

Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришларини бажариш тўғрисидаги маърузаларни тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди хузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди матбуот органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати регламентини тасдиқлайди;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

48-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми томонидан масалаларни кўриб чиқиш

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми муҳокамасига киритилган масалалар тегишинча уларнинг маърузаси ёки улар ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади. Мазкур масалаларнинг муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми мажлисига таклиф қилинган шахслар иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг қарори мажлисда иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми аъзоларининг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми маж-

лисларида баённома юритилади. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми қарори ва баённомаси Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг котиби томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлари ҳўжалик судлари, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

49-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг котиби

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг котиби Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьяси вазифасини бажариш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг мажлисини тайёрлашга, мажлис баённомасини юритишга доир ишни ташкилий жиҳатдан таъминлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

50-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг таркиби

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьяларидан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми белгилайдиган миқдорда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг таркибига лавозим бўйича кирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

51-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсати: ишларни назорат тартибда кўради; суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади; Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар хўжалик судлари раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

хўжалик судлари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари ва аппарати ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг мажлисида баённома юритилади. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарори ва баённома раислик қилувчи томонидан имзоланади.

52-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари:

ишларни биринчи инстанцияда ва кассация тартибида кўради; суд амалиётини ўрганadi ва умумлаштиради;

қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

суд статистикасини таҳлил қилади;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

53-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси:

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;

суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

хўжалик судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар ижросини қонунда назарда тутилган тартибда тўхтатиб туради;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг тушунтиришлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ишини ташкил этади;

ишни бир хўжалик судидан бошқа хўжалик судига олиб бериш масаласини ҳал қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсатини чақиради ҳамда уларнинг мажлисларида раислик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва

Раёсати муҳокамасига қонунга биноан уларнинг ваколатига та-
аллуқли бўлган масалаларни киритади;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бош-
қа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг
тушунтиришлари қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги ҳақида
Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумига тақ-
димномалар киритади;

қонунларни шарҳлаб беришни талаб этувчи масалалар юзаси-
дан ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республи-
касининг Конституциясига мувофиқ эмаслиги ҳақида Ўзбекис-
тон Республикаси Конституциявий судига тақдимномалар кири-
тади;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсати тарки-
би, судлов ҳайъатларининг ҳамда Хўжалик судлари судьялари-
нинг малака ҳайъати таркиби ва раислари тўғрисида Ўзбекистон
Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумига тақдимномалар
киритади;

ҳўжалик судлари судьялигига номзодлар ҳақида Ўзбекистон
Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судлари судьяларининг
интизомий жавобгарлиги ҳақида иш кўзғатади;

раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ходимлари би-
лан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

фуқароларни, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва-
килларини шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни
кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга
оширади.

54-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари, ўрин- босарлари

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг би-
ринчи ўринбосари, ўринбосарлари:

ҳўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва
қарорлари устидан протест киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди тегишли суд-
лов ҳайъатларининг ташкилий ишига раҳбарлик қилади;

суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб
олади;

суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш ишини ташкил этади;

хўжалик судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар ижросини қонунда белгиланган тартибда тўхтатиб туради;

судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қилади;

фуқароларни ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси йўқлигида унинг ваколатларини раиснинг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар ҳам йўқлигида эса, раис ўринбосарларидан бири амалга оширади.

55-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судлов ҳайъатларининг раислари

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судлов ҳайъатларининг раислари:

судлов ҳайъатлари ишини ташкил этади ва уларнинг мажлисларида раислик қилади;

судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатига, шунингдек Пленумига маърузалар тақдим этади;

суд амалиётини умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб олади;

судьялар малакасини ошириш ишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6-боб. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК СУДИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ

56-модда. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари таркиби

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар хўжалик судлари раис, раис ўринбосарлари ва судьялардан иборат бўладилар.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларида зарур ҳолларда судлов ҳайъатлари тузилиши мумкин.

57-модда. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди:

ишларни ўз ваколатлари доирасида биринчи инстанция суди сифатида ва апелляция тартибида кўради;
суд амалиётини умумлаштиради;
қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

58-модда. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди раиси

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди раиси:

суд фаолиятига раҳбарлик қилади;
судлов ҳайъатлари мажлисларида раислик қилиши мумкин;
зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;
раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;
судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди;
судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юртиш ишини ташкил этади;

фуқароларни, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

59-модда. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди раисининг ўринбосари

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди раисининг ўринбосари:

вазифалар тақсимотига мувофиқ суд ишига раҳбарлик қилади;

тегишли судлов хайъатлари ишини ташкил этади;
фуқароларни ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;
суд раиси йўқлигида унинг ваколатларини амалга оширади;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

IV БЎЛИМ. СУДЬЯЛАР МАҚОМИ

7-боб. СУДЬЯЛАР, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

60-модда. Судьялар

Судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир.

Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга.

Судларнинг раислари, раис ўринбосарлари аynи вақтда судьялардир.

61-модда. Судьяликка номзодларга қўйиладиган талаблар

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳамда малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонга эга бўлган ва ушбу моддадаги талабларга

жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд судьяси бўлиши мумкин.

Ҳарбий судлар судьяларига «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ҳарбий уставлар, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган, шунингдек ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимолаш чоралари татбиқ қилинади.

62-модда. Халқ маслаҳатчилари

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунида ўн саккиз ёшга тўлган, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан бир ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан белгиланади. *(учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрь Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 20-модда)*

Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

63-модда. Судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш

бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, хўжалик судлари судьялари эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Ҳарбий судлар судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Судьялар беш йил муддатга сайланади ёки тайинланади.

64-модда. Судьянинг қасамёди

Илк бор судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қилганидан кейин ўз вазифасини бажаришга киришади:

«Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, холис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан».

Судьялар Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи олдида ҳам тантанали вазиятда қасамёд қиладилар.

Судьялар қуйидаги тартибда қасамёд қиладилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар судьялари — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисида;

хўжалик судлари судьялари — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми мажлисида;

Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари — Қорақалпоғистон Республикасининг тегишли олий судлари раёсати мажлисида.

65-модда. Судьяларнинг ҳуқуқлари

Судьялар:

мансабдор шахслар ва фуқаролардан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини талаб қилиш;

мансабдор ва бошқа шахслардан одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот олиш;

уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига эга.

Судьялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмала-

ри, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт. Одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьяларнинг талабига мувофиқ бепул берилади. Судьяларнинг талаблари ва фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

66-модда. Судьяларнинг мажбуриятлари

Судьялар фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланидиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва адолатли бўлишлари шарт.

Судьялар судьялик шаънини қатъий сақлашлари, одил судловнинг обрўси, судьялик кадр-қимматини тушириши ёки судьянинг холислигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

Судьялар судьяларнинг маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлислари ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Судьялар ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари бўлиши мумкин эмас.

Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиши, шунингдек илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

8-БОБ. СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ

67-модда. Судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш

Судьяларнинг мустақиллиги қуйидагилар орқали таъминланади: уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;

уларнинг дахлсизлиги;

одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил;

қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;

судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик; судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш.

68-модда. Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик

Давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши шарт.

Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек уни очиқдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қилиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

69-модда. Суд ишларини ҳал қилишга аралашушга йўл қўйилмаслиги

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашушга йўл қўйилмайди.

Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин бирон-бир тарзда таъсир этиш қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьядан кўрилган ёки иш юритишидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас.

70-модда. Судьялар дахлсизлиги

Судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир.

Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида уларга тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий ҳўжалик суди раиси, адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Судья тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг розилигисиз жинойий жавобгарликка тортилиши, хибсга олиниши мумкин эмас.

Судья судьяларнинг тегишли малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортига кириш, уларни қўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан қўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни қўздан кечириш, олиб қўйиш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг рухсати ёки суднинг қарори билан йўл қўйилади.

Туманлараро, туман (шаҳар) суди, округ ва ҳудудий ҳарбий суд судьясига нисбатан жиноят иши юқори турувчи суд судловига, бошқа судлар судьяларига нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишлидир.

Судда ўз вазифаларини бажараётган даврда халқ маслаҳатчиларига судьялар дахлсизлигининг барча кафолатлари татбиқ этилади.

71-модда. Судьянинг ваколатларини тўхтатиш

Судья жинойий жавобгарликка тортилган тақдирда унинг ваколатлари тўхтатилади.

Умумий юрисдикция судлари судьяларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, ҳўжалик судлари судьяларининг ваколатлари эса Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан қуйидаги ҳолларда судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қарори билан тўхтатилади, агар:

судья ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланаётган бўлса;

судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган ёки суд қарори билан унинг муомала лаёқати чекланган бўлса;

судья суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилган бўлса.

Судьянинг ваколатлари бу ваколатларни тўхтатишга сабаб бўлган асослар бекор бўлгунга қадар тўхтатилади.

Судья қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судьялар малака ҳайъати қарори устидан шикоят қилишга ҳақли.

Судьялик ваколатларининг тўхтатилиши унга иш ҳақи тўла-ниши тўхтатилишига ёки унинг иш ҳақи миқдори камайтирилишига, судьянинг таъминоти даражасини пасайтиришга ва судьяни ушбу Қонунда белгиланган дахлсизлик кафолатларидан маҳрум қилишга сабаб бўлмайди, эҳтиёт чораси сифатида судьяга нисбатан ҳибсга олиш чораси танланган ҳоллар бундан мустасно.

72-модда. Судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди судьясининг ваколатлари муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан; вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; ҳўжалик судлари судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьяларининг ваколатлари — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- 1) судьянинг қасамёдини бузган тақдирда;
- 2) ёзма ариза берган тақдирда;
- 3) судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан огоҳлан-тириш қилинганидан ёки ваколатлари тўхтатилганидан кейин у судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом этти-раверган тақдирда;
- 4) суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган тақ-дирда;
- 5) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;
- 6) унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;
- 7) суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинган тақ-дирда;
- 8) соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра узок вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда.

Судьянинг ваколатларини ушбу модда биринчи қисмининг 1,

3 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қарори асосида муддатидан илгари тугатишга йўл қўйилади.

Судья қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судьялар малака ҳайъати қарори устидан шикоят қилишга ҳақли.

Халқ маслаҳатчиларининг ваколатлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича муддатидан илгари тугатилади, ушбу модда биринчи қисмининг 1 ва 3-бандларида кўрсатиб ўтилган асослар бундан мустасно.

73-модда. Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги

Судья:

одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлиги учун;

суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун, шунингдек хизмат борасидаги ёки обрўсига путур етказадиган бошқа хатти-ҳаракати учун фақат судьялар малака ҳайъатининг қарорига асосан интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ҳарбий суднинг судьяси ҳарбий интизомни бузганлиги учун ҳам интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, суд қарорини чиқаришда қатнашган судьянинг, агар у атайлаб қонун бузилишига ёки жиддий оқибатларга олиб келган виждонсизликка йўл қўймаган бўлса, жавобгар бўлишига сабаб бўлмайди.

Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган низом билан белгиланади.

74-модда. Судьялар малака ҳайъатлари

Судьяларнинг малака ҳайъати:

судьялик лавозимига номзодларни танлаш;

бўш судьялик лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича малака комиссиясига таклифлар киритиш;

судьянинг интизомий жавобгарлиги;

судьянинг ваколатларини тўхтатиш ёки муддатидан илгари тугатиш;

судьянинг дахлсизлигини таъминлаш;

судьяни малака аттестациясидан ўтказиш ҳамда унга малака даражасини бериш;

судьялар захирасини шакллантириш;

халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларнинг сайловини ўтказиш ишларини ташкил қилиш масалаларини кўриш учун тузилади. (биринчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрь Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2002 йил, 1-сон, 20-модда)

Умумий юрисдикция судлари судьяларининг олий малака ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан, Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми томонидан беш йил муддатга сайланади.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари судьяларининг малака ҳайъатлари тегишли судлар судьяларининг мажлисларида беш йил муддатга, ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъатлари эса ҳарбий судлар судьяларининг мажлисларида ана шу муддатга сайланади.

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига баҳо бериш мақсадида судьяларнинг малака ҳайъатлари вақти-вақти билан судьяларнинг малака аттестацияларини ўтказиб туради.

Судьялар малака ҳайъатларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган низом билан белгиланади.

9-БОБ. СУДЬЯЛАРНИНГ МОДДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТИ

75-модда. Судьяларнинг моддий таъминоти

Судьяларнинг иш ҳақи лавозим маошидан, малака даражаси, кўп йиллик хизмати учун тўланадиган устама ҳақлардан иборат бўлиб, унинг миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Судьяларга ҳар йили ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган таътил берилади.

76-модда. Судьяларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари

Судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлатнинг махсус муҳофаза-сида бўлади ҳамда республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилинади.

Қуйидаги ҳолларда давлат суғурта органлари суғурта суммаларини тўлайди:

судья ишлаётган даврида ёки ваколат муддати тугаганидан кейин ҳалок бўлса (вафот этса), агар бу судья ўз хизмат вазифа-

ларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки соғлиғининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берган бўлса, унинг меросхўрларига судьянинг эллик ойлик иш ҳақи миқдорида;

судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолса ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида — судьянинг йигирма беш ойлик иш ҳақи миқдорида;

судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан касбга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этмайдиган ва меҳнат қобилиятининг доимий йўқолишига олиб келмайдиган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида судьянинг беш ойлик иш ҳақи миқдорида.

Судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида мажбурий давлат суғуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга олмаган ҳолда унга иш ҳақи ва тайин этилган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда тўлаб борилади.

Судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилиши оқибатида ҳалок бўлса (вафот этса), унинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига судья иш ҳақининг уларнинг ҳиссасига тўғри келадиган қисми ва боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан уларга тайинланган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда, мажбурий давлат суғуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга олмаган ҳолда тўланади.

Судьянинг ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан унга тегишли мол-мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида етказилган зарар судьяга ёки унинг оила аъзоларига тўлалигича қопланади.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган зарарни қоплаш бўйича тўловлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, кейинчалик улар айбдор шахслардан қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

У БЎЛИМ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

77-модда. Суд аппарати

Суд аппарати суднинг одил судловни амалга ошириш, суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш,

шунингдек суднинг бошқа вазифаларини бажаришга доир ишларини таъминлайди.

Суд аппарати ходимлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ва Олий ҳўжалик суди раиси томонидан белгиладиган тартибда аттестациядан ўтадилар.

Суд аппарати ходимларига малака даражаларини белгилаш ва уларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқладиган низом билан белгиланади.

78-модда. Судларнинг тузилиши ва штатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судлари тузилиши ва штат бирлигининг сони тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг, Олий ҳўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Қорақалповистон Республикаси олий судларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг тузилиши ва штат бирлигининг сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли органнинг) тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Судларнинг штатлар жадвали тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий ҳўжалик судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий ҳўжалик судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли орган зарур ҳолларда судларнинг штатлар жадвалига штат бирлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритадилар.

79-модда. Судларни молиялаш ва уларнинг моддий-техника таъминоти

Судларни молиялаш, уларнинг моддий-техника ва ўзга хил таъминоти, биноларини қўриқлаш ва сақлаб туриш республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Ажратиладиган маблағларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ажратилган маблағларни тақсимлаш:

Қорақалповистон Республикаси олий судлари, вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари учун — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли орган томонидан;

ҳарбий судлар учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари учун — тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир суд алоҳида бино ва автотранспорт билан таъминланади.

80-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Олий ҳўжалик судининг матбуот органлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ўз матбуот органларига эга бўлади.

81-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди ҳузурида маслаҳат органи бўлган ва жамоатчилик асосида ишлайдиган илмий-маслаҳат кенгашлари тузилади. Уларнинг вазифасига суд амалиётида келиб чиқадиган қонун ҳужжатларини қўллашга доир масалалар бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш киради.

82-модда. Судлар муҳри

Судлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

83-модда. Судларда давлат ҳокимияти рамзлари

Суд биноси узра Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, суд мажлиси залларида эса Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ўрнатилади.

84-модда. Судьяларнинг махсус кийими

Судьялар суд мажлисини махсус кийимда олиб борадилар.

Судьянинг махсус кийими тавсифи ва намуналари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

85-модда. Судьянинг гувоҳномаси

Судьяларга гувоҳномалар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

СУДЬЯЛАРНИНГ МАЛАКА ҲАЙЪАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами,
2002 йил, 8-сон, 51-модда)*

«Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Қуйидаги қарорларнинг Судьяларнинг малака ҳайъати тўғрисидаги низомга доир қисми ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги, Судьяларнинг малака даражалари тўғрисидаги, Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 10, 370-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги, Судьяларнинг малака даражалари тўғрисидаги, Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 12-модда).

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 7 декабрь,
323-II-сон

СУДЬЯЛАРНИНГ МАЛАКА ҲАЙЪАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. СУДЬЯЛАРНИНГ МАЛАКА ҲАЙЪАТЛАРИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ, УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

1. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ судьяларнинг малака ҳайъатлари судья кадрлар билан ишлашда демократик асосларни, муносиб номзодлар кўрсатиш ҳамда судьялар мустақиллиги кафолатларини кучайтириш мақсадида тузилади.

2. Умумий юрисдикция судлари судьяларининг олий малака ҳайъати (бундан буён матнда Судьялар олий малака ҳайъати деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари орасидан беш йил муддатга сайланади.

Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари судьяларининг конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судьялари орасидан беш йил муддатга сайланади.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари ва ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъатлари тегишли судлар судьяларининг конференцияларида, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар ҳамда тегишли юқори судларнинг судьялари орасидан беш йил муддатга сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси олий судларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раислари лавозимларига кўра судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари раиси ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми ва судьяларнинг конференцияси, агар уларда Пленум ёки конференцияни ташкил этувчи судьяларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, судьяларнинг малака ҳайъатларини сайлашга ваколатлидир.

4. Судьялар малака ҳайъатлари аъзоларининг сони уларнинг иш ҳажмига қараб белгиланади, аммо судьялар малака ҳайъати раиси ва унинг ўринбосарлари билан биргаликда тўққиз кишидан ошиб кетмаслиги керак.

5. Судьяларнинг малака ҳайъатлари аъзолигига номзодлар Пленум аъзолари ёки судьялар конференцияси иштирокчилари томонидан кўрсатилади.

6. Судья, агар овоз бериш натижаларига кўра овоз беришда иштирок этган судьяларнинг ярмидан кўпи овозини олган бўлса, судьяларнинг малака ҳайъатига сайланган ҳисобланади.

7. Судьяларнинг малака ҳайъатлари ўз фаолияти тўғрисида ўзларини сайлаб қўйган органларга бир йилда камида бир марта ахборот берадилар.

8. Судьяларнинг малака ҳайъати раиси судьяларнинг малака ҳайъати фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ҳамда судьяларнинг малака ҳайъати зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради. Ҳайъат раиси йўқлигида унинг вазифасини судьялар малака ҳайъати раисининг ўринбосари амалга оширади.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари раислари судья кадрлар билан олиб борилаётган ишларнинг аҳволи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига мунтазам равишда ҳисоботлар бериб турадилар. Судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятида судья кадрларни танлашда ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ва бошқа йўсиндаги қоидабузарлик фактлари аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси судьяларнинг тегишли малака ҳайъати раисини интизомий жавобгарликка тортиш масаласини қўйиши мумкин.

9. Судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини ташкилий-техника жиҳатидан таъминлашни тегишли суд раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган судьялар малака ҳайъати котиби амалга оширади.

10. Судьялар малака ҳайъати котиби:

судьяликка номзодлар захирасига киритиш ёки бўшаб қолган муайян судьялик лавозимларига қўйиш учун тавсия этилаётган шахсларнинг ҳужжатларини қабул қилади, тайёрлайди ҳамда судьяларнинг малака ҳайъати кўриб чиқиши учун киритади;

судья кадрларнинг статистикага оид ва шахсий ҳисобини юри-тади;

судьяларнинг малака ҳайъатини зарур ахборот-таҳлил материаллари билан таъминлайди;

судьяларнинг малака ҳайъати мажлислари баённомасини юри-тади;

судьялар малака ҳайъатининг бошқа топшириқларини бажаради.

11. Судьялар олий малака хайъати, Хўжалик судлари судьяларининг малака хайъати:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига тақдим этиш учун судьяларни танлаш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялигига, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислиги ва раис ўринбосарлигига, хўжалик суди судьялигига номзодларнинг шу лавозимларда ишлашга тайёргини баҳолайди;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислари ва раис ўринбосарларининг, шунингдек хўжалик судлари судьяларининг вақти-вақти билан малака аттестациясини ўтказиб туради;

4) судьяларга малака даражалари беради;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислари ва раис ўринбосарларини, шунингдек хўжалик судлари судьяларини маъмурий жавобгарликка тортишга розилик бериш масаласини кўради;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислари ва раис ўринбосарларининг, шунингдек хўжалик суди судьяларининг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни кўради;

7) Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислари ва раис ўринбосарларининг, шунингдек хўжалик суди судьяларининг ваколатларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

8) судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳақида хулоса беради;

9) ушбу Низомнинг 11-моддаси 2-бандида санаб ўтилган лавозимларга судьялар захирасини шакллантиради.

Судьялар олий малака ҳайъати фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар, шунингдек ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъатлари қарорлари устидан берилган тақдимнома ва шикоятларни ҳам кўради.

12. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъатлари:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига тақдим этиш учун судьяларни танлаш механизмини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлашда иштирок этади;

2) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, шунингдек ҳарбий судлар судьялигига номзодларнинг шу лавозимларда ишлашга тайёрлигини баҳолайди;

3) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, шунингдек ҳарбий судлар судьяларининг вақти-вақти билан малака аттестациясини ўтказиб туради;

4) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, шунингдек ҳарбий судлар судьяларини маъмурий жавобгарликка тортишга розилик бериш масаласини кўради;

5) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, шунингдек ҳарбий судлар судьяларининг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни кўради;

6) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят иш-

лари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, шунингдек ҳарбий судлар судьяларининг ваколатларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

7) судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳақида хулоса беради;

8) судьялар захирасини шакллантиради;

9) халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларнинг сайловини ўтказиш ҳамда уларни ўқитиш ишларини ташкил қилади.

13. Судьялар малака ҳайъатларининг мажлислари заруриятга қараб ўтказилади.

Судьяларнинг малака ҳайъати ўз зиммасига юклатилган ваколатларни ҳайъат аъзоларининг ярмидан кам бўлмаган таркибида амалга оширади.

Судьялар малака ҳайъатининг мажлисини тайёрлаш судьялар малака ҳайъатининг раиси ёки унинг топшириғига биноан раис ўринбосари ёхуд судьялар малака ҳайъатининг аъзоларидан бири томонидан таъминланади.

Судьялар малака ҳайъатининг мажлиси тегишли ариза (материаллар), тақдимнома ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш судьяларнинг малака ҳайъатига келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ўтказилиши лозим.

Судьялар малака ҳайъатининг раиси мажлис ўтказиладиган вақт ва жойни белгилайди, кўрилаётган масалага алоқадор бўлган шахслар бу ҳақда олдиндан хабардор қилинади.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари ўз ваколатларини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни судлар, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари раҳбарларидан, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролардан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

14. Судьялар малака ҳайъатининг мажлисига раислик қилувчи мажлисни белгиланган вақтда очади, қандай масала кўрилишини ҳамда судьялар малака ҳайъатининг таркибини эълон қилади.

Судьялар малака ҳайъатининг мажлисида иштирок этаётган аъзоси ўзини ўзи рад этиши мумкин, судьялар малака ҳайъатининг мажлисида масаласи кўрилиши керак бўлган судья ёки судьяликка номзод эса судьялар малака ҳайъатининг аъзоларини рад этишга ҳақли.

Ўзини ўзи рад этиш ёки судьялар малака ҳайъатининг аъзосини рад этиш масаласи ёпиқ маслаҳатлашувда ҳал қилинади.

Масалани кўриш раислик қилувчининг ёки судьялар малака

хайъатининг тақдим этилган ҳужжатлар ва материалларни олдидан ўрганиб чиққан аъзоларидан бирининг маърузаси билан бошланади. Судьяларнинг малака ҳайъати ваколатларига тааллуқли ва ҳал этилиши лозим бўлган масалаларнинг моҳиятига қараб ҳайъат мажлисига таклиф қилинган шахсларнинг фикри эшитилади, зарур ҳужжат ва материаллар таҳлил қилинади, сўнгра судьяларнинг малака ҳайъати ўз хулосасини беради ёки тегишли қарор қабул қилади. Судьялар малака ҳайъатининг мажлисида баённома юритилади ва у раислик қилувчи ҳамда судьялар малака ҳайъатининг котиби томонидан имзоланади.

15. Қарор ёки хулоса шу мажлисда иштирок этган судьялар малака ҳайъати аъзоларининг кўпчилик овози билан ёпиқ маслаҳатлашувда қабул қилиниб, чиқарилган хулоса баён этилган ҳолда улар томонидан имзоланади ва ўқиб эшиттирилади.

Судьялар малака ҳайъатининг иш бўйича қабул қилинган қарорига рози бўлмаган аъзоси судьялар малака ҳайъатининг қарорига имзо қўяди ва ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда билдиради, бу фикр мажлис баённомасига қўшиб қўйилади.

16. Судьяларнинг малака ҳайъати судьяларнинг маъмурий ва интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ҳамда уларнинг ваколатларини тўхтатиб туриш ҳақидаги масалалар кўрилганда қарор чиқаради, бошқа масалалар кўрилганда эса хулоса беради.

17. Судьялар малака ҳайъатининг қарори ёки хулосасида қуйдагилар кўрсатилиши керак: судьялар малака ҳайъатининг номи, унинг таркиби, иш кўрилган жой ва вақт; иши кўрилайётган судьянинг мансаби ва фамилияси, исми, отасининг исми; тақдимнома киритган ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатган шахснинг мансаби ва фамилияси; иш ҳолатлари; судьянинг тушунтиришлари ва унинг шахсини тавсифловчи маълумотлар; қабул қилинган қарор ёки хулосанинг далилий асослари; белгиланган интизомий жазо чораси ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни тугатиш асослари; қарор (хулоса) устидан шикоят қилиш тартиби ва муддатлари.

18. Судьялар олий малака ҳайъатининг, шунингдек Хўжалик судлари судьялари малака ҳайъатининг қарор ва хулосалари устидан шикоят қилинмайди.

Судьяларнинг бошқа малака ҳайъатлари қарорлари ва хулосалари устидан қарор ёки хулоса қайси судья хусусида чиқарилган бўлса, шу судья, шунингдек тақдимнома киритган ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатган шахс Судьялар олий малака ҳайъатига шикоят қилиши мумкин.

Масалани қайта кўриш тўғрисидаги шикоят ёки тақдимнома қарор қабул қилинган ёки хулоса чиқарилган кундан бошлаб ўн

кун ичида қарор ёки хулоса чиқарган судьялар малака ҳайъати орқали берилади.

Шикоят ёки тақдимнома тушиши биланоқ материал зудлик билан Судьялар олий малака ҳайъатига юборилиши лозим.

19. Судьялар олий малака ҳайъати шикоят ёки тақдимнома билан келган материални бир ой муддат ичида кўриб чиқади. Судьялар олий малака ҳайъати:

қарор ёки хулосани ўзгаришсиз, шикоят ёки тақдимномани эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

қарор ёки хулосани бекор қилиш ва материални янгидан кўриш учун юборишга;

қарор ёки хулосани бекор қилиш ва материални ўз иш юритишига олишга;

қарорни бекор қилиш ва интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни тугатишга;

қарорни ўзгартириш ва судьяга бошқа интизомий жазо чораси қўллашга ҳақлидир.

Судьялар олий малака ҳайъатининг ва Хўжалик судлари судьялари малака ҳайъатининг қарори ёки хулосаси тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисига, умумий юрисдикция қўйи судларининг судьяларига тааллуқли масалалар бўйича эса судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, ҳарбий судлар судьялари малака ҳайъатларининг қарорлари ёки хулосалари қарор ёки хулоса қайси судья хусусида чиқарилган бўлса, шу судьяга уч кунлик муддат ичида юборилади. Мазкур малака ҳайъатларининг қарорлари ёки хулосалари улар устидан шикоят бериш учун белгиланган муддат ўтганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборилади.

II. МАЛАКА ИМТИҲОНИ ЎТКАЗИШ

20. Қуйидагиларнинг:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялигига номзодларнинг малака имтиҳони ҳамда уларнинг шу лавозимда ишлашга тайёрлигини баҳолаш — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси тақдим этган материаллар асосида ёки ваколати муддати тугаётган Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг аризасига биноан Судьялар олий малака ҳайъати томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вило-

ятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислиги ва раис ўринбосарлигига номзодларнинг малака имтиҳони ҳамда уларнинг шу лавозимда ишлашга тайёрлигини баҳолаш — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси тақдим этган материаллар асосида Судьялар олий малака ҳайъати томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьялигига номзодларнинг малака имтиҳони ҳамда уларнинг шу лавозимда ишлашга тайёрлигини баҳолаш — мазкур судларнинг раислари тақдим этган материаллар асосида ёки ваколати муддати тугаётган судьяларнинг аризаларига биноан ёхуд қуйи судларнинг судьялари аризаларига биноан судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан;

фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари судьялигига номзодларнинг малака имтиҳони ҳамда уларнинг шу лавозимда ишлашга тайёрлигини баҳолаш — судьялик лавозимига номзодларнинг аризаларига биноан ёки ваколати муддати тугаётган судьяларнинг аризаларига биноан судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан;

округ ва ҳудудий ҳарбий судлар судьялигига номзодларнинг малака имтиҳони ва уларнинг шу лавозимда ишлашга тайёрлигини баҳолаш — судьялик лавозимига номзодларнинг аризаларига биноан ёки ваколати муддати тугаётган судьяларнинг аризаларига биноан ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъати томонидан;

хўжалик судлари судьялигига номзодларнинг малака имтиҳони ва уларнинг шу лавозимда ишлашга тайёрлигини баҳолаш — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномаси асосида ёки судьялик лавозимига номзодларнинг аризаларига биноан ёхуд ваколати муддати тугаётган хўжалик судлари судьяларининг аризаларига биноан Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати томонидан ўтказилади.

Судьялар малака ҳайъатининг номзодни юқори судьялик лавозимига тавсия этиш мумкинлиги ҳақидаги хулосаси тегишли суд раиси тақдим этган материаллар асосида ёхуд судьяларнинг аризаларига биноан берилади.

21. Судьяликка номзоднинг малака имтиҳони у билан суҳбат ўтказиш, оғзаки савол-жавоблар, рўйхати судьяларнинг тегишли малака ҳайъати мажлисида тасдиқланадиган амалий масалаларни ҳал этишдан иборат бўлади.

22. Судьяларнинг малака ҳайъати судьяликка номзоднинг малака имтиҳонидан ўтган ёки ўтмаганлиги тўғрисида хулоса беради. Малака имтиҳонини топшира олмаган судьяликка номзод камида бир йилдан кейин қайтадан имтиҳонга қўйилиши мумкин.

23. Судьяларнинг малака ҳайъати раиси номзоднинг ёки судьянинг тайёрлиги ҳақидаги масалага оид хулосани Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборди.

24. Туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг ваколатлари муддати тугаётган судьяларига нисбатан уларнинг номзодини янги муддатга кўрсатиш тўғрисидаги масала мазкур судьяларнинг аризаларига биноан, уларнинг ваколатлари муддати тугашидан уч ой олдин судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан кўрилади. Судьялар малака ҳайъатларининг мазкур шахсларнинг ўз лавозимига муносиблиги ёки муносиб эмаслиги хусусидаги ҳамда уларни янги муддатга тайинлаш мумкинлиги ҳақидаги хулосаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборилади.

III. СУДЬЯЛАРНИ МАЛАКА АТТЕСТАЦИЯСИДАН ЎТКАЗИШ ВА УЛАРГА МАЛАКА ДАРАЖАЛАРИ БЕРИШ ТАРТИБИ

25. Судьяларнинг малака аттестацияси «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда судьялар сифат таркибини яхшилаш, уларнинг касб малакаси ошишига баҳо бериш ва рағбатлантириш, одил судловни амалга ошириш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида ўтказилади.

26. Малака аттестацияси:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раислари ва раис ўринбосарларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан Судьялар олий малака ҳайъати томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, жиноят ишла-

ри бўйича туман (шаҳар) судларининг судьяларига нисбатан — Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раисларининг тақдимномасига биноан судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг, округ ва ҳудудий ҳарбий судларининг судьяларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг тақдимномасига биноан ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъати томонидан;

хўжалик судлари судьяларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати томонидан ўтказилади.

27. Биринчи марта судьялик лавозимига сайланган (тайинланган) шахсларнинг малака аттестацияси улар иш фаолиятининг дастлабки уч ойи ичида ўтказилиши керак.

Судьяларнинг навбатдаги малака аттестацияси уларга берилган малака даражасида бўлиш муддати тамом бўлган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Судьяга муддатидан олдин юқорироқ малака даражаси бериш учун унга аввал берилган малака даражасида бўлиш муддатининг ярми ўтганидан кейингина навбатдаги малака аттестацияси ўтказилиши мумкин.

28. Малака аттестациясидан ўтказилиши лозим бўлган судьяга аттестация ўтказишдан камида бир ой олдин унинг касб фаолиятига, ишчанлик ва ахлоқий жиҳатларига баҳо берилган тавсифнома ҳамда иши ҳақидаги маълумотнома тайёрланади.

Тегишли суднинг раҳбари судьяни у ҳақда тайёрланган тавсифнома ва маълумотнома билан малака аттестацияси ўтказиш тўғрисидаги материалларни судьяларнинг тегишли малака ҳайъатига юборишдан олдин таништириши лозим.

Малака аттестацияси ўтказиладиган вақт ҳақида судьяга камида икки ҳафта олдин хабар қилиниши керак.

29. Малака аттестацияси тақдимнома тушган кундан бошлаб бир ой ичида, қоида тариқасида, аттестациядан ўтувчи судьянинг иштирокида ўтказилади.

30. Судьяни малака аттестациясидан ўтказиш раислик қилувчининг ёки судьялар малака ҳайъатининг тақдим қилинган ҳужжат ва материалларни олдиндан ўрганиб чиққан аъзоларидан бирининг маърузаси билан бошланади. Шундан сўнг аттестациядан ўтувчининг, зарур ҳолларда эса, судьяни аттестациядан ўтказиш тўғрисида тақдимнома юборган мансабдор шахснинг фикри эшитилади.

31. Судьяларнинг малака ҳайъати судьянинг касбий билим даражаси, ишчанлик жиҳатлари, иш стажи ва тажрибаси, эгаллаб турган лавозимига қараб қуйидаги хулосалардан бирини беради: судьяга тақдимномада кўрсатилган малака даражаси бериш мумкинлиги тўғрисида;

судьяга юқорироқ малака даражаси бериш мумкинлиги тўғрисида;

судьяни илгари берилган малака даражасида қолдириш тўғрисида.

Судьялар малака ҳайъатининг судьяларга малака даражаси бериш масалаларига доир хулосалари малака аттестацияси материаллари билан биргаликда Судьялар олий малака ҳайъатига юборилади.

32. Судьялар олий малака ҳайъати судьяга малака даражаси бериш тўғрисидаги масалани судьяларнинг малака ҳайъати чиқарган хулоса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳал этади.

33. Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати хўжалик судларининг судьяларига малака даражаларини умумий юрисдикция судларининг судьяларига бериладиган тартибда беради.

34. Судьяга малака даражаси берилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади. Судьялар тегишли малака ҳайъатининг малака даражаси бериш тўғрисидаги қарори тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди матбуот органларида эълон қилинади, шунингдек судьянинг шахсий ишига қўшиб қўйилади.

35. Судьяларнинг фаолиятини баҳолаш ҳамда одил судловни амалга оширишда уларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида судьяларнинг тегишли малака ҳайъати вақти-вақти билан, уч йилда бир марта судьяларнинг малака аттестациясини ўтказиб туради. Судьяларнинг даврий малака аттестациясини ўтказиш тўғрисидаги қарор судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан қабул қилинади.

Агар судьяларнинг даврий малака аттестациясини ўтказиш чоғида «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 72-моддаси 1-қисмининг 1, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқлангудек бўлса, судьяларнинг малака ҳайъати барча материалларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборади.

IV. СУДЬЯЛАРНИНГ ИНТИЗОМҲИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ҲАҚИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИШ ТАРТИБИ

36. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 73-моддасига мувофиқ судья:

одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлиги учун;

суд ишини ташкил этишдаги бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун, шунингдек хизмат борасидаги ёки обрўсига путур етказадиган бошқа хатти-ҳаракати учун фақат Судьялар малака ҳайъатининг қарорига асосан интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ҳарбий суднинг судьяси ҳарбий интизомни бузганлиги учун ҳам интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, суд қарорини чиқаришда қатнашган судьянинг, агар у атайлаб қонун бузилишига ёки жиддий оқибатларга олиб келган виждонсизликка йўл қўймаган бўлса, жавобгар бўлишига сабаб бўлмайди.

37. Судьялар олий малака ҳайъати:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг;

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларининг;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси ва раис ўринбосарларининг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни кўради.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъатлари судьяларнинг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни ўз ваколатлари доирасида кўрадилар.

Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати хўжалик судлари судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни кўради.

38. Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳуқуқига қуйидагилар эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси — умумий юрисдикция судлари судьяларига нисбатан;

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари — шу судлар судьялари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари судьяларига нисбатан;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси — шу суд судьяларига ҳамда округ ва ҳудудий ҳарбий судлар судьяларига нисбатан;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси — ҳўжалик судлари судьяларига нисбатан.

39. Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақида тегишли судларнинг раҳбарлари қарор чиқарадилар, унда интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатишга сабаб бўлган асослар кўрсатилиши шарт.

Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатган шахс судьяни жавобгарликка тортиш асосларига тааллуқли маълумотларни олдиндан текширади ва ундан ёзма тушунтириш талаб қилади.

Устидан иш кўзғатилган судья интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш материаллари билан бу материалларни судьялар малака ҳайъатига юборишдан олдин таништирилиши шарт. Бунда судья қўшимча тушунтиришлар тақдим этишга ёки қўшимча текширув ўтказишни талаб қилишга ҳақли.

Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги қарор зарур материаллар билан бирга судьяларнинг тегишли малака ҳайъатига кўриб чиқиш учун юборилади.

40. Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги қарор уни кўзғатган шахс томонидан ишни судьялар малака ҳайъатида кўриб чиқиш бошлангунга қадар чақириб олиниши мумкин.

Ўзига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги қарор чақириб олинаётган судья ишни мазмунан кўриб чиқишни судьяларнинг малака ҳайъатидан талаб қилишга ҳақли.

41. Судья, ноҳўя хатти-ҳаракат қилганлиги аниқланган кундан бошлаб хизмат текширувларига кетган вақт, судьянинг узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган вақти ҳамда судьяларнинг малака ҳайъатида интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга кетган вақтни ҳисобламаганда, кечи билан бир ой ичида, аммо ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан эътиборан эса, кечи билан олти ой ичида интизомий жазога тортилиши мумкин.

42. Зарур ҳолларда ишни кўриб чиқиш бошлангунга қадар судьяни интизомий жавобгарликка тортиш асослари қўшимча равишда текширилади, бундай текширишни ўтказишни судьялар малака ҳайъатининг раиси судьялар малака ҳайъати аъзоларидан бирига топширади. Бунда қўшимча ҳужжат ва материаллар, шунингдек кўриб чиқиш чоғида судья қонун бузилишига йўл қўйган суд ишлари ҳам талаб қилиб олинишига йўл қўйилади.

43. Судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қўйидаги қарорлардан бирини чиқариши мумкин:

интизомий жазо чораси қўллаш тўғрисида;

интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни тугатиш тўғрисида;

интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш материалларини судья-

нинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласини кўзга-тиш ҳуқуқига эга бўлган органларга юбориш ҳақида.

Агар судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан судья-нинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласи олдига қўйилган орган ёки мансабдор шахс бунга асос йўқ деб топса, интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш судьяларнинг малака ҳайъатига қайтарилади ва иш юритиш қайтадан бошланади. Даст-лабки қарор чиққан кундан ишни қайтаргунга қадар ўтган вақт интизомий жавобгарликка тортиш муддатларига кирмайди.

44. Судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қуйидаги интизо-мий жазо чораларидан бирини қўллаши мумкин:

ҳайфсан;

жарима.

Жазо қўлланаётганида қоидабузарликнинг хусусияти ва унинг оқибатлари, ножўя хатти-ҳаракатнинг оғир-енгиллиги, судьянинг шахси, унинг айбдорлик даражаси ҳисобга олинади.

45. Судьяларнинг тегишли малака ҳайъати:

судья интизомий жавобгарликка асоссиз тортилган бўлса;

ушбу Низомнинг 41-моддасида назарда тутилган интизомий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтказиб юборилган бўлса;

интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни мажлисда муҳока-ма этиш билангина чегараланиб, интизомий жазони қўллашни мақсадга мувофиқ эмас деб топса, интизомий жавобгарлик тўғри-сидаги ишни тугатади.

V. СУДЬЯНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТЎХТАТИШ

46. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 71-моддасига мувофиқ судьянинг ваколатлари қуйидаги ҳол-ларда судьяларнинг малака ҳайъати қарори билан тўхтатилади, агар:

судья ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланаётган бўлса;

судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган ёки суд қарори билан унинг муомала лаёқати чекланган бўлса;

судья суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилган бўлса.

Судьяларнинг тегишли малака ҳайъати судьянинг ваколатла-рини тўхтатишга сабаб бўлган асослар бекор бўлгунга қадар унинг ваколатларини тўхтатиб туради, ушбу асослар бекор бўлганидан кейин эса судьянинг ваколатлари тўхтатилишини олиб ташлайди.

VI. СУДЬЯНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

47. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 72-моддасида назарда тутилган асосларга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;

вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

ҳўжалик судлари судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьясининг ваколатлари — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан муддатидан илгари тугатилади.

Судьянинг ваколатлари: у судьянинг қасамёдини бузган тақдирда; судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан оғохлантириш қилинганидан ёки ваколатлари тўхтатилганидан кейин у судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттираверган тақдирда; соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра узоқ вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қодир бўлмаётган қолган тақдирда тегишли судьялар малака ҳайъатининг қарори асосида муддатидан илгари тугатилишига йўл қўйилади.

48. Судьяларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги тақдимномани судьяларнинг малака ҳайъатига кириштириш ҳуқуқига қўйидагилар эга:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси — умумий юрисдикция судларининг судьяларига нисбатан;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси — ҳўжалик судлари судьяларига нисбатан.

49. Судьяларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳақидаги тақдимнома ва материаллар:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларига, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳар-

бий суди раислари ва раис ўринбосарларига нисбатан — Судьялар олий малака ҳайъатига;

бошқа судларнинг судьяларига нисбатан — судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига юборилади.

50. Судьяларнинг малака ҳайъати судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатишга розилик бериш ёки бермаслик тўғрисида хулоса чиқаради.

Судьялар малака ҳайъатининг хулосаси кечи билан беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборилади.

VII. СУДЬЯЛАР ЗАХИРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

51. Судьяликка номзодлар захираси судларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда, энг яхши тайёргарлик кўрган, юқори малакали юристлар орасидан судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан шакллантирилади.

52. Туманлараро, туман (шаҳар) судларининг судьялигига номзодлар захирасини шакллантириш учун судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари ўзини судьяликка номзодлар захирасига киритиш ёки бўшаб қолган муайян судьялик лавозимига қўйилиш истагини билдирган шахслардан аризалар қабул қиладилар. Аризага кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, охирги иш жойидан тавсифнома илова қилинади.

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари судьяликка номзодлар захирасига киритилиши мумкин. Судьяликка номзодлар захирасига судланган шахсларни қабул қилиш мумкин эмас.

53. Ушбу Низомнинг 52-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда берилган аризани қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Аризани қабул қилиш рад этилганлиги устидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига шикоят бериш мумкин.

54. Аризаларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш, ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш судьялар малака ҳайъати котиби томонидан амалга оширилади.

55. Судьяларнинг малака ҳайъати номзодларнинг касбга оид ва маънавий-ахлоқий фазилатлари ўрганилишини ташкил этади ҳамда материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан бир ойдан

кечиктирмай малака имтиҳонлари ўтказади, имтиҳон натижалари асосида номзодни судьяликка номзодлар захирасига киритиш ёки захирага киритишни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

Малака ҳайъатлари мажлисларида тегишли судларнинг судьялари иштирок этиши мумкин, улар судьялик лавозимига номзодларнинг ҳар бири хусусида ўз фикрларини билдиришга, малака ҳайъатининг қарорига рози бўлмаган тақдирда эса ўз фикрларини ёзма равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборишга ҳақлидир.

Захирага киритилган шахсларга тааллуқли маълумотлар судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборилади.

56. Судьяликка номзодлар захирасига киритилиши рад этилган шахс шу захирага кириш учун тегишли ариза билан бир йил муддат ўтганидан сўнг такрор мурожаат этиши мумкин.

57. Судьяларнинг малака ҳайъати судьяликка номзод захирага киритилганлиги тўғрисидаги қарор нухасини тегишли суд раисига юборади, суд раиси эса судьяликка номзодлар захирасига киритилган шахсларнинг тайёргарлик кўриши ва уларни ўқитиш билан боғлиқ ишларни ташкил этади.

58. Судьялик лавозими бўшаб қолган тақдирда судьяларнинг тегишли малака ҳайъати судьяликка номзодлар захирасида турган шахсларга бу ҳақда хабар беради. Судьялар малака ҳайъати котиби судьяликка номзодлар захирасида турган ва бўшаб қолган судьялик лавозимига қўйилиш учун малака имтиҳони топшириш истагини билдирган шахсларга тааллуқли материалларни тайёрлаб, судьяларнинг малака ҳайъатига беради.

59. Судьяларнинг тегишли малака ҳайъати судьяликка номзодлар захирасида турган шахсларнинг судьялик лавозимига лаёқат даражасини судларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда, имтиҳон қабул қилиш йўли билан баҳолайди, бунда уларнинг меҳнат фаолияти, шахси ва дунёқарашини эътиборга олади.

Судьяларнинг малака ҳайъати бўшаб қолган судьялик лавозимига тақдим этилган шахслар орасидан битта лавозимга камида икки-уч нафар номзодни танлаб олади ҳамда уларга доир материалларни ўзи тайёрлаган хулосалар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборади.

Хўжалик судларининг судьялигига номзодлар захирасини шакллантириш «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда ушбу Низом талабларига риоя этилган ҳолда Хўжалик

судлари судьяларининг малака ҳайъати томонидан амалга оширилади.

VIII. ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

60. Ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони жиноят ишлари бўйича судлар судьяларининг тегишли малака ҳайъатлари томонидан белгиланади.

61. Халқ маслаҳатчилари сайлови судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан туман (шаҳар) ҳокимлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан, ҳарбий қисмларда эса ҳарбий қисмлар кўмондонлиги билан биргаликда ташкил этилади.

62. Судьяларнинг малака ҳайъати:

халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш жараёни устидан назорат олиб боради;

халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади;

халқ маслаҳатчилари сайлови натижаларини яқунлайди;

сайланган халқ маслаҳатчилари рўйхатини тузади ва тасдиқлайди;

сайланган халқ маслаҳатчиларига тегишли гувоҳнома беради;

халқ маслаҳатчилари ўқитилишини ташкил этади;

халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларнинг сайловини ўтказиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

63. Халқ маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг иш ёки яшаш жойидаги ёхуд ҳарбий қисмларнинг ҳарбий хизмат жойидаги йиғилишларда ўтказилади.

64. Йиғилишлар камида юз сайловчи бўлган меҳнат жамоаларида, ҳарбий қисмларда ва аҳоли пунктларида ўтказилади. Агар сайловчилар сони юз кишидан кам бўлса, халқ маслаҳатчилари сайлови бошқа меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмлар ҳамда бошқа аҳоли пунктларида яшовчи сайловчилар билан биргаликда ўтказилади.

Йиғилишлар йирик муассасалар, ташкилотлар, корхоналар ва ҳарбий қисмларда уларнинг сайловчилар сони камида юз кишини ташкил этувчи таркибий бўлинмаларда ўтказилиши мумкин.

Халқ маслаҳатчилари сайловига бағишланган йиғилишлар бўладиган вақт ва жой ҳақида фуқаролар шундай йиғилиш ўтказилишдан камида уч кун аввал хабардор этилади.

65. Халқ маслаҳатчилигига номзодлар меҳнат жамоалари, фуқароларнинг яшаш жойидаги сайловчилар томонидан, шунингдек ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари томонидан кўрсатилади.

66. Халқ маслаҳатчилари сайлови ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида, очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилади. Муайян меҳнат жамоаси, ҳарбий қисмнинг ҳарбий хизматчилари ёки фуқароларнинг яшаш жойидаги сайловчилар йиғилишлари қатнашчиларининг ярмидан кўп овозини олган шахслар халқ маслаҳатчилари этиб сайланган деб ҳисобланади.

67. Йиғилишда раис, котиб ҳамда беш-етти нафар аъзодан иборат раёсат сайланади.

Йиғилишда баённома юритилиб, унга овоз бериш натижалари киритилади. Баённома раёсат таркибига кирганларнинг ҳаммаси томонидан имзоланади. Йиғилиш баённомасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

йиғилиш ўтказилган муассаса, ташкилот, корхона, ҳарбий қисм ёки аҳоли пунктнинг номи;

йиғилиш ўтказилган жой ва вақт;

сайловчилар сони;

халқ маслаҳатчилигига кўрсатилган ҳар бир номзоднинг исми, отасининг исми, фамилияси;

халқ маслаҳатчилигига кўрсатилган ҳар бир номзодни ёқлаб ёки унга қарши берилган овозлар сони;

сайланган ҳар бир халқ маслаҳатчисининг исми, отасининг исми, фамилияси, туғилган йили, машғулот тури, яшаш манзили.

Йиғилиш баённомаси имзоланганидан кейин судьяларнинг тегишли малака ҳайъатига берилади.

68. Судьяларнинг малака ҳайъати йиғилиш баённомаларига асосланиб сайлов натижаларини аниқлайди ҳамда ҳар бир суд учун алоҳида-алоҳида халқ маслаҳатчилари рўйхатини тузади.

69. Халқ маслаҳатчилари рўйхати судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан тасдиқланганидан кейин тегишли судга юборилади.

70. Судьяларнинг малака ҳайъатлари халқ маслаҳатчилари сайлови натижалари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига тақдим этади, шунингдек халқ маслаҳатчиларини ўқитиш ишлари қандай бораётганлиги ҳақида вақти-вақти билан мазкур Комиссияга ахборот бериб туради.

СУДЬЯЛАРНИНГ МАЛАКА ДАРАЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ*

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,
2001 йил, 1-2-сон, 12-модда)*

1. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси судьялари учун малака даражалари жорий этиш ва бериш тартибини белгилайди.

2. Олтита малака даражаси жорий этилади:

Олий малака даражаси
Биринчи малака даражаси
Иккинчи малака даражаси
Учинчи малака даражаси
Тўртинчи малака даражаси
Бешинчи малака даражаси

3. Малака даражалари қуйидагича берилади:

а) умумий юрисдикция судлари судьяларига:

Олий малака даражаси	Ўзбекистон Республикаси
Биринчи малака даражаси	Олий суди судьяларига;
Иккинчи малака даражаси	

Биринчи малака даражаси	Қорақалпоғистон Республикаси
Иккинчи малака даражаси	фуқаролик ва жиноят ишлари
Учинчи малака даражаси	бўйича олий судлари, фуқаро- лик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяларига;

Учинчи малака даражаси	Фуқаролик ишлари бўйича
Тўртинчи малака даражаси	туманлараро, туман (шаҳар)
Бешинчи малака даражаси	судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар судьяларига;

* 2001 йил 22 апрелдан кучга киритилган.

б) хўжалик судлари судьяларига:

Олий малака даражаси Ўзбекистон Республикаси
Биринчи малака даражаси Олий хўжалик суди судьяларига;
Иккинчи малака даражаси

Биринчи малака даражаси Қорақалпоғистон Республикаси,
Иккинчи малака даражаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар
Учинчи малака даражаси хўжалик судларининг судьяларига.
Тўртинчи малака даражаси
Бешинчи малака даражаси

4. Олий малака даражаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

Бошқа малака даражалари тегишли судлар раисларининг тақдимномасига биноан Умумий юрисдикция судлари судьяларининг олий малака ҳайъати ва Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати томонидан берилади.

Биринчи маротаба сайланган (тайинланган) судьяларга малака даражаси иш фаолиятининг биринчи уч ойи мобайнида берилади.

5. Ҳар бир малака даражасида бўлиш муддатлари ижобий малака аттестацияси мавжуд бўлган тақдирда қуйидагича белгиланади:

бешинчи малака даражасида — икки йил

тўртинчи малака даражасида — уч йил

учинчи малака даражасида — тўрт йил

иккинчи малака даражасида — беш йил.

Биринчи малака даражасида бўлиш муддати белгиланмайди.

Юқори малакали судьяларга иш тажрибаларини ҳисобга олиб, эгаллаб турган лавозими учун назарда тутилган даражадан қатъи назар, кетма-кетликка риоя этмаган ҳолда, лекин унга берилган малака даражасидан икки даражадан юқори бўлмаган малака даражаси берилишига йўл қўйилади.

6. Судьялар одил судловни амалга ошириш вақтида қонунийликни қўпол бузган тақдирда малака даражасидан маҳрум этилиши мумкин.

Малака даражасидан маҳрум этиш шу малака даражасини берган мансабдор шахс ёки орган томонидан амалга оширилади.

7. Малака даражасига эга бўлган судьяларнинг мансаб маошларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда қўшимча ҳақ тайинланади.

8. Судьяларни малака аттестациясидан ўтказиш тартиби Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

СУД ХОДИМЛАРИНИНГ МАНСАБ ДАРАЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ*

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,
2001 йил, 1-2-сон, 12-модда)

1. Ушбу Низом суд ходимларига махсус унвон — мансаб даражаси бериш тартибини белгилайди.

2. Суд ходимларининг махсус унвонлари қуйидаги мансаб даражаларидан иборат:

1-даражали адлия маслаҳатчиси

2-даражали адлия маслаҳатчиси

3-даражали адлия маслаҳатчиси

1-даражали юрист

2-даражали юрист

3-даражали юрист.

3. Суд ходимларига мансаб даражалари ижобий аттестацияси, олий юридик маълумоти мавжуд бўлган тақдирда, малакаси, эгаллаб турган лавозими ва иш стажига қараб, шунингдек илгариги иш ёки хизмат жойида берилган махсус унвонини эътиборга олган ҳолда навбати билан берилади.

4. Мансаб даражалари:

1-даражали адлия маслаҳатчиси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди бошқармалари бошлиқларига;

2-даражали адлия маслаҳатчиси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарларига, бўлим бошлиқларига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг, Олий хўжалик суди раисининг ёрдамчиларига;

3-даражали адлия маслаҳатчиси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати котибиятининг бошлиғига, Ўзбекистон Республикаси

* 2001 йил 22 апрелдан кучга киритилган.

Олий судининг, Олий хўжалик судининг бош (катта) консультантларига;

1-даражали юрист Ўзбекистон Республикаси Олий судининг консультантларига, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг катта консультантларига, қабулхона бошлиқларига;

2-даражали юрист Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раисларининг ёрдамчиларига, консультантларига, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди консультантларига, раисларининг ёрдамчиларига;

3-даражали юрист Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар консультантларига, раисларининг ёрдамчиларига берилади.

5. 1, 2 ва 3-даражали адлия маслаҳатчиси, шунингдек 1, 2 ва 3-даражали юрист мансаб даражаларини:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ҳарбий судлар ходимларига — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси;

хўжалик судлари ходимларига — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси;

бошқа судларнинг ходимларига — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири беради.

6. Ҳар бир мансаб даражасида бўлиш муддати ижобий аттестация мавжуд бўлган тақдирда 3, 2, 1-даражали юристлар учун икки ярим йилни, 3 ва 2-даражали адлия маслаҳатчилари учун тўрт йилни ташкил қилади.

7. Судларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ва бошқа ташкилотлардан ишга ўтган ходимларга улар қайси лавозимга тайинланганликларини, билим ва тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда мансаб даражалари берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири:

1) олдинги мансаб даражасида бўлиш учун белгиланган муддат тугамасдан, ишда алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлари ёки хизмат бурчини намунали бажарганлиги учун;

2) ходим юқори лавозимга тайинланаётганда навбат тартибига риоя қилмаган ҳолда, лекин унинг ўз даражасидан икки мансаб даражасидан юқори бўлмаган;

3) аттестациядан биринчи марта ўтаётган ходимларга уларнинг лавозимлари бўйича белгиланганидан бир поғона паст мансаб даражаси бериш ҳуқуқига эга.

9. Юридик мутахассислик бўйича иш тажрибаси бўлмаган шахсларга улар лавозимга тайинланганидан кейин камида олти ой вақт ўтгач мансаб даражаси берилади.

10. Бир мансаб даражасида белгиланган муддат хизмат қилган, лекин хизмат фаолиятида ёки хулқида жиддий камчиликлари бўлган суд ходимларининг мансаб даражаси кўтарилмайди.

11. Мансаб даражаси берилган ходимлар шу мансаб даражасида умрбод бўладиган ва фақат судларда ишлашга нолайиқ хатти-ҳаракатлари учун меҳнат шартномаси бекор қилинганда ундан маҳрум қилинишлари мумкин.

12. Хизмат бурчини қўпол бузган ёки хизмат вазифасини мутасил лозим даражада бажармагани учун ходимнинг мансаб даражаси унга берилгандан иккидан ортиқ бўлмаган мансаб даражасига пасайтирилиши мумкин. Мансаб даражасидан маҳрум қилиш ёки уни пасайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан амалга оширилади.

13. Суд ходимларига мансаб даражалари бериш учун аттестация ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан уларнинг ваколати доирасида белгиланади.

14. Мансаб даражаси бўлган суд ходимларининг фарқлаш белгилари ва мансаб маошларига устама ҳақ миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

ҲАРБИЙ СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ*

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,
2001 йил, 1-2-сон, 12-модда)*

1. Ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикаси суд тизимига ки-
ради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъа-
ти, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳар-
бий судларидан иборат бўлади.

Ҳарбий судлар чиқарадиган ҳал қилув қарорлари ва ҳукмлар
Ўзбекистон Республикаси номидан эълон қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати лаво-
зимига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўрин-
босари ҳисобланадиган Ҳарбий ҳайъат раисидан, Ҳарбий ҳайъат
раис ўринбосари ва судьяларидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқла-
ри доирасида иш олиб боради ҳамда раис ўринбосари, судьялар
ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Округ ва ҳудудий ҳарбий судлар туман суди ҳуқуқлари доира-
сида иш олиб боради ҳамда раис, судьялар ва халқ маслаҳатчи-
ларидан, зарурат бўлганда эса суд раисининг ўринбосаридан ҳам
иборат бўлади.

3. Ҳарбий судларнинг судьялари «Судлар тўғрисида»ги Ўзбе-
кистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда сайлана-
дилар ва тайинланадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари:

а) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Давлат
чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитанинг, Миллий хавфсизлик
хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ички ишлар
вазирлиги кўшинларининг ва қонун ҳужжатларига мувофиқ таш-
кил этиладиган бошқа ҳарбий тузилмаларнинг ҳарбий хизматчи-
лари, шунингдек ўқув йиғинларида бўлган вақтда ҳарбий хизмат-
га мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги
ишларни;

б) ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бош-
қарув органларининг кўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизмат-

* 2001 йил 22 апрелдан кучга киритилган.

чиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятларни;

в) алоҳида ҳолатларга кўра умумий юрисдикция судлари фаолият кўрсатмаётган жойларда барча фуқаролик ва жиноят ишларини;

г) давлат сирларига тааллуқли ишларни;

д) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишларни кўради.

Ушбу банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган шахслар ҳарбий ёки унга тенглаштирилган хизматни ўташ даврида содир этган жиноятлар тўғрисидаги ишлар, агар улар иш судда кўрилиш пайтига келиб хизматдан бўшаб кетган бўлсалар ҳам ҳарбий судлар томонидан кўрилади.

Ушбу банднинг «а» кичик бандида кўрсатиб ўтилган шахслар ҳарбий ёки унга тенглаштирилган хизматга чақирилгунга ёки киргунга қадар содир этган жиноятлар тўғрисидаги ишлар умумий юрисдикция судлари томонидан кўрилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати судловига:

олий офицерлар таркибидаги мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг судловига:

содир этилганлиги учун ўлим жазоси белгиланиши мумкин бўлган жиноятлар тўғрисидаги ишлар;

полковник, 1-даражали капитан унвонига эга бўлган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар ёхуд бригада командири лавозимидаги шахслар ҳамда хизмат мавқеи бўйича уларга тенг шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

Округ ва ҳудудий ҳарбий судлар судловига:

подполковник, 2-даражадаги капитандан юқори бўлмаган унвондаги шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

6. Бир гуруҳ шахсларни айблашга оид иш бўйича, гарчи айбланувчилардан лоақал бири хусусидаги иш ҳарбий суд судловига тааллуқли бўлса ва уни қонунга кўра алоҳида иш юритишга ажратиш мумкин бўлмаса, фуқаро шахсларга оид ишларнинг ҳарбий суд томонидан кўрилишига йўл қўйилади.

Якка шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир неча жиноятни содир этишда айбланиб, гарчи жиноятлардан лоақал бири тўғрисидаги

иш ҳарбий суд судловига тааллуқли бўлса, ҳамма жиноятлар тўғрисидаги ва барча шахсларга оид иш ҳарбий суд томонидан кўрилади.

7. Ҳарбий судлар жиноят ишлари билан бирга ҳарбий қисмлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг содир этилган жиноятлар натижасида уларга етказилган моддий зарарни ундириб бериш тўғрисидаги фуқаролик даъволарини ҳам кўриб чиқадилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

ҳарбий судлар ишининг ташкил этилишини текшириб туради;
ҳарбий судлар суд амалиётини, шунингдек суд статистикасини юритиш иши қандай ташкил этилганлигини ўрганadi ва умумлаштиради;

ҳарбий судлар судьяларининг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли орган ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказишга доир ишларни уюштиради ҳамда ҳарбий судларни ташкил этиш ва уларни моддий-техник жиҳатидан таъминлаш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ҳарбий судлар ишини ташкил этиш масалаларига доир буйруқлар ва фармойишлар чиқаради.

9. Ҳарбий судлар таркиби, штатлар сони, штатдаги лавозимлар ва лавозимларга мос бўлган ҳарбий унвонлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири билан келишган ҳолда берган тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъатининг, бошқа ҳарбий судларнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари штатлар сонига киради ва ҳарбий хизматчиларнинг барча таъминот турлари билан таъминланади, судьялар ва ҳарбий хизматчилар учун белгиланган ҳуқуқ, имтиёз ва устунликларидан фойдаланадилар.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг судьяларига эгаллаб турган лавозимларига мувофиқ ҳарбий унвонлар берилади.

12. Ҳарбий судлар судьяларига полковникдан юқори бўлмаган

уновлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири томонидан берилади.

Олий ҳарбий уновлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биргаликдаги тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

13. Ҳарбий судлар судьялари «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва ҳарбий низомига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортиладилар.

14. Ҳарбий судларнинг ходимларини ишга қабул қилиш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ тегишли ҳарбий суд раиси томонидан амалга оширилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъатини ва ҳарбий судларни моддий-техник жиҳатидан таъминлаш, молиялаштириш, транспорт, алоқа воситалари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги зиммасига юклатилади.

16. Ҳарбий судларнинг хизмат бинолари улар фаолият кўрсатётган ерда жойлашган ҳарбий қисмлар томонидан ёхуд шу мақсадлар учун махсус тузилган ҳарбий бўлинмалар томонидан қўриқланади.

17. Ушланган, қамоққа олинган, гауптвахталарда сақланаётганларни ҳарбий судларга қўриқлаб олиб бориш ва уларни суд мажлисида қўриқлаш ҳарбий қисмлар ёки гарнизонларнинг ҳарбий комендатуралари томонидан амалга оширилади.

Бошқа сақлаш жойларида, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳбусларни ишни кўриш жойига қўриқлаб олиб бориш ва қўриқлаш белгиланган тартибда — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг соқчилик қўшинлари қисмлари, органлари томонидан амалга оширилади.

18. Ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ЛАВОЗИМЛАРГА ТАВСИЯ ЭТИШ БЎЙИЧА ОЛИЙ МАЛАКА КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА*

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,
2001 йил, 9-10-сон, 204-модда)*

Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 11, 63-моддаларига асосан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг янги таҳрирдаги Низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 мартдаги ПФ—2817-сон Фармони билан тасдиқланган 1-илова ўз қучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2001 йил 24 сентябрь,
ПФ—2943-сон

* 2001 йил 24 сентябрдан кучга киритилган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ХУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАРНИ ТАНЛАШ ВА
ЛАВОЗИМЛАРГА ТАВСИЯ ЭТИШ БЎЙИЧА ОЛИЙ
МАЛАКА КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

2. Комиссия суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш сиёсатини, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштиришни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги доимий ишловчи орган ҳисобланади.

3. Комиссия зиммасига судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари судьяларини танлаш ва лавозимларга тавсия этиш, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судларнинг судьяларини лавозимларга тақдим этиш вазифалари юклатилади.

4. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кадрлар сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган фармон ва фармойишлари ҳамда мазкур Низом асосида судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши тамойилларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширади.

II. КОМИССИЯНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

5. Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг демократик асосларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

судья кадрларни танлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тасдиғига тақдим этишда қонунийликни таъминлаш;

судьялар мустақиллиги ва уларнинг ижтимоий муҳофазасини мустақкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

судьялик лавозимларига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги ишларни яхшилаш ҳамда судья кадрларни тарбиялаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

судьяликка номзодларни танлаб олишнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш, уларнинг касб маҳоратини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

судья кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ишларнинг очиқ-ойдинлиги ва ошқоралигини, бу ишнинг вертикал бўйича ҳисобот берилишини таъминлаш, шунингдек бу соҳада хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолларининг олдини олиш;

судлар фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш;

судьяларни танлаш ва тайинлаш борасида илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва Комиссиянинг иш амалиётига тадбиқ этиш.

III. КОМИССИЯНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

6. Қўйилган вазифаларни бажариш учун Комиссияга қуйидаги ваколатлар берилади:

тақдим этилган номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судларининг судьяси лавозимларига муносиблигини аниқлайди ҳамда мазкур масалалар бўйича хулосалар беради;

вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судларнинг судьялари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар судьяларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари судьяларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидагй тақдимномаларни (материалларни) кўриб чиқади ва улар юзасидан хулосалар беради;

судья кадрларнинг захирасини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш борасидаги ишларнинг ташкил этилишини таъминлайди;

номзодларни ўрганишнинг турли усулларида фойдаланади (суҳбатлашиш, мустақил экспертлар томонидан синаб кўриш, топширилган муаммо бўйича мавзуга оид рефератлар тайёрлаш, тезкор савол-жавоблар ўтказиш ва ҳоказолар);

судья кадрлар билан ишлашдаги камчиликлар хусусида тақдимномалар, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади; судьялар малака ҳайъатларининг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсияномалар беради;

Комиссия зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Судьялар уюшмаси, мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, бошқа муассасалар ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилади.

7. Комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш чоғида судьяларнинг малака ҳайъатлари билан ҳамкорлик қилади:

судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан тақдим этилган кадрлар захирасини шакллантириш, уларни танлаб олиш ва судьялик лавозимига тавсия этиш масаласини ҳал қилиш учун зарур бўлган материалларни (аризалар, билдирилган фикрлар, хулосалар, маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни) кўриб чиқади;

судья кадрлар билан ишлаш тўғрисида судьялар малака ҳайъатлари раисларининг ахборотини йилнинг ҳар чорагида тинглаб боради ва судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар беради;

судьяларнинг малака ҳайъатларидан судьялик лавозимларига бўш ўринлар мавжудлиги ҳақидаги, судья кадрларнинг захираси қандай шакллантирилаётгани тўғрисидаги ахборотни, Комиссия олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа ахборотни талаб қилиб олади;

судьяларнинг малака ҳайъатларига судья кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ушбу соҳада халқаро тажрибани ўрганиш ва ундан фойдаланиш борасидаги ишларни ташкил қилиш билан боғлиқ бошқа топшириқларни беради.

IV. ЗАХИРАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДЛАРНИ ТАНЛАШ ТАРТИБИ

8. Захирани шакллантириш ва судьялик лавозимларига тавсия этиш учун номзодларни танлаш бўйича ишлар Комиссия ҳамда судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан амалда оширилади. Малака ҳайъатларига Қорақалпоғистон Республикаси олий судларининг, вилоят судларининг, Тошкент шаҳар судларининг раислари раҳбарлик қиладилар.

9. Туманлараро, туман (шаҳар) судларининг судьялигига номзодларнинг захирасини шакллантириш учун судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари ўзларини захирага киритиш ёки судьяларнинг аниқ бўш лавозимларини эгаллаш истагини билдирган шахслардан аризаларни қабул қиладилар. Аризага кадрларни ҳисобга олиш шахсий варағи, таржимаи ҳол, олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, охириги иш жойидан таърифнома илова қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, мутахассислиги бўйича иш стажикамида уч йил бўлган фуқаролари судьяликка номзодлар захирасига киритилишлари мумкин. Судланган шахслар судьяликка номзодлар захирасига қабул қилинишлари мумкин эмас.

10. Ушбу Низомнинг 9-банди талабларига риоя этилган тақдирда аризалар қабул қилинишини рад этишга йўл қўйилмайди.

Аризани қабул қилишни рад этиш хусусида Комиссияга шикоят қилиниши мумкин.

11. Аризаларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш, ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини текшириш ишларини судьялар малака ҳайъатининг масъул котиби амалга оширади.

12. Судьяларнинг малака ҳайъатлари номзодларнинг касбий, ахлоқий ва ишчанлик фазилатларини ўрганиб чиқишни ташкил этадилар ҳамда ҳужжатлар келиб тушган пайтдан бошлаб кечи билан икки ой муддатда малака имтиҳонларини ўтказадилар, шу имтиҳонларнинг натижалари бўйича уларни судьяликка номзодлар захирасига киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарадилар.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари номзодларни энг яхши тайёргарлик кўрган, юқори малакали юристлар — судларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, муассасалари ва ташкилотларининг ходимлари орасидан танлаб оладилар.

Малака ҳайъатларининг мажлисларида Қорақалпоғистон Республикаси олий судларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг судьялари иштирок этишлари мумкин, улар судьялик лавозимига ҳар бир номзод бўйича ўз фикрини билдириш, малака ҳайъатининг қарорига қўшилмаган тақдирда эса ўз фикрини ёзма равишда Комиссияга юборишга ҳақлидирлар.

Захирага киритилган шахслар хусусидаги маълумотлар судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан Комиссияга йўлланади.

13. Судьялик лавозими бўшаб қолган тақдирда судьяларнинг

тегишли малака ҳайъати судьялик лавозимига захирада турган шахсларни хабардор қилади.

Бўшаб қолган судьялик лавозимини эгаллаш учун танлаб олишда иштирок этиш истагини билдирган шахслар малака имтиҳонини топширадилар, ана шу имтиҳон натижалари бўйича судьяларнинг малака ҳайъати уларнинг судьялик лавозимига муносиб ёки муносиб эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

14. Судьяларнинг малака ҳайъати аниқ судьялик лавозимига тавсия этилган камида икки номзодга доир ҳужжатларни Комиссияга йўллайди.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари номзодларга оид ҳужжатлар билан бир қаторда бўш қолган судьялик лавозимларининг мавжудлиги ҳақида ва ваколат муддатлари тугаган судьялар тўғрисида Комиссияга маълумотлар тақдим этадилар.

15. Туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси олий судларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг ваколат муддатлари тугаётган судьяларига нисбатан уларни янги муддатга тайинлаш тўғрисидаги масала судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан кўриб чиқилади. Судьялар малака ҳайъатининг мазкур шахсларнинг лавозимга муносиблиги ёки муносиб эмаслиги тўғрисидаги ҳамда уларни янги муддатга тайинлаш мумкинлиги ҳақидаги қарори Комиссияга йўлланади.

16. Судьялар малака ҳайъатларининг раислари — Қорақалпоғистон Республикаси олий судларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари Комиссияга тақдим этиладиган судья кадрларга оид ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва сифати учун шахсан жавобгар бўладилар.

Судьялар малака ҳайъатларининг раислари судья кадрлар билан ишлашнинг аҳволи тўғрисида Комиссияга мунтазам ҳисобот бериб борадилар. Судья кадрларни танлаш чоғида малака ҳайъатларининг фаолиятида таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш каби ҳамда бошқа қонунбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда Комиссия тегишли малака ҳайъатининг раисини интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани қўйиши мумкин.

V. КОМИССИЯ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

17. Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан беш йил муддатга ўн етти кишидан иборат таркибда тузилади ҳамда Комиссия раиси, раис ўринбосари ва аъзолардан ташкил топади.

18. Комиссия раиси Комиссиянинг фаолиятига раҳбарликни

амалга оширади ва Комиссия зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

Комиссия раиси бўлмаган пайтларда унинг вазифасини ўринбосари амалга оширади.

19. Комиссия судьялардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатларидан, судьялар малака ҳайъатлари, жамоат бирлашмаларининг вакилларида ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислардан тузилади.

20. Комиссия фаолияти Комиссия аъзоларининг тенг ҳуқуқлиги, масалаларни ҳал этиш ва хулосаларни қабул қилишда коллегиялик, Комиссия ваколатига кирувчи масалаларнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона ҳал этилишини таъминлаш тамойилларига асосланади.

21. Комиссия қонунга асосан кадрларни судьялик лавозимларига тайинлашга тавсиянома тайёрловчи охириги босқич ҳисобланади.

22. Комиссия судья кадрлар захирасини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш борасида судьялар малака ҳайъатларининг фаолияти назорат қилиниши ва мувофиқлаштирилишини таъминлайди.

Комиссия вақти-вақти билан жойларга чиқиб судьялар малака ҳайъатлари томонидан кадрлар захирасини шакллантириш ва танлаш бўйича ишларнинг аҳволини текшириб туради.

23. Комиссия мажлислари унинг ваколатига кирувчи масалаларнинг тайёрланишига қараб ўтказилади.

Комиссия аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган тақдирда комиссиянинг мажлиси ваколатли, деб ҳисобланади.

Комиссия мажлисининг баённомаси Комиссиянинг техник котиби томонидан юритилади ва Комиссия раиси томонидан имзоланади.

24. Судьялик лавозимларига кадрлар бўйича таклифлар Комиссия томонидан кўриб чиқиш учун судьялик бўш лавозимига камида 2-3 номзоддан иборат ҳолда муқобиллик асосида киритилади.

Комиссия судья кадрлар бўйича тақдим этилган материалларни ўрганиш ва суҳбатлашиш йўли билан судьяликка номзодларни танлаб олади, уларнинг касб маҳорати даражасини, маънавий фазилатларини (ҳалоллиги ва виждонини сотмаслигини), қобилиятини, шунингдек ҳуқуқ соҳасидаги тегишли тайёргарлиги ва малакасини аниқлайди.

Судьялик лавозимларига кадрларни танлаш ва тавсия этиш масалаларини ҳолисона кўриб чиқиш мақсадида Комиссия зарур ҳолларда ўз мажлисларига Ўзбекистон Республикаси Олий суди,

Олий ҳўжалик суди, Судьялар уюшмаси вакилларини таклиф қилиш ҳамда кўриб чиқилаётган масала бўйича уларнинг фикрини эшитишга ҳақлидир.

Судья кадрларни танлаш ва тавсия этиш бўйича Комиссия фаолиятини ташкил қилиш Регламент билан белгиланади.

25. Қарор мажлисда иштирок этаётган Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Муҳокама этиш ва қарор қабул қилиш чоғида Комиссия аъзоларидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди.

Комиссиянинг қарори номзодларнинг судьялик лавозимига муносиблиги ёки номуносиблиги тўғрисидаги хулоса тарзида расмийлаштирилади. Хулоса Комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

Овоз бериш вақтида озчиликни ташкил қилган Комиссия аъзолари хулосани имзолайдилар, уларнинг алоҳида фикри мажлис баённомасига киритилади.

26. Номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳўжалик судлари ва Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари лавозимларига муносиблиги тўғрисида Комиссиянинг хулосаси Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун киритилади.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судларнинг судьялари лавозимига номзодлар хусусида Комиссия ўз хулосасига асосланиб, уларни тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритади.

27. Агар Комиссия номзодни судьялик лавозимида ишлашга етарлича тайёр эмас, деган хулосага келган ҳолларда бир йил муддат ўтгандан кейин ушбу масаланинг такроран кўриб чиқишига йўл қўйилади. Бу ҳақда хулосага тегишли ёзувлар киритилади.

28. Комиссиянинг хулосасида Комиссиянинг номи, таркиби ва мажлиснинг вақти, масаласи кўриб чиқилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда уни таърифловчи бошқа маълумотлар, тақдимномани (материалларни) киритган органнинг номи, шунингдек Комиссия томонидан қабул қилинган қарор кўрсатилади.

29. Материаллар тўлиқ бўлмаган ҳолларда, масалани холисона ечиш мақсадида Комиссия уни кўриб чиқишни кейинга қолдириш ҳуқуқига эгадир.

VI. КОМИССИЯ КОТИБИЯТИ

30. Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техникавий жиҳат-

дан таъминлаш мақсадида етти нафар етакчи инспектордан иборат Комиссия Котибияти тузилади.

Котибият юридик шахс ҳисобланади, банкда мустақил ҳисобварақ ва муҳрга эга бўлади.

Котибият ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш белгиланган тартибда Комиссия қарорига асосан амалга оширилади.

Комиссия ўз қарори билан Котибиятнинг етакчи инспекторларидан бирининг зиммасига меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш тўғрисидаги буйруқларни чиқариш вазифасини юклайди.

31. Комиссия Котибияти:

судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан келиб тушадиган таклифларни ҳамда судья кадрлар захирасига киритилган, шунингдек аниқ лавозимга тавсия этилган ҳар бир номзодга оид ҳужжатларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш ишларини амалга оширади;

судья кадрларнинг статистик ва шахсий ҳисобини юритади;

келиб тушган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини текширади ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга топширади;

Комиссияни зарур ахборот-таҳлилий ҳужжатлар билан таъминлайди;

Комиссиянинг бошқа топшириқларини бажаради.

32. Комиссия Котибияти ўз ишини минтақавий мутасаддилик тамойили бўйича ташкил этиб, судья-кадрларга оид ҳужжатларнинг тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилиши борасида судьялар малака ҳайъатларининг фаолиятини назорат қилади.

33. Комиссия Котибиятининг фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланадиган Котибият Регламенти билан тартибга солинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ БУЗАДИГАН ХАТТИ- ҲАРАКАТЛАР ВА ҚАРОРЛАР УСТИДАН СУДГА ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА*

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,
1995 йил, 9-сон, 183-модда)

1-модда. Судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи

Ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, чел элик фуқаролар ушбу Қонунда белгиланган тартибда судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонунга мувофиқ судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

2-модда. Судга шикоят берилишига лойиқ хатти-ҳаракатлар (қарорлар)

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ коллегиял ёки яққа тартибдаги хатти-ҳаракатлари (қарорлари) жумласига:

Фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган;

Фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик туғдирган;

Фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурийат юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) киради.

3-модда. Ушбу Қонуннинг таъсир доираси

Ушбу Қонунга мувофиқ судлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки

* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августдаги 109-1-сон қарори билан тасдиқланган ва 1995 йил 12 сентябрдан кучга киритилган.

эркинликларини бузадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан берилган шикоятларни кўриб чиқадилар, бундан:

текширилиши қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мутлақ ваколатлари доирасига киритилган хатти-ҳаракатлар (қарорлар);

қонун ҳужжатларида устидан судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби белгиланган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) мустаснодир.

4-модда. Шикоят бериш

Фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Тобелик тартибида юқори турувчи орган, мансабдор шахс шикоятни бир ойлик муддатда кўриб чиқишлари шарт. Агар фуқаронинг шикоятини қаноатлантириш рад қилинган бўлса ёки у шикоят берган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олмаган бўлса, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Шикоятни ҳуқуқлари, эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илтимосига кўра жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг ваколат берилган вакили бериши мумкин.

Шикоят фуқаронинг хоҳишига қараб ё у яшайдаган жойдаги судга ёки орган жойлашган ердаги, ёхуд хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойидаги судга берилади.

Ҳарбий хизматчи ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузётган ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят билан ҳарбий судга, шунингдек юқори турувчи мансабдор шахсларга ушбу моддада кўзда тутилган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

5-модда. Шикоят юзасидан суд ҳаракатлари

Суд шикоятни кўриб чиқишга қабул қилгач:

тегишли органлар ва мансабдор шахслардан зарур материалларни талаб қилиб олади;

фуқаронинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан шикоят қилинишига сабаб бўлган хатти-ҳаракат (қарор)нинг ижросини тўхтатиб туриш масаласини ҳал қилади.

6-модда. Судга шикоят билан мурожаат қилиш муддати

Судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб уч ой;

фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб бир ой;

агар фуқаро ўз шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берганидан кейин бир ой муддат ўтган кундан бошлаб бир ой.

Шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат суд томонидан тикланиши мумкин.

7-модда. Шикоятни кўриб чиқиш тартиби

Фуқаронинг давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикояти суд томонидан фуқаровий судлов ишларини юритиш қодалари асосида кўриб чиқилади.

8-модда. Шикоят юзасидан суд қарори

Шикоят кўриб чиқиш натижалари бўйича суд қарор чиқаради.

Суд шикоятнинг асослигини аниқлагач, устидан шикоят берилган хатти-ҳаракатни (қарорни) қонунсиз деб топади, фуқаронинг талабларини қаноатлантириш мажбуриятини юклайди ёки унинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ўзгача йўл билан тиклайди.

Агар устидан шикоят берилган хатти-ҳаракатни (қарорни) суд фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмайдиган қонуний хатти-ҳаракат (қарор) деб топса, у шикоятни қаноатлантиришни рад этади.

Суднинг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори судга шикоят берилиши мумкин.

9-модда. Суд қарорини бажариш

Суднинг қонуний кучга кирган қарори барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурий ва уни бажариш шарт.

Суднинг қарори хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят берилган орган ёки мансабдор шахсга, шунингдек фуқарога қарор қонуний кучга киргач кечи билан ўн кун ичида юборилади.

Қарор бажарилганлиги ҳақида судга ва фуқарога суд қарори олинган кундан бошлаб кечи билан бир ой ичида хабар қилиниши шарт. Қарор бажарилмаган тақдирда суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган чора-тадбирларни кўради.

10-модда. Шикоят кўриб чиқиш билан боғлиқ суд харажатларини юклатиш

Шикоят кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган суд харажатлари, суд шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида қарор чиқарган тақдирда фуқаро зиммасига ёки суд органи ёхуд мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари)ни қонуний эмас деб топган тақдирда улар зиммасига юклатилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 30 август,
108-1-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИИГ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИИГ 1996 ЙИЛ 20 ДЕКАБРДАГИ 1-СОНЛИ ҚАРОРИ

СУД ҲОКИМИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддаси давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципини жорий этди.

Давлатнинг Асосий Қонуни суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритишни эълон қилди.

Фақат мустақил суд ҳокимияти ҳар бир фуқаронинг ваколатли ва холис судда ишни ошқора кўриш орқали ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкинлигига кафолат бўлиб хизмат қилади.

Мустақил ва холис судни талаб қилиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 10-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган бошқа халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Суд ишлари билан танишиш суд ҳокимияти тўғрисидаги қонунларга, асосан, риоя қилинаётганлигини, аммо уларнинг фаолиятида раҳбарий тушунтиришлар беришни талаб қилувчи айрим масалалар вужудга келганлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми **қарор қилади:**

1. Суд ҳокимияти — бу судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуворлиги принципига сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фуқаролик, ҳўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича ваколатидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига мувофиқ суд ҳокимияти ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Суд ҳокимияти ҳужжатларини бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликни юзага келтиради.

2. Судлар Конституциянинг 44-моддаси мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий низо хусусиятига эга бўлган ҳар қандай масалаларни, шу жумладан давлат органлари, мансабдор шахс-

лар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларни ҳал қилиш ҳуқуқига эгадир.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, Конституциянинг 16-моддасига мувофиқ бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат унинг нормалари ва қоидаларига зид қилиши мумкин эмас.

Агар суд ишни кўришда тўғри қарор қабул қилиниши учун аҳамиятга эга бўлган бирорта норматив ҳужжатнинг Конституцияга мос келмаётганлигини аниқласа, у ишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва барча материалларни Олий ёки Олий ҳўжалик судлари раисларига юборади, улар «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ масалани Конституциявий судда кўриб чиқиш учун киритиш ҳуқуқига эга.

3. Қонунга мувофиқ суд муҳокамасини қандай бўлмасин чеклашларга, бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиш, таҳдид қилиш ёхуд суд фаолиятига мансабдор шахс ёки фуқаронинг қай тарафдан ва қандай масалада бўлмасин аралашишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Судлар тўғрисида»ги Қонунда судьяларга юксак мақом берилди, улар Республика Президенти томонидан тайинланади ёки унинг тақдимига биноан Олий Мажлис томонидан сайланади.

Бунинг учун ижро ҳокимиятининг маҳаллий органлари розилиги талаб қилинмайди.

Қонун давлат муассасалари, фуқаро ва ташкилотларга судга ҳурмат билан қараш мажбуриятини юклайди.

Давлат ҳокимиятининг бирон-бир идораси судга одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни юклаши мумкин эмас.

Судга ҳурматсизлик қилишга йўл қўйилмайди ва бу қонун билан белгиланган тартибда жазоланиши лозим.

4. Судьядан иш бўйича у ёки бу қарорни қабул қилишга доир тушунтиришлар талаб қилишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Ундан бундай тушунтиришлар фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина олиниши мумкин.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, суд қарорининг бекор қилинганлиги ёки ўзгартирилганлиги фактининг ўзи судьялардан тушунтиришлар беришни талаб қилиш учун асос бўлмайди.

5. Мансабдор шахсларнинг судга у ёки бу ишни ҳал қилиш юзасидан тавсияларини ифода этиб, ёзма ёки оғзаки равишда қилган мурожаатлари кўрилмай қолдирилиши лозим. Суд томонидан ҳал қилинадиган шикоят ва аризаларни давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа муассасаларнинг назоратга оли-

ши қонунда кўзда тутилмаган. Суд қарорлари устидан шикоят беришга ҳуқуқи бўлган шахслар доираси ва уларни кўриб чиқиш тартиби процессуал қонунларда қатъий белгилаб қўйилган.

6. Оммавий ахборот воситалари кўрилаётган ишлар бўйича ўз хабарларида суд қарори қандай бўлиши лозимлиги ҳақида фикр билдиришга ёки бошқа усуллар билан ишда иштирок этаётган бирон-бир шахснинг фойдасини кўзлаб судга таъсир ўтказишга ҳақли эмаслар. Бунда шуни унутмаслик керакки, Конституциянинг 26-моддасига ва «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча, у айбсиз ҳисобланади.

7. Мустақиллик принципи судларга ҳуқуқ ва шу билан бирга улардан суд муҳокамасини адолатли ўтказишни ҳамда тарафларнинг ҳуқуқларига риоя қилишни талаб қилади.

Жиноят-процессуал қонунда мустаҳкамланган судда ишларни юритишда ўзаро тортишув принципига мувофиқ прокурор суд процессида тарафлардан бири ҳисобланади ва процесснинг бошқа тарафлари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланади.

8. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишининг тақиқланиши судьялар мустақиллиги, уларнинг беғаразлиги ва холислигининг энг муҳим кафолатидир.

Судья тарафлар вакиллари, шунингдек бошқа шахслар билан ишларни муҳокама қилиши унинг беғаразлигини шубҳа остига қўяди ва шунинг учун бунга йўл қўйилмайди. Судья фақат маслаҳатхонада ишни муҳокамасида қатнашганда уни мазмунан ҳал қилишга доир фикрини билдиради. Судья, шунингдек муайян ишни ҳал қилиш бўйича бирон бир кишига маслаҳат беришга ва ўз фикрини билдиришга ҳақли эмас, чунки келгусида бу иш унинг ҳал этиш доирасида бўлиб қолиши мумкин.

9. Тушунтирилсинки, Республиканинг туман, шаҳар, вилоят, ҳарбий, хўжалик судлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди юқори судларга фақат процессуал жихатдан бўйсунадилар.

Туман, шаҳар, вилоят, ҳарбий, хўжалик судларининг судьялари шу судларнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларига, Олий суднинг ва Олий хўжалик судининг судьялари эса тегишлича — Олий суднинг раиси ва унинг ўринбосарларига, Олий хўжалик судининг раиси ва унинг ўринбосарларига фақат ишларни ташкиллаштириш масалалари бўйича бўйсунадилар.

Қайд этилган мансабдор шахслар суд ишлари бўйича судья-

ларга йўлланма беришга, судьяларни интизомий тартибда жазолашга ҳақли эмаслар.

Судьяларга интизомий жазо беришга фақат судьяларнинг малака ҳайъати ҳақлидир.

Умумий судлар судьялари қонунга мувофиқ малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Олий малака ҳайъатига шикоят қилиш ҳуқуқига эга, шу сабабли малака ҳайъатининг қарори қонуний кучга кирмагунча судьяни интизомий тартибда жазоланган деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Судья фақат ўзи томонидан била туриб қонуннинг бузилишига ёки жиддий оқибатларга олиб келган масъулиятсизликка йўл қўйилган ҳоллардагина интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бу ҳолатларга судьяларнинг малака ҳайъатларигина баҳо бериши мумкин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ судлар фаолиятини ташкилий таъминлашни амалга оширади.

Адлия вазирлигининг муҳим вазифаларидан бири судьяларнинг мустақиллигини ва уларнинг фақат қонунга бўйсунушларини таъминлаш ҳисобланади.

11. Қонун судьяларни сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишларини ҳамда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашларини тақиқлайди. Лекин, судьялар ассоциацияларга бири-лашишлари мумкин.

12. Судьяларнинг дахлсизлиги суд мустақиллигининг муҳим кафолатидир, дахлсизлик қонунга мувофиқ унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, унинг хат-хабарларига, унга тегишли мулклар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Судья Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг розилигисиз жинойи жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

13. Судлар ишларни ва материалларни кўришда Конституциянинг 53-моддасига кўра давлат томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан барабар муҳофаза этилишини кафолатлаши принципига оғишмай риоя этишлари шарт. Шунинг назарда тутиш лозимки, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Шунинг учун судлар ишларни кўришда давлат органлари ва мансабдор шахслар мулк-

дорнинг ҳуқуқларини қанчалик ҳимоя қилаётганлик ва уларга риоя этаётганликларини аниқлашлари, асоссиз текширишлар, тафтишлар ва ҳоказо фактларга тегишли муносабат билдиришлари ҳамда бундай ноқонуний ҳаракатлар натижасида мулкдорга етказилган зарарни айбдор мансабдор шахслардан ундириш чораларини кўришлари лозим.

14. Суд ҳокимияти умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, судлар ҳар бир иш бўйича қонунийликни ва фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлашлари ҳамда уларнинг ҳар қандай бузилишига зудлик билан муносабат билдиришлари шарт.

Барча суд тартибларига, шу жумладан ҳар бир фуқаронинг ҳимоя ҳуқуқига оғишмай амал қилинмоғи лозим. Фуқароларни асоссиз жиноий жавобгарликка тортиш, ноқонуний ҳибсга олиш ва ҳибсда сақлаш, жисмоний ёки руҳий зўравонлик ишлатиш ёки ишлатишга таҳдид қилиш билан боғлиқ ҳар бир ҳолат тегишли равишда баҳоланиши лозим.

Тушунтирилсинки, бундай ғайриқонуний усулларни қўллаб олинган ҳар қандай далиллар юридик кучга эга эмасдир.

Шу билан бирга судлар жазонинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишлари, хавфли жиноятчиларга нисбатан қонуннинг бутун кучини татбиқ этишлари лозим.

15. Судья томонидан зиммасига юклатилган вазифани, нуфузни ва судга ҳукуматни шакллантирувчи юксак ахлоқ-одоб меъёрларига риоя қилинмасдан туриб, суд ҳокимиятини ва судья ваколатларини амалга ошириш мумкин эмас.

Судья суд ҳокимиятининг шаъни ва мустақиллигини мўътабар тутиши, ҳалол ва бегараз бўлиши, қонунга риоя этиши ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, ҳар қандай ҳаракатлар ёки шундай бўлиб кўриниши мумкин бўлган ҳаракатлардан ўзини тийиши, ўзининг судьялик лавозими нуфузидан шахсий манфаатлари ёки сабр-тоқатлилигини ва обрўсини кўрсатиш, шахсий ҳаётда юксак ахлоқий қоидаларга амал қилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
I. Ўтмишдан қолган мерос	5
II. Мустақил Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг шаклланиши. Ислохот босқичлари	13
III. Инсон ҳуқуқлари устуворлиги — суд ислохоти ҳуқуқий дастурининг асоси	30
IV. Ўзбекистон Республикасининг суд тизими	48
У V. Судьялар мақоми. Улар мустақиллигининг кафолати	72
VI. Хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳимоя қилиш — давр талаби	84
VII. Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятини оширишда судларнинг роли	87
Хулоса	90
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси [Кўчирма]	91
«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги 103–I-сон Қонуни	94
«Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 162–II-сон Қонуни	103
«Судлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги Қонуни	103
«Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 323–II-сон қарори	139
Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида Низом	140
Судьяларнинг малака даражалари тўғрисида Низом	159
Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида Низом	161
Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Низом	164
«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 24 сентябрдаги ПФ–2943-сон Фармони	168
«Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги 108–I-сон Қонуни	177
«Суд ҳокимияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг қарори	181

МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ В УЗБЕКИСТАНЕ:
ВРЕМЯ РЕФОРМ**

«АДОЛАТ»

Авторы:

Палван-заде А.А.

руководитель коллектива
авторов, Министр юстиции
Республики Узбекистан

Абдумажидов Г.А.

заслуженный деятель науки
Республики Узбекистан,
доктор юридических наук,
профессор

Наимов Б.А.

судья Верховного суда
Республики Узбекистан

Никифорова Е.Н.

кандидат юридических наук,
доцент кафедры уголовного
процесса ТГЮИ

Рецензент

Рустамбаев М.Х.

доктор юридических наук,
профессор

В книге впервые системно рассказывается об итогах судебно-правовой реформы, осуществленной за десять лет в независимом Узбекистане, развитии законодательства о судостроительстве и судопроизводстве, принятых мерах по обеспечению независимости судов, роли судебной власти в защите прав и свобод граждан, приводятся сведения о деятельности Конституционного суда, судов общей юрисдикции и хозяйственных судов Республики Узбекистан.

Расчитана для студентов юридических вузов и факультетов, сотрудников правоохранительных органов и органов государственного управления, а также широкого круга читателей.

«Узбекистан — государство великого будущего. Это суверенное, демократическое, правовое государство. Это государство, основанное на принципах гуманизма, обеспечивающее права и свободы граждан, независимо от национальности, вероисповедания, социального положения и политических убеждений»¹.

И.А. КАРИМОВ

ПРЕДИСЛОВИЕ

Десять лет Узбекистан живет в условиях национальной независимости. Прошедшие за эти годы изменения в социально-политической, экономической и духовной жизни страны обусловили в свою очередь соответствующие коренные преобразования во всех сферах человеческой деятельности, смену приоритетов социальных ценностей.

Сегодня на уровне Конституции закреплён принцип, в соответствии с которым высшей ценностью является человек, его жизнь, свобода, честь, достоинство и другие неотъемлемые права. Изменение социальных ценностей в пользу человека, а не государства, с одобрением воспринято обществом. Однако, потребовалось еще многое изменить, чтобы это конституционное требование воплотить в реальность.

Находясь на протяжении многих десятилетий в условиях тоталитарного режима, Узбекистан в полной мере познал все отрицательные последствия, связанные с отсутствием принципа разделения властей, когда суд стал заложником незаконных притязаний правящей партии.

Одним из наиболее значимых завоеваний независимости явилось конституционное закрепление принципа разделения властей на законодательную, исполнительную и судебную, ибо только таким общепринятым, испытанным практикой демократическим путем, можно обеспечить надлежащее отправление правосудия, безусловное соблюдение Конституции и международных пактов о правах человека, социальную справедливость, гражданский мир и согласие, укрепление законности и правопорядка.

К числу несомненных достижений демократизации общества можно отнести принятие ряда законов, закрепивших основы организации и функционирования судебной власти. В их числе Законы «О судах», «О Конституционном суде Республики Узбекистан», Гражданский, Гражданский процессуальный, Хозяйствен-

¹ Каримов И.А. Узбекистан: свой путь обновления и прогресса // Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Т. 1. - Т., Узбекистон, 1996. С. 43.

ный процессуальный, Уголовный и Уголовно-процессуальный кодексы, Кодекс об административной ответственности и др. Именно в них содержатся правовые положения, определяющие единство судебной системы, независимость судей, формирование судебного корпуса, а также вопросы финансирования и материально-технического обеспечения деятельности судов. В процессуальных кодексах нашли свое отражение принципы осуществления правосудия в условиях построения правового демократического государства, правила судопроизводства, соответствующие международным стандартам: состязательность судопроизводства, презумпция невиновности, равенство сторон в процессе и другие.

Одновременно с этим велась работа по созданию новых структур судебной власти (Конституционный суд, хозяйственные и военные суды).

Вместе с тем жизнь общества развивалась стремительно, в стране шли глубокие преобразования во всех сферах. Укрепление правового государства требовало углубления судебной реформы, демократизации системы правосудия.

В данной книге в доступной и понятной широкому кругу читателей форме раскрываются сущность и направленность проводимых в судебной системе реформ, их цели и задачи. Наряду с этим, в ней, путем сравнительного анализа, предпринята попытка показать своеобразие и особенности узбекской модели проводимых реформ, которые имеют существенные отличия от аналогичных процессов, происходящих в других странах.

І. НАСЛЕДИЕ ПРОШЛОГО

Работу по реформированию нашего законодательства трудно переоценить. Но для того, чтобы реформа шла успешно и новые законы вели к желанным результатам, крайне важно до конца выяснить и осмыслить пройденный путь, разобраться в своей истории. Прошлое, настоящее и будущее — сообщающиеся сосуды, и чем чаще мы обращаемся к истории, тем больше понимаем, что надо сделать и сегодня, и завтра.

Суд как атрибут государственности на территории нынешнего Узбекистана имеет многовековую историю. Каким он был в далеком прошлом, более трех с половиной тысяч лет назад, то есть в начальных этапах формирования государственности, к сожалению, достоверные сведения отсутствуют. В целом же, исходя из общей характеристики древней культуры, быта, традиций и нравственных начал народов Средней Азии, надо полагать, что судебские обязанности выполнялись авторитетными, уважаемыми, имеющими богатый жизненный опыт, людьми. Их решения по спорным, конфликтным случаям в обществе признавались безукоризненными и обязательными.

На территории Узбекистана почти 13 веков существовали казийские суды, руководствовавшиеся законами шариата, и бийские суды, принимавшие решения по нормам народных обычаев и традиций.

Во второй половине прошлого столетия (после аннексии Россией Средней Азии) царские колониальные власти учредили здесь свои судебные органы, которые действовали по законам Российской империи. В начале они разрешали гражданские споры и рассматривали дела о преступлениях, касавшихся интересов подданных России, а позднее в их компетенцию были отнесены все дела о серьезных спорах, а также о преступлениях, за которые закон предусматривал наказание в виде лишения свободы.

Октябрьский переворот, разумеется, коснулся и судебной системы: были учреждены народные суды и трибуналы. Они руководствовались, как официально указывалось в первых директивах советской власти, «пролетарским сознанием». Им разрешалось применять в своей деятельности законы царской России, если они не противоречили «интересам революции».

Суды и другие карательные органы были задуманы непогрешимыми, сугубо репрессивными, не знающими сомнений. Управление ими осуществлялось не только с помощью общих установок, но и путем вмешательства в конкретные дела.

Показательно в этом смысле одно из постановлений Политбюро РКП(б), принятое в 1919 г. «О главарях басмачей», в котором

сказано: «обязать Среднеазиатское бюро ни в коем случае не выпускать из рук главарей басмачей и немедленно предавать их суду Ревтрибунала, имея в виду применение высшей меры наказания»¹.

Из текста данного постановления видно прямое вмешательство членов Политбюро в деятельность суда, ими уже решен вопрос и о виновности, и о мере наказания.

О независимости судей и правосудии в то время вообще не могло быть и речи. В 1936 году Прокурор СССР А.Я. Вышинский обосновывал роль суда в качестве органа, проводящего репрессивную политику партийного государства: «Когда мы отрицаем принцип «независимости» судей в пролетарском государстве, то мы отрицаем их независимость от пролетарского государства, от рабочего класса, от его общегосударственной политики. Мы отрицаем тем самым возможность существования в государстве какой-то особой судебной политики в отличии от общегосударственной политики»².

Беззаконие — общий признак коммунистической системы, и оно не могло обойти стороной какие-либо советские учреждения. Партийная система считала суды своим придатком, призванным реализовывать ее курс. Установки партии немедленно проводились в жизнь.

Так, 10 июля 1934 года ЦИК СССР принял постановление «О рассмотрении дел о преступлениях, расследуемых Народным комиссариатом внутренних дел Союза ССР и его местными органами». Согласно постановлению, дела о государственных (контрреволюционных и против порядка управления) преступлениях рассматривают Верховный суд СССР, верховные суды союзных республик, краевые и областные суды, а также главные суды автономных республик. Для этого в судах СССР и союзных республик организуются специальные судебные коллегии в составе председателя и двух членов суда. Дела о преступлениях на железнодорожном и водном транспорте должны рассматриваться Транспортной и Водной коллегиями Верховного суда СССР в линейных, железнодорожных и водных судах. Учреждалась также Судебно-надзорная коллегия Верховного суда СССР³.

В директиве Прокурора СССР от 23 января 1935 года говорилось, что дела о контрреволюции при отсутствии «достаточно документальных данных для рассмотрения в судах, как правило,

¹ Цит. по кн.: Стецовский Ю.И. Судебная власть: Учебное пособие. 2-е изд. — М.: Дело, 2000. С. 55.

² Вышинский А.Я. Судостроительство в СССР. М., 1936. С. 117.

³ СЗ СССР. 1934. № 36. Ст. 284.

направлять для рассмотрения особым совещанием при НКВД СССР, что, однако, не исключает передачи этих дел для рассмотрения в спецколлегии, если это вызывается местными условиями»¹. Другими словами, для осуждения без доказательств годились не только особое совещание, но и спецколлегии.

В систему спецсудов входили военные, линейные и лагерные суды. Все они и спецколлегии сродни особому совещанию. Все они закрыты и не испытывают затруднений. Их работу характеризует определенность, т. е. предрешенность приговоров. Думать не надо, все приговоры обвинительные и предельно строгие.

Оперативность и быстроту репрессий обеспечивали не только особые совещания, но и тройки в составе начальника управления НКВД области, первого секретаря обкома партии и прокурора области. В 1937 году Сталин распорядился о создании особых троек, которым предоставлялось «право» приговаривать к расстрелу и тюремному заключению на 10 лет троцкистов, шпионов и других лиц. В тройку входили: председатель — начальник УНКВД области и члены: первый секретарь обкома партии и председатель облисполкома. Для тройки выделялся «лимит». Например, особая тройка могла без суда и следствия расстрелять тысячи человек. Порядок работы тройки был таков: составлялась повестка или так называемый «альбом», на каждой странице которого указывались имя, отчество, фамилия, год рождения и совершенное «преступление». Затем начальник УНКВД области красным карандашом писал большую букву «Р», а члены тройки подписывали страницу «альбома-повестки», как правило, на следующий день. Действовали также двойки, спецколлегии и спецприсутствия. Только за один день 18 октября 1937 г. двойка в составе Ежова и Вышинского «рассмотрела» материалы в отношении 551 человека и всех их приговорила к смертной казни. При необходимости можно было обойтись и без такой процедуры. Так, в октябре 1941 г. 25 человек расстреляли по письму наркома внутренних дел: крупных военнослужащих, их жен и других лиц².

Широкое распространение имело составление списков лиц — «недрузгов» партии. Только за 1937—1938 гг. Сталиным и Молотовым были утверждены 383 списка лиц «первой категории», что означало — расстрел.

Кровавое сталинское беззаконие, игнорирование элементарных норм права в 30—50-е годы в полной мере познал и народ

¹ Сборник законодательных и нормативных актов о репрессиях и реабилитации жертв политических репрессий. М., 1993. С. 36.

² См.: Московские новости, 1988. № 19, 48; Лит. газ., 1988. 20 апр.

Узбекистана, когда были истреблены, брошены в тюрьмы многие лучшие его представители, которые осуждались по явно ложным доносам, оговорам. Большинство рассмотренных дел о так называемых контрреволюционных преступлениях характеризовалось явной предвзятостью, поверхностностью, полным игнорированием действительных обстоятельств, отсутствием у граждан права на защиту.

Большую часть составляли дела об ответственности за пропаганду или агитацию, якобы содержащие призывы к свержению, подрыву или ослаблению советской власти или к совершению отдельных контрреволюционных преступлений. При этом диспозиция указанной статьи трактовалась по крайней мере расширительно, что привело к незаконному осуждению граждан за критические замечания, анекдоты, а то и просто за высказывания, касающиеся бытовых вопросов. Вполне благонамеренный гражданин мог получить десять лет, а то и высшую меру наказания за то, что в магазине выразил недовольство по поводу несвежего хлеба или за фразу о том, что Германия — серьезный противник. Например, постановлением тройки при НКВД УзССР от 28.10.37 года была определена высшая мера наказания колхозникам А. Боймирзаеву, Н. Мурадову, Н. Саидмурадову, а Н. Шадманов, Р. Курбанов и Ш. Муминов осуждены к длительным срокам лишения свободы. Им было предъявлено обвинение в том, что они вели контрреволюционную агитацию среди колхозников. Изучением дела установлено, что суть этой «агитации» заключалась лишь в критических замечаниях по поводу неисправного инвентаря и нерадивости руководителей колхоза.

В последующем Верховным судом это дело было прекращено за отсутствием состава преступления.

Истязания и пытки, лишение человека его элементарных прав, постоянное психологическое давление, запугивание арестом родных и близких — вот основные методы, которыми добывались нужные показания, причина самых нелепых самооговоров, приводивших к трагическим результатам, унесших жизни тысяч ни в чем не повинных людей.

Так, решением тройки при НКВД УзССР от 13 февраля 1938 года были приговорены к высшей мере наказания и расстреляны семнадцать жителей Денауского и Шурчинского районов за участие в «повстанческой националистической организации», якобы созданной А. Икрамовым и Ф. Ходжаевым. Обвинение базировалось на показаниях некоего Хайитова, от которых он затем отказался, заявив, что они были даны под пыткой. Каких-либо других доказательств по делу не имелось, однако люди были лишены

жизни. Решение было исполнено буквально через три дня после его вынесения.

Другие примеры. Ташкентским областным судом 12 июня 1942 года А. Шейнкнехт был осужден к расстрелу за восхваление немецкой армии и проведение среди заключенных контрреволюционной агитации. Фактически же все высказывания осужденного сводились к тому, что немцы — сильный противник и для победы над ними нужно много усилий. Ферганским областным судом 5 мая 1946 года И. Раздобреев был осужден по ст. 58⁴ УК к 25 годам лишения свободы только за то, что на автобусной остановке выразил недовольство по поводу плохой работы транспорта. Ташкентским областным судом 6 октября 1948 года Г. Качанов был осужден по ст. 66 части 1 УК к 10 годам лишения свободы за утверждение о том, что колхозники живут бедно, а на западе жизнь лучше. Подобных примеров можно привести сотни. Верховным судом дела прекращены за отсутствием в действиях осужденных состава преступления¹.

В 30—40-х и начале 50-х годов были осуждены и репрессированы несудебными органами Союза ССР 3.778.234 человека, из них 786.098 — расстреляны, среди которых были тысячи наших соотечественников. Эти цифры, возможно, были больше².

Только с обретением Узбекистаном независимости, началом построения в республике правового государства, когда на первое место встали интересы граждан, по инициативе Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова работа по реабилитации жертв политических репрессий была поставлена на должный уровень. Если за 34 года — с 1955 по 1989 гг. — Верховным судом Узбекистана было реабилитировано всего 2850 лиц, осужденных за контрреволюционные преступления, то за последние четыре года — 5200 человек. Работа по реабилитации продолжается и, скорее всего, будет закончена только тогда, когда будут восстановлены поправные права последней невинной жертвы.

История свидетельствует, что, кроме хороших законов, крайне важны и идеологические гарантии прав человека, утверждение веры в достоинство и ценность человеческой личности, сохранение памяти о каждой жертве произвола. Именно поэтому народ Узбекистана высоко оценил Указ Президента И.А. Каримова «Об установлении Дня поминовения жертв репрессий». Есть глубокий символический смысл в том, что церемония открытия мемориального комплекса «Шахидлар хотираси», созданного по

¹ Верховный суд Республики Узбекистан. — Т.: Узбекистон, 1994. С. 51-60.

² В Комитете государственной безопасности СССР. Известия, 1990. 13 февраля.

инициативе Президента Узбекистана на столичном массиве Юнус-абад, прошла накануне большого праздника — Дня независимости страны. Тысячи людей приходят сюда, чтобы почтить светлую память соотечественников, ставших жертвами чудовищных беззаконий.

После смерти И.В. Сталина новые руководители коммунистической партии и советского правительства были вынуждены признать внесудебную расправу с инакомыслящими и предприняли некоторые меры к демократизации основ правосудия. Однако, суд оставался подчиненным исполнительной власти. Осуществление руководства судами прямо предусматривалось законодательством. Суды в своей деятельности исходили главным образом из интересов государства. Защита прав человека предавалась забвению. В те мрачные годы судебная система управлялась «центром» с помощью общих установок и путем вмешательства в разрешение дел. Партийные органы брали на контроль рассмотрение конкретных дел и добивались желаемых результатов.

С «непослушными» принципиальными судьями расправлялись изощренными методами. Слушание персонального дела судьи в партийных органах, объявление выговора или исключение из партии предрешали судьбу «независимого» судьи.

Незаконные влияния на судей нередко носили завуалированный характер (советы, намеки, просьбы повнимательнее отнестись к делу и т. п.) и были направлены как на освобождение от уголовной ответственности определенных лиц, так и на обеспечение вынесения обвинительного приговора при недостаточной доказанности преступления.

Органы МВД и прокуратуры в ряде случаев формировали определенное общественное мнение вокруг некоторых «громких» уголовных дел, внушая мысль, что наконец-то раскрыто тяжкое, нашумевшее преступление (ряд преступлений), виновные признались и суду остается только наказать их по всей строгости закона. Чаше это бывало в случаях, когда обвинение доказано ненадежно, применялись недозволенные методы расследования, существовала опасность, что обвиняемые в суде от признания откажутся, а другие доказательства сомнительны и противоречивы. Инсценировались публикации, радио- и телепередачи, в которых журналисты не жалели красок для описания «мастерски раскрытых» преступлений и шельмования «виновных» (хотя суда над ними еще не было).

Судьи поддавались незаконному воздействию и психологическому давлению по ряду причин. Во-первых, от местной власти во многом зависело обеспечение судов достаточно просторными и

удобными помещениями, мебелью, топливом, транспортом, а самих судей — квартирами, льготами. Во-вторых, судье угрожала партийная ответственность, если его приговоры и решения, по мнению местной власти, не вполне согласовывались с основными направлениями уголовной политики. В-третьих, судьи опасались, что их не переизберут на новый срок или не выдвинут на вышестоящую должность, если они будут перечесть властям.

Именно это явилось основной причиной того, что суды Узбекистана не всегда смогли противостоять тому беззаконию и произволу, чинимыми пресловутой следственной группой Гдьяна-Иванова.

По так называемым «хлопковым» делам в 1983—1989 гг. в Узбекистане были привлечены к ответственности и осуждены около 4,5 тысяч человек.

В условиях, когда интересы личности признавались лишь вторичными после интересов государства, когда во имя правящей идеологии могли быть принесены в жертву не только личные интересы, честь и достоинство, но и жизнь и свобода людей, порой даже в суде было нелегко защитить несправедливо обвиняемого человека.

